

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Қ. Т. ОЛИМОВ, Б. М. МИРЗАХМЕДОВ

А. Х. ҒАФФОРОВ, Ҳ. Ҳ. САИДОВА

МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари
магистратура талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.*

Тақризчилар: Бухоро давлат университети проректори,
педагогика фанлари доктори **Б. Р. Адизов**
Бухоро ОО ва ЕСТИ проректори,
техника фанлари доктори, профессор
О.Ф.Сафаров

Ушбу ўқув қўлланма олий ўқув юртлари магистратура талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда мутахассислик фанларининг хусусиятлари, ўқув услубий таъминоти, ўқитиш тамойиллари ва методлари батафсил баён этилган. Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнини ташкил этиш, ўтказиш ва ўқитишнинг фаол усуллари, электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари, ҳамда тажриба синов ишларини ўтказиш методикаси келтирилган.

**Қ. Т. Олимов, Б. Н. Мирзахмедов,
А. Х. Гаффоров, Х.Х. Саидова**

Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Олий ўқув юртлари магистратура талабалари учун ўқув қўлланма. Т. «Фан», 2006. – 150 б.

«Фан ва технологиялар маркази», 2007-й.

*Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм
лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра
миллат бошқаларга поймол бўлур.*

Махмудхўжа БЕҲБУДИЙ

КИРИШ

Республикамизда маънавиятни юксалтириш, миллий таълим тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари даражасига чиқариш мақсадида катта аҳамиятга эга бўлган назарий-амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада таълим турлари тўғрисидаги мутлақо янги қоидалар ҳаётга жорий этилди. Кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий – меъёрий асоси яратилди.

«Таълим тўғрисидаги» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари узлуксиз таълим тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларда илмий дунёқарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизомини шакллантириш вазифасини қўяди.

Бу вазифаларни бажариш таълим тизимида янги техника ва технологиялардан фойдалана оладиган, юксак малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш демакдир.

Ишлаб чиқариш технологияларининг янгиланаётганлиги, фан кашфиётлари ва техникани бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бориши олий таълим муассасаларидаги мутахассислик фанлари ўқитувчилари ўз билимларини мустақил ва мунтазам равишда чуқурлаштириб, янгилаб, тўлдириб ва кенгайтириб боришни талаб этади.

Бугунги кунда касб-хунар ва олий таълим тизимида ўқув режаларини ва фан дастурларини ўзаро мувофиқлаштириш зарур. Мутахассислик фанларидан ўқув дастурларини замон талабларига мос равишда оддийдан мураккабга қараб тузиш, ҳар бир мавзу учун қўшимча ўқув ва дидактик материалларни яратиш таълим олувчиларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакаларини шакллантириб боришда самара беради.

Мутахассислик фанларидан таълим олувчиларга етарлича билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш учун замонавий таълим талабларига жавоб берувчи ўқув - услубий мажмуалар, ҳамда ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш ҳозирги давр талабидир.

Мутахассислик фанларидан таълим олувчиларда етарлича билим ва кўникмаларни шакллантиришда замонавий ўқитиш технологиялари ва фаол усулларини таълим жараёнида қўллаш яхши натижа беради. Ўқитишда фаол усулларни қўллаш таълим олувчилар билим имкониятлари, ижодий қобилиятлари ва амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара беради. Албатта энг асосийси мутахассислик фанларидан ўқитиш жараёни тўғри ва самарали ташкил этиш, ўтказиш ва назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу ўқув қўлланмада мутахассислик фанларининг ўқув - услубий таъминотини ишлаб чиқиш қоидалари, ўқитиш методлари ва таълим тамойиллари келтирилган. Шунингдек мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнини ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш, ўқитишда фаол усулларни қўллаш, мустақил ишларни ўтказиш ва назорат қилиш, ҳамда электрон дарсликлардан фойдаланиш имкониятлари батафсил баён этилган ва тавсиялар берилган.

Муаллифлар қўлланмада учрайдиган айрим камчиликлар учун узр сўраб, билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни миннатдорчилик билан қабул қиладилар.

*Ишга яраб қолса илминг бир муддат,
Яна оширмоққа айлагил шиддат*

Мирзо УЛУҒБЕК

1 – БОБ. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Мутахассислик фанларининг ўзига хос хусусиятлари

Замонавий ижтимоий – иқтисодий шароитда кадрларни касб-хунарга тайёрлашни мукаммалаштиришнинг муҳим шарт-шароити замонавий фан, техника ва технологияларнинг ютуқларига асосланган таълим тизимини ташкил қилишдан иборатдир.

Ҳозирги даврда таълим тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири ўқитишда замонавий педагогик технологиялар ва ютуқлардан кенг фойдаланиш, уларни таълим тизимида жорий қилиб бориш ҳамда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини мамлакатимиз таълим тизимига тадбиқ қилиш муҳим ҳисобланади.

Таълим муассасаларида малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини кўп жиҳатдан мутахассислик фанларини самарали ўқитиш белгилайди. Мутахассислик фанларини ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги умумтаълим фанларидан фарқли эканлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш амалиётлари мутахассислик фанлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади. Мутахассислик фанларидан ўқитиш услубларини танлаш ва ўқув мақсадларини белгилаш ҳам ўзига хосликни талаб этади. Мутахассислик фанларининг етакчи компоненти бўлиб «Фаолият усуллари» ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мутахассислик фанларидан ўқув адабиётларини яратиш ва шу билан боғлиқ бўлган таълим мазмунини белгилашда, ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқитишнинг самарали усулларини танлашда чуқур дидактик таҳлил ўтказиш лозим.

Мутахассислик фанлари ишлаб чиқаришнинг аниқ соҳалари бўйича, уларда аниқ мутахассислик хусусиятларини акс эттирувчи бевосита чуқур, пухта билимлар берувчи, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилувчи жараёнларни камраб олади.

Бундай фанлар жумласига халқ хўжалигининг турли соҳалари: қишлоқ хўжалиги тармоқлари, саноат ишлаб чиқариш корхоналари, машинасозлик, транспорт, алоқа, халқ хунармандчилик тармоқлари, маданият ва санъатнинг йўналишлари ва бошқа соҳалар бўйича фаолият турларининг ўзига хос хусусиятларини бевосита намоён этадиган фанлар, уларнинг қисмлари киради.

Илғор технологиялар, янги техникалар ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, халқ хўжалиги баъзи тармоқларининг ривожланишигагина эмас, балки барча соҳаларнинг (қурилиш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, саноат, алоқа, хизмат кўрсатиш ва бошқа) тараққиётига ва бошқариш, ташкил этиш, иқтисодиётга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам техника ва технологияларнинг ўзгариб ва янгиланиб бориши ҳар бир мутахассиснинг кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлишини, ҳамда бир неча хил юмушларни бажара олишини талаб этади.

Мутахассислик фанлари мазмуни муайян йўналиш ёки ихтисосликнинг тавсифига мос тушиши, яъни таълим олувчининг эгаллайдиган касби бўйича бажариладиган фаолият усулларини ўзида камраб олиши керак. Таълим олувчиларда касбий – политехник ва касбий - техникавий тушунчаларни шакллантириш учун мутахассислик фанининг мазмунини белгилашда

политехник тамойилга риоя қилиш лозим. Касбий политехник тушунчаларга қуйидагилар киради: маълум бир ишлаб чиқариш соҳаси бўйича жиҳозлар ва ускуналар тузилишлари, ишлаши ва уларни лойиҳалаш асослари, ишлаб чиқариш технологиялари, технологик жараёнларни автоматлаштириш, касбий фаолиятни ташкил этишнинг илмий асослари, соҳа бўйича меҳнат фаолиятининг иқтисодий омиллари ва ҳ.к. Агар таълим оловчи мутахассислик фани бўйича кўп турдаги машина ва жиҳозлар турлари, уларни ҳисоблаш, лойиҳалаш, таъмирлаш асослари ёки технологик жараёнларни ўрганишлари керак бўлса, у ҳолда ўқув материалида соҳа бўйича намунавий машиналар ва жиҳозларнинг тузилишлари, ишлаш тартиби ёки мавжуд технологик жараёнлар бажарилишининг принциплар схемалари берилиши керакки, таълим оловчилар шулар асосида замонавий машиналар конструкцияларини ва технологик жараёнларнинг хусусиятларини оча олишлари керак.

Касбий–техникавий тушунчаларга эса аниқ бир ишлаб чиқариш соҳаси бўйича техникалар ёки технологик жараёнлар, муайян йўналиш бўйича бўлажак мутахассиснинг меҳнат фаолияти, ҳамда касбий кўникма ва малакалар асосини ташкил этувчи билимлар киради.

Мутахассислик фанлари мазмун ва моҳиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Ўқув материалида техникага боғлиқ масалалар ёритилган мутахассислик фанлари.

Буларга маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнида ишлатиладиган машиналар ва ускуналарнинг тузилиши, ишлаш принциплари, таъмирланиши ҳамда ишлатиш қоидалари, уларнинг конструкцияларини такомиллаштириш, ҳисоблаш, лойиҳалаш, автоматлаштириш; меҳнат воситалари, мосламалар, асбоблар ва улар қисмларининг тузилиши; меҳнат объектлари ҳисобланган машина ва ускуналарни ўрнатиш, йиғиш, таъмирлаш, созлаш методлари ва усуллари; механизм ва деталларни қайта тиклаш ҳамда таъмирлашнинг замонавий усуллари, автоматик тизимлар ва экспериментал қурилмалар тузилишлари ва ишлаш тартиблари ёритилган ўқув материаллари киради.

2. Ўқув материалларида маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ масалалар ёритилган мутахассислик фанлари. Буларга алоҳида мутахассисликнинг бутунлигини тавсифлайдиган технологик ва меҳнат жараёнлари, технологик жараёнларни лойиҳалаш ва комплекс механизациялаштириш, автоматлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш, янги технологияларни жорий қилиш ва ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, назорат қилиш ва бошқариш тавсифлари; илмий тадқиқот ишлари ва тажрибалар олиб бориш, хавфсизлик қоидалари, ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси ҳамда меҳнат қонунчилиги асослари киради.

3. Ўқув материалида хом ашё материалларига боғлиқ масалаларни ёритувчи мутахассислик фанлари. Буларга ишлаб чиқаришда қўлланиладиган турли материаллар ва хом ашёларнинг физикавий-кимёвий хусусиятлари, механик – технологик хоссалари экспериментал аниқлаш ва тайёрланиш технологиясини ёритувчи ўқув материаллари киради. Шунингдек хом ашё материалларига ишлов беришдаги жараёнлар, ҳисоблашлар ва экспериментал изланишларни йўналтирган ўқув материалларни ўз ичига олади.

4. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва иқтисодиёти тўғрисида ўқув материалларини ўзида қамраб олган мутахассислик фанлари. Ушбу гуруҳга барча мутахассислик бўйича малакали кадрларни тайёрлашда ўрганиладиган (ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил этиш ва иқтисодиёт асослари) ўқув материаллари, хўжалик ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, юритиш, бошқариш, ахборот технологиялари, илғор услубларни қўллаш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мутахассислик фанларини ўқитиш ўзининг кўпгина белгилари, яъни мазмуни, мақсад ва вазифалари, методлари, воситалари, ташкил этилиши, ўтказилиш жойи, жиҳозланиши, шакллари, тузилиши, ажратиладиган вақти билан ҳам умумтаълим ва умумкасбий фанлардан кескин фарқ қилади.

Мутахассислик фанларини ўрганишда чизмалар, жадваллар, ҳисоблашлар ва ўлчашларни ўтказиш каби алоҳида кўникмаларни шакллантирувчи лаборатория – амалий машғулотларни, техника ва технологияни бевосита ёки билвосита тасаввур этишга ёрдамлашадиган ишлаб

чиқариш машғулотларини ҳам ташкил этишга тўғри келади. Кейинги ҳол эса, таълим олувчилардан махсус йўналтирилган ихтисослиги бўйича кўникма ва малакаларнинг маълум даражада шаклланишини талаб этади.

Шунинг учун мутахассислик фанлари ўқув – услубий таъминотини ишлаб чиқиш, ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқитишнинг таълимнинг самарали усуллари танлашда, таълим мазмунини белгилашда ўзига хос ёндашувни талаб этади.

1.2. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикасида қўлланиладиган илмий тадқиқот методлари

Илмий тадқиқотлар ўтказишдан мақсад мутахассислик фанларини ўқитиш ва ўргатиш хусусиятларини ўрганиш, самарали методларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, педагогик самарадорлигини аниқлаш, таълим жараёнига дидактик воситаларини қўллашга доир масалаларни ечишдан иборатдир. Илмий изланишлар олиб бориш учун ўқитувчидан мутахассислик фанининг мазмунини чуқур билиши талаб этилади. Кўпчилик бўлажак педагоглар талабалик даврлариданоқ педагогик изланишлар билан шуғулланишлар. Маълум бир мутахассислик фани бўйича услубий кўрсатмалар, макетлар, мустақил ишлар учун материаллар тайёрлайдилар. Илмий анжуман ва семинарларда маърузалари билан қатнашиб ўзларининг педагогик маҳоратини ошириб борадилар.

Илмий педагогик изланишлар жараёнини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Ўқитувчининг мутахассислик фанига оид адабиётларни ўрганиши ва амалий ишлари асосида муаммони аниқлаши.

Ўқитувчи адабиётларни ўрганиши давомида қуйидагиларни аниқлаши керак:

- ўрганилаётган муаммо тўғрисида адабиёт муаллифининг фикр мулоҳазаси;
- ўрганилаётган муаммо тўғрисида анъанавий методдан фарқлироқ киритган таклифлари;
- қанақа асосий масалалар адабиётларда ёритилмаган;
- муаммони ечишда кейинги олиб бориладиган изланишлар тартиби аниқлаб олинади.

Ўқитиш жараёнида юзага келадиган муаммога қуйидагилар киради:

- ўқитувчининг дарс жараёнида қандай қийинчиликка дуч келиши;
- камчилик ва қийинчиликларнинг юзага келиш сабаблари.

2. Фаразларни тузиш ва ўқитишни босқичма-босқич ташкил этиш. Далиллар ва уларни таққослаш орқали изланувчи асосланган таклифни беради.

3. Изланиш натижаларини расмийлаштириш ва ўқув жараёнига қўллаш.

Мутахассислик фанларини ўқитиш методикасида илмий тадқиқотларнинг умумий ва махсус методлари қўлланилади.

Умумилмий методларга назарий изланиш, кузатиш, суҳбат ва экспериментлар киради.

Назарий метод - адабиётлардан ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳамда педагогик тажрибалар асосида олиб бориладиган изланишлар киради. Адабиётлар устида ишлашда китоб ва журналлар, мақолалар ва патентлар, илмий ишланмалар, тўпламлар ва каталоглар, интернет тизимидан олинган маълумотлардан фойдаланилади.

Кузатиш - одатда табиий кузатиш орқали талабаларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ-атвори ва муомалаларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари белгилаш учун қўлланилади.

Қайд қилиш усулига қараб кузатишлар қуйидаги турларга бўлинади. Бевосита ва билвосита қайд қилиш усули тадқиқотчига реал педагогик жараён кузатувчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва ҳоказоларни ёзиб қўйиш имконини беради. Бевосита қайд қилиш усули бирор-бир ҳодисанинг оқибатлари ҳақидаги далилий материални бошқа шахслар орқали ёки қандайдир асбобни қўллаш воситасида олишга имкон беради. Илмий-техника тараққиёти асрида кузатишнинг визуал усуллари хилма-хил техника воситалари (кинофильм, видеотасвир, телекўрсатув, компьютерлар)ни қўллаш билан тобора кўп қўлланилмоқда.

Суҳбат методи - сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошининг жавобларини ёзмасдан эркин муомала шаклида қўлланилади.

Суҳбат методи - ўқитувчилар ва талабалар жамоаси билан ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан, якка ва гуруҳли тартибда иш олиб борилганда қўлланилади. Бундан ташқари, интервью олиш методи ҳам мавжуд бўлиб, саволларни олдиндан белгиланган изчилликда интервью йўли билан баён қилишни назарда тутди. Бунда жавоблар магнит тасмасига ёки кассеталарга ёзиб олинади. Ҳозирги кунда оммавий сўраш назарияси ва амалиётида интервью ташкил этишнинг кўп усуллари мавжуд:

- гуруҳлар билан;
- интенсив;
- синов ва ҳ.к.

Талабалар ижодини ўрганиш – уларнинг ўзига хос индивидуал тартибдаги фаолиятларига доир омиллар таҳлил қилинади ва хулосалар ясалади.

Педагогик сўраш методи – тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор жихати ёки ҳодисалари ҳақида ахборот олиш жараёнидир. Сўраш саволларнинг мантикий ўйланган тизимини, уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан камлигини (3-5 та) назарда тутди. Шунингдек, қатъий шаклдаги жавобни ("ҳа", "йўқ") ҳам тақозо этиши мумкин.

Тест, сўровномалар - бу сўровнома, яъни анкета усули қўлланилганда яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, талабаларнинг якка ёки гуруҳли фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизиқишларини, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли хулосалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади.

Тест саволларидан кўзланган мақсад оз вақт ичида талабаларнинг билимларини ёппасига баҳолашдир.

Мутахассисларнинг билимини ва савиясини аниқлаш услубларидан бири - бу тест ёрдамидаги синов ўтказишдир.

Тест ёрдамида синов талаба ёки мутахассиснинг билими, илми, маънавияти ҳамда ёшларнинг қайси йўналиш ва мутахассисликка лаёқати, иқтидорини зудлик билан аниқлаш ёки баҳолашга имкон беради. Тест ёрдамида билимни баҳолашнинг педагогика нуқтаи назаридан баъзи бир ютуқлари ва камчиликлари келтирилган ва баҳолаш жараёнини компьютерлар ёрдамида автоматлаштириш мумкинлиги таъкидланган. Тест саволлари ва масалаларининг жозибадорлигига сабаб, унинг қисқа ва лўндалиги, тўғри жавобни умумий жавоблар ичида борлиги ва уларнинг талабаларга кўрсатма бўлиб хизмат қилиши, унинг топишмоқли ўйинга ўхшашлиги ва жавобни топишда хотира, интуиция ва топқирлик қўл келади. Тест саволларини қўллаш талабаларнинг мустақил ишлашини янада фаоллаштиради.

Тест синовлар методи - бу ёзма жавобларни оммавий равишда йиғиб олиш методидир. Тест синовларини (анкеталарини) ишлаб чиқиш мураккаб илмий жараён. Пировард натижада тадқиқот натижаларининг ишончлилиги анкеталар мазмунига, берилаётган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади. Одатда тест саволларининг маълумотлари компьютерда математик статистика методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади.

Эксперимент-тажриба-синов усули - ушбу тажриба асосида таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш усули – таълим соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалар, жиҳозлар, кўргазмалар, дидактик материаллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларининг қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

Математика ва кибернетика усуллари - ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетикаси машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни мустаҳкамлаш, баҳолаш орқали

таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, дифференциал ва индивидуал таълим бериш каби жараёнлардир.

Социология тадқиқот методи - анкетага саволлар киритилади. Бундан мақсад талаба-ёшларнинг мутахассисликка бўлган муносабатларини аниқлаш, талабалар орасидаги дўстлик муносабатларини, таълим муассасаларидаги шарт-шароитларни билиш, ютуқ ва камчиликларни, ёшлар орасидаги муносабатларни, динга хусусан тасаввуфга бўлган қизиқишларини аниқлаш, талабаларнинг маънавий сифатлар даражасини, билим олишга иштиёқи, адабиётлар билан таъминланганлик даражаси, ўқув тақсимооти, ўқитувчиларнинг ўқитиш даражаси, ўқув қўлланмаларнинг сифати, компьютер билан машғулот ўтказиш турларини ўрганиш, илмий ва касбий маҳоратини оширишдаги машғулотлар тури, стипендиялар миқдори, стипендияларнинг талабалар харажатини қанчалик қоплаш, ҳақ тўланадиган ишларда талабаларнинг қатнашиши, ота-оналарнинг моддий ёрдами, уларнинг маълумоти, иш жойи, талабаларнинг кўп шуғулланадиган жамоат жойи, яшаш жойи, илмий дунёқарашининг шаклланишида таъсир этувчи омиллар, мутахассис бўлиб етишишида ҳал қилувчи омиллар, талабаларнинг онглилик даражаси жараёни, комил инсон бўлиш учун керакли бўлган маънавий сифатлар, ўзлаштирганлик даражаси ҳақидаги саволлар анкетага киритилади. Савол-жавобларнинг барчаси компьютерда қайта ишланади ва хулосалар чиқарилади.

Ушбу методлардан ташқари мутахассилик фанларини ўқитиш методикасида махсус эмпирик методлардан фойдаланилади.

Махсус эмпирик усулларида ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга йўналтирилган асбоб ускуналар ва аппаратлар орқали объектив миқдорий катталикларини олиш мақсадида қўлланилади.

Тадқиқотнинг махсус эмпирик методларини шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Иш ҳаракатларининг натижавий тафсилотини ўрганиш (ҳаракатларни аниқ бажариш, сарфланадиган вақт, иш унуми);
2. Биомеханик усуллар;
3. Психофизиологик усуллар.

Иш ҳаракатларининг натижавий кўрсаткичларини аниқлаш билан боғлиқ тадқиқотларда, шу жумладан уларни ўзлаштириш жараёнида хронометраж катта рол ўйнайди. Иш меъёри, шу жумладан ишлаб чиқариш амалиётларининг турли даврларида вақт меъёри, иш тартиботини аниқлаш, шунингдек, ҳаракатларнинг вақтинчалик тузилмасини ўрганиш, талабаларнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш учун хронометраждан фойдаланилади.

Иш кунини тасвирга олиш хронометражнинг бир тури бўлиб, унда иш куни давомида ёки ишлаб чиқариш амалиёти давридаги барча вақт сарфлари ўлчанади ва таҳлил қилинади. Бу билан иш вақтининг сарфи ва унинг сабаблари, шунингдек ишни ташкил этишнинг ҳолати ажратиб кўрсатилади. Худди шу мақсадларда шунингдек ўз-ўзини тасвирга олиш қўлланилиб, унда талаба ўз ишини ўзи кузатади ва олинган натижаларни махсус кузатиш варақасига киритади.

Биомеханик методлар – бу иш ҳаракатининг фазовий вақт ва куч параметрларини ўрганишдир: уларнинг мукамаллик даражаси, талабанинг асбоб, дастгоҳ ва ҳоказолар билан ўзаро куч таъсири, асбоб ва қўл ҳаракатининг кинематикаси ва бошқалар аниқланади.

Тарихий илк биомеханик методига циклограмма киради. Циклограмма ҳаракат элементларининг кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигини ўзида акс эттиради. Циклограмма методларида асбобларга, қўл ёки оёқларга электрик лампочкалар бириктирилади. Ишчи жараёни фотоаппарат билан суратга олинади. Фотопластинкада лампочка тасвирининг ёруғ нуқталар кўринишида қолган изи мос равишдаги ҳаракат траекториясини беради. Олинган траекториянинг таҳлили ҳаракатнинг тезлиги, тезланиши, йўналиши ва бошқа ташкил этувчиларни аниқлаш имконини беради.

Психологик методлар ўқув ва меҳнат фаолияти жараёни натижасида инсон организмнинг турли органлари функционал ҳолатини ўрганиш учун қўлланилади. Булардан электромиография, электрокардиография, электродермография усуллари кенг қўлланилади.

Электромиография – ҳаракатланувчи мускулларнинг электрик потенциалини ёзишдир. Исталган мускул ҳаракати бош миядан электрик импульс кўринишида узатиладиган таъсирлар натижасида ишлайди. Мускулларнинг электрик фаоллиги унинг қисқариш кучини аниқлайди. Мускулларнинг электрик потенциали махсус электродлар ёрдамида кучайтиргичга, ўзидан-ўзи ёзгичга узатилади ва у ерда миограмма – электрик сигналларнинг қоғозда ёзилиши қайд қилинади.

Электрокардиография – юрак томирларининг электрик потенциалларини қайд қилишдир. Юрак томирлари ҳам мускуллар каби бош миядан келувчи электрик сигналлар таъсири остида қисқаради. Уларни қайд қилиш электрокардиография деб айтилади.

Электродермография – терининг электрик потенциалини қайд қилишдир. Инсон танасидан тер оқиб чиқиши ҳам миyaning электрик сигналлари таъсири остида амалга ошади. Электродермограмма биринчи навбатда инсоннинг иш жараёнидаги эмоционал ҳолати кўрсаткичи ҳисобланади.

Марказий асаб тизимининг функционал ҳолатини аниқлаш услуби ўқув меҳнат фаолиятининг талаба организми ҳолатига таъсирини ўрганиш учун қўлланилади, масалан, диққат даражаси, иш жараёнида толиқишнинг ривожланиши, машқлар таъсири остида марказий асаб тизимида содир бўладиган силжишлар ва ҳоказо.

Кўпинча шартли реакциялар усули қўлланилади, яъни талабаларга нурли, товушли ёки бошқа хилдаги сигналлар узатилади. Унга жавоб тариқасида талаба унча мураккаб бўлмаган қандайдир ҳолатни амалга ошириши керак, масалан, тугмачани босиш. Бу ҳаракатни бажариш вақти бўйича ва характери бўйича ушбу вазиятда талаба марказий асаб тизимининг ҳолати ва турли мезонлар таъсири остида ундаги ўзгаришларни аниқлаши мумкин.

1.3. Мутахассислик фанларини ўқитиш тамойиллари.

Ўқитиш тамойиллари-ўқитиш назариясининг бошланғич қоидалари бўлиб, ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил этишда уларга амал қилиши керак.

Таълимда ўқитиш тамойилларининг мажмуаси мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- фаолли тамойили;
- ўқитишда назария билан амалиётнинг боғлиқлиги тамойили;
- кўргазмалилик тамойили;
- ўқитишнинг тарбияловчи характери тамойили;
- илмийлик тамойили;
- ўқитишда тизимли ва изчиллик тамойили;
- ўқитишнинг тушунарли бўлиши тамойили;
- намуналардан фойдаланиш тамойили;
- талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили;
- билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг мустақамлиги тамойили;
- дидактик редукция тамойили;
- ўқитишда талабаларнинг онглилиги ва фаоллиги.

Мутахассислик фанларини ўқитишда ушбу тамойилларга амал қилиш тавсия этилади

Фаоллилик тамойили - талаба мустақил тарзда ўзи ҳаракат қилган пайтда яхши ўрганади ва ўзлаштиради. Шунинг учун ўқув жараёни шундай ташкил қилиниши керакки, талаба кўпроқ ҳаракатлар қилиши керак бўлсин.

Талабалар ҳар бир дарсга фаол қатнашиши керак, чунки талаба қандайдир иш бажаришни онглироқ равишда ўзлаштиради ва бу билим хотирасида чуқурроқ ўрнашиб қолади. Бунинг натижасида талаба билимларни яхшироқ ва чуқурроқ ўзлаштиради ва эслаб қолади ҳамда қизиқиши ортади. Баъзи бир қобилиятларга эса, масалан мустақиллик ва индивидуал равишда ўрганиш каби қобилиятларга фақат шу тарзда эришиш мумкин ҳолос. Бунинг учун, ўқитувчи жуда яхши услубий қобилиятларга ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Ўқитишда назария билан амалиёти билан боғлиқлиги-Илмий билимлар кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти эҳтиёжлари асосида пайдо бўлиб, ана шу фаолиятга хизмат қилганлиги ва ҳаёт билан боғланганлиги сабабли, бу билимларни эгаллаш учун уларнинг мазмунини ўзлаштириб олишгина эмас, балки билимларни амалда қўллаш билиш ҳам керак.

Талабаларни амалий фаолиятга тайёрлаш назарий билимларни эгаллаш жараёнида бошланади. Кейинчалик у тажриба ва амалий машғулотларда давом эттирилади. Бу машғулотларда талабалар ўқитувчи раҳбарлигида тажриба шароитида олинган билимларнинг ишонарли эканлигини текширадилар, бу билимларни мустаҳкамлайдилар ва чуқурлаштирадилар ҳамда уларни амалда қўлланиш кўникмалари ва малакаларини ҳосил қиладилар.

Амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти талабалар амалий фаолиятининг муҳим босқичидир. Улар эгаллаб олган назарий билимлари асосида танлаган ихтисосликларига доир меҳнат кўникмалари ва малакаларини ҳосил қиладилар. Шу билан бирга назарий билим ҳам тўлдирилиб, конкретлаштирилиб борилади.

Ўқитишнинг кўргазмалиги-ўқитишнинг кўргазмалилиги шуни тасдиқлайдики, агар талабаларда ўрганилаётган жараёнларни нарс ва ҳодисаларни бевосита идрок қилиш билан боғлиқ муайян ҳиссий амалий тажриба бўлган тақдирдагина улар билимларни онгли суратда ўзлаштирадилар ҳамда уларда илмий тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиш мумкин. Бу тамойил ўқитиш жараёнида турли сезгилардан: кўриш, эшитиш, бадан билан сезиш ва бошқалардан фойдаланишни талаб этади. Буюмни қанчалик ҳар томонлама идрок қилинса, талабаларнинг шу буюм ҳақидаги билими ҳам шунчалик тўла ва чуқур бўлади.

Кўрсатмалилик тамойили ўқитиш мақсадларига мос бўлиб, материалнинг мазмуни билан белгиланади. Бу материални ўрганиш эса талабаларни чинакам илмий ва ҳаётий муҳим билимлар билан қуроллантириши керак. Кўрсатмалилик бу билимларни яхшироқ ўзлаштириб олишга ҳамда уларнинг ҳаёт билан, меҳнат амалиёти билан боғланишига ёрдам беради. Машғулотларда турли хил кўрсатмали қуролларни қўллаш талабаларнинг фикрлаш фаолиятини активлаштиради, уларнинг диққатини тортади. Шунинг учун ҳам кўрсатмалилик воситалари ўқитишнинг ҳамма босқичларида: талабаларнинг янги материални идрок қилишларида, билимларни мустаҳкамлашда, текшириш ҳамда амалий фаолиятда ва ишда қўллашларида, меҳнат кўникмалари ва малакаларини ҳосил қилишда тадбиқ этилади. Билимларни иложи борица кўргазмали ва реал ҳаётга яқин қилиб тадбиқ этиш - бир томондан тилнинг тушунарлилигини ва ўқитиш жараёнида аудио-визуал воситалардан фойдаланишни талаб қилса, иккинчидан у бевосита иш жараёнида ва реал ҳолатда ўқитишни талаб этади.

Ўқитишнинг тушунарли бўлиши – ўқитишнинг тушунарли бўлиш тамойили ўрганилаётган материал мазмуни, ҳажми ва ўқитиш методларига кўра талабаларнинг ёшига, тайёргарлик даражасига, жисмоний кучи ва билиш имкониятларини мос бўлишини талаб этади.

Ўқитишни тушунарли қилиш дегани уни осон қилишни билдирмайди. ҳаддан ташқари осон материални талабалар ортиқча куч-ғайрат сарфламай ўзлаштириб оладилар. Бундай ўқитиш талабаларнинг ақлий билиш имкониятларини ривожлантиришга ёрдам бермайди. Ўқитишни тушунарлилиги талаба имкониятларининг энг юқори чегараси ва уни аста-секин ошириб бориши билан белгиланади. Таълим жараёнининг боришида талабалар олдига қўйиладиган ўқув ва меҳнат топшириқларини изчиллик билан мураккаблаштириб бориш талабаларнинг ақлий имкониятлари ва жисмоний кучларини ривожлантиради. Ўқув материалининг мазмуни шундай танланган ва тузилган бўлиши керакки, талабалар уни ўзларининг олдинги билимлари билан боғлай олишлари ва уни тушунишда қийналмаслиги лозим.

Намуналардан фойдаланиш тамойили - ўқитувчи ўқув материалининг мазмунини тушунтириш учун ҳар доим яхши намуналарни танлашга ҳаракат қилиши керак. Яхши модел, амалиётдан типик мисоллар, яхши ҳамда ёмон маҳсулотлар ҳам қўйилган даражадаги натижанинг сифати қандай бўлиши ёки бўлмаслигини аниқ кўрсатади.

Дидактик редукция тамойили - талабанинг билимларни юқори даражада ўзлаштириши учун ўқув материали керакли микдоргача қисқартирилиши мумкин. Агар ўқув материалининг ҳажми жуда катта бўлса, ундан айнан мутахассисликка ва фанга тўғридан тўғри тегишли бўлган қисмлар танлаб олиниши керак. Умумий ва мураккаб топшириқлар доимо дидактик равишда осонлаштирилиши лозим, лекин маъноси ўзгармаслиги шарт. Шунинг учун, агар фақат бошланғич билимлар бериш керак бўлса, ўқув материални иложи борида оддийроқ тушунтиришга ва ниҳоятда кўп ва кенг ўқув материали билан талабани қийнамасликка ҳаракат қилиш керак. Тажрибали ўқитувчи мураккаб жараёнларни осон сўзлар билан тушунтира олади.

Илмийлик тамойили - талабаларга ўрганиш учун илмий жиҳатдан асосланган, амалда синаб кўрилган маълумотлар берилишини талаб этади. Уларни танлаб олишда фан ва техниканинг энг янги ютуқлари ва кашфиётларидан фойдаланиш керак.

Илмий билимларни эгаллаш жараёнида талабаларда илмий дунёқараш, тафаккур ривожланади. Ҳар бир дарсда ўқитиладиган ўқув материалининг илмий мазмуни кенг ва чуқур бўлиши ва талабада нафақат билим, балки тафаккур ҳосил қилишни ҳамда талабанинг ижодий қобилиятини шакллантириши керак. Бунинг учун эса ўқитувчи ўз илмий савиясини изчил равишда ошириб бориши, замонавий педагогик технологиялар кашфиётлар ва илмий янгиликлардан хабардор бўлиши лозим. Талаба ўрганаётган билимлар албатта назарий тасдиқланган ва амалда синалган бўлиши керак.

Ўқитишнинг тарбияловчи характери – ўқитиш ва тарбиялаш жараёнлари узвий бир-бирига боғлиқ бўлади. Ўқитиш билим бериш вазифаларини ҳал қилиш билан бирга талабаларга жуда катта тарбиявий таъсир кўрсатади. У талабаларнинг билиш имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, уларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятидаги активлиги ва мустақиллигини, билимга қизиқишини оширишга ёрдам беради.

Бироқ ўқитиш жараёнидаги тарбия стихияли равишда амалга оширилмайди. Унинг мақсади, мазмуни, ғоявий йўналиши ва талабаларга таъсир этиш самарадорлиги бир қатор шартларга боғлиқ бўлиб, улардан асосийлари: ўрганилаётган фаннинг мазмуни, ўқув машғулотларининг ташкил этилиши ва методикаси ҳамда бу машғулотларни ўтказётган педагогнинг шахсидир.

Ўқув машғулотларининг тўғри ташкил этилиши ва уларни ўтказиш методикаси талабаларга жуда катта тарбиявий таъсир кўрсатади. Машғулотларда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга доир индивидуал ишлари ҳам, бу ишларнинг гуруҳли кўринишлари ҳам қўлланилади.

Таълим тарбия жараёнининг махсуллигини ошириш мақсадида тарбиявий йўналишнинг устуворлигини таъминлаш асосий мезон ҳисобланади.

Тарбия орқалигина инсон ўз шахсини етиб англайди. Ўз-ўзини англаган кишигина ўз қобилиятлари ва имкониятини билган ҳолда эҳтиёжини шакллантириш заруратини вужудга келтиради.

Ўқитишда тизимли ва изчиллик- тизимли ва изчиллик тамойили ўқитишни шундай ташкил этишни талаб этадики, бунда ўқув фанларини ўқитиш қатъий мантиқий тартибда олиб борилади, талабалар билим кўникма ҳамда малакаларни изчиллик билан эгаллаб борадилар ва айни замонда амалий вазифаларни ҳал қилиш учун улардан фойдаланишни ўрганадилар.

Тизимли ва изчиллик жараёни ўқув жараёнининг ҳамма звеноларида амалга оширилади. Унинг талаблари дарсликлар ва дастурларни тузишда ўз аксини топади. Улардаги материал бир қатор дидактик талаблар билан белгиланадиган тизим бўйича жойлаштирилади. Мутахассислик фани дастурида назарий ва амалий машғулотлар бир-бирига узвий боғланиши керак. Ҳар бир дарсда ўқув мақсадини аниқ белгилаш ва белгиланган мақсадга мувофиқ келувчи мазмунини таркиб топтириш керак. Ҳар бир мутахассислик фани учун ўқув дастури талабига мос ҳолда даставвал таянч тушунчаларни аниқ белгилаб олиб, уларнинг даражаси ва меъёрини аниқлаш керак. Мутахассислик фанларини ўқитишда қўлланиладиган методларни аниқ белгилаб, юқори самара берувчи усулдан фойдаланиш, машғулотлар давомида берилаётган билим ва кўникмаларнинг талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини белгиловчи назорат ва

текширишнинг турли усуллари ҳамда тестлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Талабаларнинг маълумот даражаси ошиб боришига ва ривожланишига қараб предметни баён қилишнинг дидактик системаси фан системасиги то бора яқинлашиб боради. Машғулотларни ўтказишда дастурга аниқ риоя қилиш ва талабаларнинг дарслик билан ишлаши уларнинг билимларни муайян системада ўзлаштириб олишга ёрдам беради.

Ўқитишда талабаларнинг онглилиги ва фаоллиги - бу тамойил ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадикки, бунда талабалар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва актив эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланадиган бўлсин.

Ўқитишдаги онглилик тамойили талабаларнинг ўз ўқув ишларининг конкрет мақсадларини аниқ тушунишини, ўрганилаётган факт, ҳодиса, жараёнларни ва улар ўртасидаги боғланишни тушунган ҳолда ўзлаштириб олишини, олинган билимларни амалий фаолиятда қўллай бўлишини билдиради.

Талабаларнинг фаоллиги уларнинг назарий материални эгаллаб олишида, лабораторияда, устахона ҳамда ишлаб чиқариш шароитларида ўқув меҳнат топшириқларини бажаришда намоён бўлади. Фаоллик талабаларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятидаги мустақиллигини ривожлантириш билан мустаҳкам боғланган.

Талабаларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олиш - ҳар бир талаба ўзининг индивидуал (жисмоний, психик ва б.) хусусиятларига эгаки, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Педагогнинг бу хусусиятларни ўрганиши ва ҳисобга олиши ўқитиш сифатини ошириш ва ҳар бир талабанинг ижобий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Талабанинг хусусиятларини бундай ўрганиш узоқ вақт мобайнида олиб борилади. Педагог талабаларнинг дарслардаги ва ишлаб чиқариш таълими вақтида устахоналардаги ишини, уй вазифаларини бажаришини кузатади, уларнинг билими, ёзма ишлари ва тайёрлаган буюмларини текширади, маслаҳатларда ва дарсдан ташқари вақтларда улар билан суҳбатлашади. Талабанинг кучли ва ожиз томонини билиб олишга, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, ҳаёлига хос бўлган хусусиятларни ўрганишга, унинг характери ва иродавий сифатларини яхши билиб олишга ҳаракат қилади, талабаларнинг ҳаётий ва меҳнат тажрибаларини, уларнинг коллежга келишдан олдинги фаолияти хусусиятларини ўрганади.

Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг мустаҳкамлиги. Назарий таълим ва ишлаб чиқариш таълими жараёнида талабалар ўзларининг бўлажак касбий фаолиятлари учун керак бўладиган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб борадилар. Бундан ташқари аввалги машғулотларда ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакалар анча мураккаброқ материални ўзлаштириб олиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Илмий билимларни эгаллаш талабаларнинг хотираси, мантиқий тафаккури, хилма-хил фаолият турларидаги ижодий активлиги ва мустақиллигини ривожлантиришга ёрдам беради. Лекин ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакаларнинг келгусида илмий билимлар системасини ўзлаштириб олишда асос бўлиб хизмат қилиши учун улар пухта ўзлаштирилган, яхши мустаҳкамланган бўлиши ва талабаларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиши керак. Мустаҳкамлик тамойилининг талаблари шулардан иборат бўлиб, буларга риоя қилмаслик талабаларнинг ўзлаштирамаслигига, уларнинг ўқишда орқада қолишига сабаб бўлади. Ўқитиш тамойиллари билан бир қаторда ўқитишнинг асосий қоидалари ҳам бўлиб уларга қуйидагилар киради:

- тушунарлидан - тушунарсизга;
- яқиндан – узоққа;
- осондан - қийинга;
- аниқдан - мавҳумга;
- умумийдан - хусусийга.

1.4. Ўқув меъёрий ҳужжатлар

.....каспий педагогик

ДТС

Ўқув режа

ФАН ДАСТУРИ – услубий меъёрий ҳужжат бўлиб, давлат таълим стандартининг муайян фан бўйича бакалавр (магистр) билим, кўникма, ва малакаларига ҳамда компетенциясига қуйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

Фан дастури таркибида фаннинг мақсади, вазифалари ва ўрганадиган муаммолари, талабаларнинг фан бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар тавсифи, компетенцияси, назарий, амалий (лаборатория, семинар) ва мустақил иш машғулотлари ҳажми ва мазмуни, методик тавсиялар, тақвимий мавзуий режалар, ўқув-услубий адабиётлар ва дидактик воситалар рўйхати ҳамда баҳолаш мезонлари, шахснинг қайси фазилатларини шакллантиришга йўналганлиги киради.

Дастурда фан, техника, технологиянинг сўнгги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденцияси ҳисобга олиниши, республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши шарт.

Фан дастурини ишлаб чиқишда таълим олувчиларнинг мустақил билим олиш ва ўрганиш, ўқитиш жараёнини шахсга йўналтирилган ва ривожлантирувчи таълим талаблари асосида ташкил этишга, мавзуларнинг бир хил талқинда такрорланмаслигига эътибор берилиши зарур.

Фан дастури

```
graph TD; A[Фан дастури] --- B[1. Кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари]; A --- C[2. Фанни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар]; A --- D[3. Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги]; A --- E[4. Фаннинг ҳажми ва мазмуни]; A --- F[5. Курс иши ёки лойиҳасининг намунавий таркиби, бажаришга қўйиладиган талаблар]; A --- G[6. мустақил ишлар мазмуни]; A --- H[7. Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар]; A --- I[8. Тақвим мавзуий режа]; A --- J[9. Ўқув услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати]; A --- K[10. Дидактик воситалар рўйхати]; A --- L[11. Баҳолаш мезонлари];
```

1. Кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари

2. Фанни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

3. Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

4. Фаннинг ҳажми ва мазмуни

5. Курс иши ёки лойиҳасининг намунавий таркиби, бажаришга қўйиладиган талаблар

6. мустақил ишлар мазмуни

7. Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

8. Тақвим мавзуий режа

9. Ўқув услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати

10. Дидактик воситалар рўйхати

11. Баҳолаш мезонлари

Фан дастури таркибий компонентлари қуйидаги кетма кетликда тақдим этилади.

1. Кириш.(Фаннинг ўрни ва ахамияти, ривожланиш тараққиёти, назарий ва методологик асоси ва ўрганиладиган муаммолари баён этилади)

Фаннинг мақсади ва вазифалари.

2. Фанни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Фанни ўзлаштиришда қўйиладиган талаблар Давлат таълим стандартидаги малакавий тавсифга мувофиқ ишлаб чиқилади ва қуйидагича баён этилади.

Фанни ўзлаштиргандан кейин талаба:

.....лар . ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
.....хақида назарий билимларга эга бўлиши;
.....амалий кўникмаларни эгаллаши;
.....малакаларни эгаллаши;
.....компетенцияларга эга бўлиши керак.

3. Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

(Фаннинг бошқа турдош фанлар билан ўзаро алоқадорлиги ва узвийлиги ҳақида маълумот берилади).

4. Фаннинг ҳажми ва мазмуни.

4.1. Фаннинг ҳажми.

№	Маишулот тури	Ажратилган соат	Семестр
1	Назарий		
2	Амалий (лаборатория)		
3	Мустақил иш		
4	Курс иши (лойиҳалаш)		
5	Назоратлар		

4.2. Назарий маишулотлар мавзулари мазмуни ва уларга ажратилган соат

4.3. Лаборатория (амалий, семинар) маишулотлари мазмуни

№	Лаборатория (амалий, семинар) маишулотлари мавзуси	Лаборатория (амалий, семинар) маишулотлари мақсади	Қўйиладиган натيجжа	Ажратилган соат

5. Курс иши (лойиха) таркиби, уларга қўйиладиган талаблар. (Курс (лойиха) ишлари мавзулари, мақсади ва вазифалари, мазмунига, ҳажмига ва рамийлаштиришига қўйиладиган талаблар келтирилади.)

6. Мустақил ишлар мавзулари мазмуни ва уларга ажратилган соатлар

7. Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар. (Фанни ўқитиш шакли, технологияси ва методлари келтирилади).

8. Тақвим мавзуйи режа.

(Тақвим мавзуйи режа ўқув материални тўғри тақсимлашда мазкур фан бошқа фанлар ва амалиётлар билан боғлашда, дарсга керакли ўқув материаллари ва воситаларини тайёрлашда ёрдам беради, ўқитиш жараёнини лойихалаштириш ва самарадорликни ошириш имконини беради).

№	Мавзу	Ажратилган соат	Таълим шакли	Дарс тури	Фанларро ва фан ичидаги боғлиқлик	Таълим методлари	Таълим воситалари	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	Мустақил иш топшириқлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

9. Ўқув услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати.

Асосий _____
 Қўшимча _____
 Электрон таълим ресурслари _____

10. Дидактик воситалар.(Дидактик воситалар рўйхати берилади).

- жихозлар ва ускуналар, мосламалар-----
- видео-аудио ускуналар-----
- компьютер ва мультимедияли воситалар-----

11. Баҳолаш мезонлари.

(Ҳар бир машғулот тури бўйича жорий, назорат ва якуний баҳолаш мезонлари келтирилади).

1.5. Мутахассислик фанларининг ўқув услубий таъминоти

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим жараёни мазмунини ислоҳ қилиш асосан меъёрий ҳужжатлар мажмуи (давлат таълим стандарти, ўқув режалари ва дастурлари) асосида кадрларга таълим ва тарбия бериш миллий истиқлол ғояларига мувофиқ амалга оширилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Шунинг учун ҳам мутахассис моделини ишлаб чиқишда шахс, давлат ва жамиятнинг қуйидаги эҳтиёж белгиларини, яъни муайян шахс таълим оладиган йўналиш бўйича стандартлари, йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таснифловчи талабларини эътиборга олиш зарур. Албатта, ишлаб чиқилган модел битирувчининг касбий-шахсий сифатини назорат қилиш тизимини ва назорат қилиш технологиясини камраб олиши керак.

Мутахассислик фанлари ўқув – услубий таъминотини яратишда таълим жараёнини ташкил этишда, ўқитишнинг самарали усуллари танлашда, таълим мазмунини белгилашда ўзига хос ёндашувни талаб этади.

Дарслик барча таълим турлари ва фанлар бўйича энг кенг тарқалган ўқитиш воситаси бўлиб, ўқув- услубий таъминотнинг етакчи компоненти ҳисобланади. Шунинг учун мутахассислик фанлари бўйича дарсликлар яратиш жараёнига биринчи навбатда ўқув - услубий таъминотини ишлаб чиқувчилар жалб қилиниши керак. Мутахассислик фанларидан замонавий ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқиш учун мутахассислар тайёрлашда ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳозирги даврда қай даражада ўқув мақсадлари ва вазифаларига эришишни таъминлашини, уларни қайси дидактик тамойиллар асосида тузишни ва ишлаб чиқишни ўрганиш лозим.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, таълим оловчиларни касбга ва меҳнатга тайёрлаш самарадорлиги асосан ўқув- услубий мажмуасининг ўзаро боғлиқ компонентларига, яъни дастурдаги ўқув материалнинг тузилмасига, ўқитиш методикасига, ўқув адабиётлари ва кўргазмали материалларига боғлиқ бўлади. Улар ўқув –услубий мажмуасини таълим оловчиларни меҳнатга ва касбга тайёрлаш бўйича ўқитиш жараёнидаги функцияларига қараб гуруҳлайдилар, яъни меъёрий ҳужжатларга (ўқув режаси, ўқув дастурлари); ўқитиш учун методик материалларга (хусусий методикаларни ишлаб чиқиш, методик журналлар); талабалар учун ўқув адабиётлари (дарсликлар, дидактик материаллар, тажриба ва амалий машғулотлар учун услубий қўлланмалар) ва кўргазмали материаллар (расмлар, асл нарсалар ва объектлар). Тадқиқотчилар ўқув-услубий мажмуасининг асосий звеноси деб дарсликни ҳисоблайдилар.

Таълим оловчиларнинг мутахассислик фанидан маълум бир техникавий ва технологик топшириқни мустақил равишда бажаришлари учун уларнинг дарсликлар, турли техникавий адабиётлар, услубий кўрсатмалар, чизмалар, схемалар, маҳсулотлар, хом ашё материаллари, макетлар ва жиҳозлар, асбоб ва ускуналарни ўзида қамраб олган ўқув-услубий мажмуалар билан таъминланиши ўқитишни фаоллаштиради ва ижодий ёндашувли таълимни шакллантиради.

Ўқув-услубий мажмуа (ЎУМ)-тўплам сифатида эмас, балки алоҳида компонентларининг функциялари жиҳатидан ўзаро алмашинувчанлиги мумкин бўлган ўқитиш воситалари тизими сифатида ишлаб чиқилиши керак. Бу – дидактик воситаларнинг очиқ тизими бўлиб, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалардан ташқари турли хил адабиётларни ҳам ўзида қамраб олади. Ушбу ўқув-услубий мажмуа тузилмасидаги инвариант мазмуннинг ташувчиси бўлиб, тайёргарлик йўналиши бўйича асосий тушунчалар ва терминларнинг луғат-маълумотномаси хизмат қилиши мумкин. Қолган маълумот берувчи материаллар вариатив ҳисобланади.

Мутахассислик фанлари бўйича ўқув-услубий мажмуаларнинг асосий қисмларига қуйидагилар киради:

- мутахассислик фанининг мазмунини, ҳажмини ва ўқитиш тартибини белгиловчи ҳужжатлар ва материаллар (ўқув режаси, ўқув дастури, фанни ўқитиш методикаси ва бошқалар);
- ўқув жараёнини назорат қилиш, мустақил таълим олишни, ҳамда билимларни мустаҳкамлаш бўйича материаллар ва ҳужжатлар; ўқув услубий (дарсликлар, мавзуй режалар ва бошқалар), мустақил ўрганиш ва билимларни мустаҳкамлаш бўйича манбалар (мустақил ўрганиш бўйича китоблар, луғатлар, маълумотлар тўплами, қайта такрорлаш учун кўрсатмалар, практикумлар ва бошқалар);
- ўқув тарбия жараёнининг технологик жиҳатларини таъминловчи материаллар (асл объектлар ва нарсалар, асбоблар, моделлар, макетлар, плакатлар, тарқатма материаллар, компьютер техникалари учун воситалар, диакино ва видео техникалар);

- ўқитувчилар учун мўлжалланган ўқув- услубий материаллар.

Ўқув - услубий мажмуага кирувчи компонентларнинг мазмуни ва таркиби ўқув предметининг тури бўйича аниқланади. Чунки ўқув предметининг тури бўйича зарурий ва қўшимча ўқув материаллари, машқлар, топшириқлар, мустақил ўрганиш бўйича материаллар турлича даражада аниқланади. Мутахассислик фанлари ўқув - услубий мажмуаси компонентларининг ва ўқитиш методикасининг мазмуни таълим тури бўйича ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти асосида тузилган ўқув дастурига мувофиқ аниқланади.

Мутахассислик фанлари ўқув услубий мажмуасига кирувчи ҳар бир ўқитиш воситаси дидактик жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Мажмуанинг барча ўқитиш воситаларида асосий тушунчалар, терминлар, шартли белгилар бир хил бўлишига риоя қилиниши, ҳамда талабаларнинг мутахассислик фанни ўрганиш бўйича эгаллаши керак бўлган билим ва кўникмаларга йўналтирилган бўлиши лозим.

Мутахассислик фанларини ўқитиш сифатини яхшилаш учун ўқув-услубий мажмуа таркибига қуйидаги ўқитиш воситалари кириши керак:

1. Асосий ўқитиш воситалари – тайёрлов йўналишлари бўйича таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари, босма ва электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалар, услубий қўлланмалар, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар;

2. Қўшимча ўқитиш воситалари-дарс жараёнини ташкил этиш бўйича йўриқнома, машқ ва масалалар тўплами, плакатлар, слайдлар, электрон мультимедиали ўқув қўлланмалар, назорат ва тест саволлари тўплами, тарқатма материаллар, назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича методик қўлланмалар.

3. Амалий ўқитиш воситалари – кодоскоп, видеокўз, мультимедиа, телевизор, компьютер, лаборатория жиҳозлари, макетлар, асл нарсалар, маҳсулотлар, машиналар, ускуналар.

Ўқув-услубий мажмуасини яратишда ўқув даври ҳажми бўйича илмий техникавий топшириқларни ишлаб чиқиш, таълим олувчиларнинг фаолиятидаги психологик жиҳатларини ҳам ўрганиш талаб қилинади.

Мутахассислик фанлари ўқув -услубий мажмуасини таҳлил қилиш ўқитувчига, услубчига, ишлаб чиқариш таълими устасига машғулотларни ўтказиш учун керакли ўқитиш материалларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва тайёрлаш имкониятини яратади.

Мутахассислик фанлари бўйича ўқув машғулотларини ўқув-услубий мажмуалар ёрдамида ташкил қилиш ва ўтказиш таълим сифатини яхшилайди, таълим олувчиларнинг машғулот давридаги меҳнат фаолиятини ташкил қилишда, уларда кўникма ва малакаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Таълим мақсадларига эришиш учун мутахассислик фанлари бўйича ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқишда қуйидаги умумий талаблар бўйича компонентларни киритиш зарурияти аниқланди:

- биринчидан, таълим муассасасида самарали ўқитишни таъминлаш учун билим, кўникма ва малакаларни тизимлаштириш;
- иккинчидан, мутахассислик фанларини касбий фаолиятга амалий жиҳатдан йўналтириш, қайсики, амалий вазиятларда қўллаш учун етарли ва мустаҳкам билим, ҳамда кўникмаларни таъминлаш керак бўлади;
- учинчидан, ўқитишнинг тарбияловчи, изланувчанлик ва ривожлантирувчи функцияларини кучайтириш керак. Ишлаб чиқилган амалий машқлар ва топшириқлар системаси таълим олувчиларнинг ижодий ва мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратади (фикрлаш, таққослаш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва бошқалар). Ўқитишнинг тарбиявий йўналтирганлиги эса талабаларнинг меҳнатга эстетик, экологик, техник ва технологик жиҳатдан тарбиялашга йўналтирилган топшириқлар ва машқларни танлаш орқали ифодаланади;

- тўртинчидан, мутахассислик фанига бўлган қизиқишни кучайтириш. Таълим олувчиларда ўрганишга бўлган ижобий мотивацияни шакллантирувчи ўқув материаллари ишлаб чиқиш лозим.

Мутахассислик фанлари ўқув-услугий мажмуасига қўйиладиган юқорида келтирилган талаблардан ташқари, қуйидаги қўшимча талабларни киритиш ҳам мақсадга эришишни осонлаштиради. Мутахассислик фанлари ўқув-услугий мажмуасида тайёргарлик йўналиши ва мутахассислиги бўйича экологик, тарихий, миллий ва иқтисодий аспектларнинг ёритилиши, таълим олувчиларга турли вазиятлардаги амалий фаолиятнинг модели тавсия қилиниши, уларнинг ижодий фаоллигини оширишни таъминлаши керак.

Бизнинг фикримизча мутахассислик фанлари ўқув-услугий мажмуасининг асосий функцияси - талабаларнинг мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятини ривожлантириш учун мақбул шарт-шароитлар яратишдан иборат бўлиши керак.

Демак, махсус фан ўқув-услугий мажмуаси таълим жараёнида талабаларнинг мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятини амалга оширишни таъминлаши лозим. Эркинлаштирилган таълим жараёнида ўқув-услугий мажмуанинг ядроси бўлиб–меҳнат методлари, фаолиятлар ва жараёнлар кетма-кетлиги, усуллари, турлари ва мақсадлари тўғрисида билим узатувчилар хизмат қилиши керак.

Ўқув-методик мажмуа (ЎММ) – давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув –услугий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, ўқитиш технологияси, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

Фаннинг ўқув-методик мажмуаси компонентларининг мазмуни Давлат таълим стандарти асосида тузилган фан дастурига мувофиқ, ҳамда шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи ва мустақил таълим олиш технологиялари, тамойиллари ва талаблари асосида ишлаб чиқилади.

Ўқув-услугий мажмуаларни ишлаб чиқишда йўналтирувчи ва қизиқтирувчи билимлар спецификациясининг ёритилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда биз хорижий давлатларда мутахассислар тайёрлаш тажрибаларига эътибор қаратадиган бўлсак, уларда ўқитишни асосий ташкил қилиш шакллари сифатида лойиҳалар ва модуллар қўлланилади. Бу воситалар талабаларнинг мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятига йўналтирилган бўлиб, турли ўқув-моддий базаларда ишлаб чиқилади. Асосий ўқитиш воситаси бўлиб модулли ўқув дастурлари ҳисобланади. Модулли ўқув дастурлар таълим олувчиларнинг йўналиши ва мутахассислиги бўйича технологик жараёнларнинг бажарилиши ва фаолият усуллари бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун турли хилдаги, ҳажмдаги ва мураккабликдаги билим ва меҳнат топшириқлари системасини қамраб олади. Фақатгина модулли ўқув дастури ўқув-услугий мажмуасининг асосий компоненти бўлиб хизмат қилади ва ўқув материални узатишнинг эса етакчи воситаси ҳисобланади.


Шунинг учун ҳам мутахассислик фанлари бўйича ўқув услубий мажмуасининг мазмуни мустақил ва тугалланган ўқув жараёнини белгиловчи модул ёки бўлим кўринишида ишлаб чиқиши кераклиги тавсия этилади. Модулли тузилмали ўқув-услугий мажмуа ўқитувчи учун методик аппарат бўлиб хизмат қилади, чунки ўқитувчи унга керакли қўшимчалар киритиш имкониятига эга бўлади. Ўқув-услугий мажмуаларни модулли тузилмасини ишлаб чиқишда таълим олувчиларнинг индивидуал ишлаш, ўқув материални самарали ўзлаштириш, мустақил билим олиш ва меҳнат

фаолиятини ривожлантириш, билим ва кўникмаларни фаоллаштириш каби асосий жиҳатларга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Модул тизими асосида мутахассислик фанлари ўқув-услубий мажмуасининг модели 1-расмда келтирилган.

Ушбу модел бўйича модулли ўқув дастурида ҳар бир фаолият усули бўйича назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ўзаро боғлиқ мавзулар алоҳида модулларга гуруҳлаштирилади. Ҳар бир модул бўйича ўқув мақсадлари ва мазмунлари белгиланади. Ҳар бир модул ўзининг ўқув-услубий таъминотига эга бўлиши керак.

Ўқитиш методикасида мутахассислик фанни ушбу ўқув-услубий мажмуа асосида ўқитишни ташкил этиш ва ўтказиш, янги педагогик технологияларни қўллаш, талабаларнинг билим, ҳамда кўникмаларини баҳолаш методлари берилади.

Модулли тузилма кўринишидаги ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига тадбиқ этиш мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш имконини беради.



1-расм. Мутахассислик фан ўқув- услубий мажмуасининг модели

*Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади:
истеъдодга, илмга, машққа.*

АРАСТУ

2– БОБ. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

Ўқитиш жараёни - педагогнинг ва у раҳбарлик қилаётган талабаларнинг билим, кўникма ҳамда малакалар системаларини онгли равишда ва пухта ўзлаштиришга қаратилган изчил характерлари мажмуидан иборат.

Ўқитиш талабалар шахсини шакллантиришнинг, уларни ақлий ва жисмоний камол топтиришнинг, умумий ҳамда махсус билим беришнинг энг муҳим воситасидир. Ўқитиш жараёни давомида талабаларнинг билим олиш кучлари ривожлантирилади.

Ўқитиш – ўқитувчининг таълим олувчиларга билим, кўникма ва малакалар тизимини бериш, уларнинг билим олиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасидаги фаолиятидир.

Ўқиш – талабаларнинг ўқув фани материални ўзлаштириш борасида қиладиган тизими ва онгли меҳнати.

Ўқитиш икки томонлама жараёндир, у ўқитувчининг фаолияти ва талабалар фаолиятини ўз ичига олади. Ўқитувчининг фаолияти ўқув материални баён қилишдан, талабаларга фанга қизиқишни, фикрлар ва эътиқодни таркиб топтиришдан, ҳамда талабаларнинг мустақил машғулотларига раҳбарлик қилиш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш шунингдек баҳолашдан иборат.

Ўқитиш жараёнининг иккинчи томони талабанинг фаолияти бўлиб, у ўқув фани материални ўзлаштиришдан ҳамда билимларни ўзлаштириш жараёнида фикрлар ва эътиқодни ҳосил қилиш юзасидан олиб бориладиган системали меҳнатдан иборат.

Ўқитиш мазмуни ҳамма вақт тегишли ўқув фани дастури билан белгиланишини, талабаларнинг ўқишини эса ўқитувчи йўлга солиб туришини назарда тутиб, муваффақиятли таълим беришнинг асосий шарти таълим бериш мазмуни, ўқитиш ва ўқиш орасидаги чамбарчас узвий боғланиш деб ҳисобламоқ керак.

Ўқув жараёнининг тўғри қўйилиши шу билан характерланадики, ҳар қайси босқичда талабалар ўрганиладиган материални тушуниб оладилар, ўқув ва малакаларини такомиллаштирадилар, бирорта янги нарсани идрок этадилар.

Ўқитишнинг ташкилий кўринишлари деганда, ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг махсус ташкил этилган, белгиланган тартибда ва муайян режимда ўтадиган фаолияти тушунилади.

Ўқитишнинг у ёки бу ташкилий кўриниши гуруҳли ва индивидуал ўқитишнинг ҳар хил кўринишида қўшиб олиб борилиши, ўқитишда таълим олувчилар мустақиллигининг турли даражаси, талабаларнинг ўқишига ўқитувчи раҳбарлигининг ҳар хил усуллари билан характерланади.

Мутахассислик фанларини ўрганишда назарий ва амалий машғулотлар бир вақтда ўтказилса яхши натижа беради. Бу ҳол машғулотлар системасини режалаштиришни осонлаштиради ва дарсларда мустақил график ишлар ва ҳисоблашлар, машқлар ва шу кабилар ўтказишни енгиллаштиради. Педагогик адабиётларда дарсларни уларнинг белгиловчи ҳар хил аломатлари асосида классификациялашнинг турли вариантлари келтирилади. Бундай аломатлардан бири ўрганиладиган материалнинг мазмунидир. Дарсларни классификациялашнинг бошқа бир аломати уларни ўтказиш усулларида. Ўтказиш усуллари деганда ўқитувчининг маълум мақсадга қаратилган фаолиятида, дарсни ўтказиш методикасида ифодаланган ташкилий ва бошқа моментлар мажмуи тушунилади.

Шу нуқтаи назардан дарсларнинг қуйидаги турлари бўлади: маъруза, суҳбат ва экскурсия дарслари, видеотасвир, таълим олувчиларнинг мустақил иши дарси, лаборатория иши, амалий иш, аралаш дарс ва ҳоказолар.



2-расм. Ўқитиш жараёнининг кетма-кетликда ўтказилиши.

Кўп ҳолларда дарсларни асосий дидактик мақсад бўйича классификациясини энг маъқул деб ҳисобламоқ керак. Бу классификацияни энг маъқул деб айтишнинг сабаби шундаки, у бошқа ҳамма нарсадан ташқари дарснинг ўқув жараёнидаги ўрнини ҳисобга олади. Бу аломатга кўра дарсларни қуйидаги турлари мавжуд: янги билимни баён этиш дарслари, билимни пухталаш, такрорлаш ва умумлаштириш, талабаларнинг билим ва малакаларини текшириш, аралаш дарслари.

Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнини 2-расмдаги схемага мувофиқ кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади.

2. 1. Ўқитиш жараёнини ташкил этишда дастлабки тайёргарлик

Ўқитувчининг мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнининг маълум жиҳатларига тайёргарлик кўриши ва мослашиши муҳим маълумотларни инобатга олиши орқали амалга ошади.

Талабалар ҳолатига баҳо бериш, таълим шароитлари билан танишиш, махсус соҳани яхши билиш - буларнинг ҳаммаси назарий ва амалий машғулотга тегишли илк шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотлар саналади.

Назарий ва амалий машғулотлар шарт-шароитларини қуйидаги 3 та таҳлил йўллари орқали аниқлаш мумкин.

- талабалар таҳлили (талабаларга қаратилган)
- шарт-шароит таҳлили (ўқитиш ҳолатига қаратилган)
- махсус соҳа таҳлили (ўқув материалига қаратилган)

Талабанинг ўқишга бўлган эҳтиёжи ўқитувчи томонидан қондирилиши лозим. Бу талабанинг келажак касбий фаолияти учун керакли билим, кўникмаларни ривожлантиришга ва ҳуққини яхшилашга лозим бўлган эҳтиёждир. Ўқитувчига

қўйиладиган талаб ҳам машғулоти давомида унинг ўзи эътиборни энг яхши натижаларга эришишига қаратилиши лозим.

Унинг машғулоти самарали, сифатли ва ҳар бир ўқув жараёнига иложи борица мослаштирилган бўлиши керак. Кўпчилик ҳолларда ўқитувчи машғулоти нининг сифати талаба ўзлаштирган билимларни баҳолаш билан ўлчайди.

Ўқитувчининг самарали машғулоти ўтказиши пухта тайёргарликни талаб этади.

Таҳлил орқали ўқитувчи талабалар гуруҳи тўғрисида муайян маълумотларга эга бўлади. Таҳлил камида биринчи дарс ёки машғулоти олдин рўйхат шаклида ёзма тайёрланиши лозим. Агар ўқитувчи шундан сўнг гуруҳ билан танишиб олса, у ҳолда кейинги машғулоти талабалар таҳлилинини ўтказмаса ҳам бўлади. Ўқитувчи бу маълумотлардан талабалар гуруҳи билан шахсан танишиш учун фойдаланади. Чунки талабалар дарс амалий машғулоти пайтида илк билимлари ва аллақачон мавжуд бўлган тажрибаларинини қўллайдилар, шу билан бирга ўз ишончларинини ҳам ифода этадилар. Уларнинг ўқишга бўлган қобилиятлари, шахсий ҳолатлари, жинси ва ёшлари таълим ҳолатига муайян таъсир кўрсатади. Ҳар бир инсон ва ҳар бир талабалар гуруҳи турлича бўлгани каби доимо янги ҳолатлар юзага келади. Улар эса ўз навбатида ўқитувчи томонидан ўзлаштирилмоғи лозимдир.

Талабалар гуруҳидаги асосий ҳолат гуруҳидаги ҳар бир талабанинг ҳулкига таъсир қилади. Агар талабалар таҳлили ўтказилмаган бўлса, у ҳолда, айниқса, муаммоли вазиятларда нотўғри баҳолашга олиб келиши мумкин.


Талабалар таҳлили учун қуйидаги муҳим кўрсаткичлар эътиборга олинади:

1. Махсус соҳа ёки курс борасидаги маълумотлар;
2. Бир гуруҳидаги талабалар сони;
3. Талабаларнинг ўртача ёши (энг ёш-энг катта талаба);
4. Жинсга кўра тақсимлаш (ўғил-қиз болалар сони);
5. Талабаларнинг таълим даражаси (битирган мактаби);
6. Бунгача битирган махсус соҳаси ёки курслари;
7. Тил билимлари (масалан, бирор чет тили бўйича билимлари);
8. Индивидуал махсус шарт-шароитлар (масалан, ногиронлик);
9. Оилавий шароити;
10. Қизиқишлари, бўш вақтда ўзини тутиши;
11. Келажакда ким бўлмоқчи эканлиги;
12. Баъзи талабаларнинг алоҳида эътиборга сазовор муваффақиятлари;
13. Гуруҳидаги ўрин (етакчилик, иерархиядаги ўрин, "эл қатори").

Бу таҳлил машғулоти олиб бориш учун зарур бўлган шароитларни ташкил этиш ва яратиш борасидаги муҳим маълумотларни ўз ичига олади.

Маълумотлар назарий ва амалий машғулоти режасига қўшиб қўйилади.

Ҳукукий шарт-шароитлар таълим жараёнига таълуқли бўлган ўқув режаси ва бошқа расмий режа ҳужжатлари билан боғлиқдир.



Уларга қуйидагилар киради:

- касбий йўналиш ёки мутахассислик ўқув режа гуруҳи;
- ўқув режасига мос фан дастури;
- ўқув режасига мос таълим курси;
- мавзу, амалий кўникмалар;
- билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари.

Бу орқали кутилган ва расмий режа ҳужжатларида олдиндан белгилаб қўйилган мавзулар ўргатилиши таъминлаб берилиши керак.

Ташкилий шарт-шароитлар мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ташкил қилиш борасидаги қуйидаги зарурий талаблар киради:

- ўқитиш жойини танлаш;
- дарс ва амалий машғулотлар вақти ва давом этиши;
- амалий намоишларга тайёргарлик кўриш;
- ташкилий ҳужжатлар ва иш жойини тайёрлаш.

Техник шарт-шароитларга фан бўйича жилдлар ва мосламалар, ёрдамчи аудиовизуал воситалар, ўқитиш ва ўрганиш воситалари (доска, флипчарт, проектор, видеомагнитофон)нинг мавжудлиги ва уларнинг яроқлилиги, шунингдек, электр токи, сув, ҳаво босими ва ҳоказоларнинг борлиги билан узвий боғлиқдир. Амалиёт ўқитувчиси зарурий шарт-шароитлар мавжудлигига ва техник мосламаларни исталган пайтда ишлатиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Агар амалиёт ўқитувчиси ўқув фаолиятида илк маротаба дарс ўтказишга тайёрланаётган бўлса, у ҳолда у ўзи дарс бермоқчи бўлган махсус соҳанинг умумий камрови ва мазмуний таркибий қисмининг элементлари борасида тасаввурга эга бўлиши лозим. Ушбу тасаввурсиз амалиёт ўқитувчиси на вақтинчалик умумий режа ва на даврий ва на мазмуний батафсил режа туза олади.

Биринчи босқич махсус соҳа мақсадларига назар ташлашдан бошланади. Мақсадлар асосида мазмунлар танланади. Умуман олганда, мазмунларни турли манбалардан олиш мумкин, масалан:

- махсус китоблар ёки ўқув адабиётларидан;

- техник адабиётлардан (илмий техникавий журналлар, махсус мақолалар патентлар ва ҳоказолардан;

- машина ва мосламалардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалардан.

Бирор махсус соҳа бўйича умумий тасаввурга эга бўлишнинг яхши методларидан бири бу махсус соҳа таҳлилини ўқув китоби асосида график тасвирлар шаклида ишлаб чиқишдир. Бу метод соҳа ёки мазмун тузилмаси деб ҳам аталади.


Мавжуд бўлган ва яхши қисмларга бўлинган китобнинг бўлимларига асосланиш ҳам мумкин. Бунда аввало аниқлик тамойилига риоя этилади.

Кўпинча шундай билим асослари юзага келадики, уларни бир-биридан аниқ ажратган ҳолда тасвирлаш мумкин бўлади. Махсус китобларда боб ва мавзуларга бўлиш, ўқув қўлланмаларда эса ўрганиш босқичлари ва модулларга бўлиш каби ёрдамлар мавжуддир.

Мазмуний тузилмасини ишлаб чиқишда махсус соҳа моҳиятан қисмларга, катта мавзу ва кичик мавзу соҳаларига, шунингдек, мантикий алоқадорлик соҳаларига бўлинади. Муҳим мавзулар таъкидланади, иккинчи даражалилари эса қуйироқдан жой олади.

Аксарият ҳолларда махсус соҳалар назарий билимларни бериш борасида далиллар, тушунчалар, тамойиллар ва усулларнинг қатъий мантикий кетма-кетлиги асосида ишлаб чиқилади. Масалан, махсус ўқув китобини қисмларга бўлиш мантикка асосланади. Унга кўра мавзулар муайян кетма-кетликда жойлаштирилади.

Назарий дарслар ҳам мана шундай махсус мантикий кетма-кетлик асосида олиб борилиши мумкин.



Кўпинча мавзувий жиҳатларни тўплаш билан бошланадиган қуйидаги босқичлар бу борада ёрдам беради:

1. Мавзу доирасидаги ўргатиладиган далиллар;
2. Далиллар билан боғлиқ тушунчалар;
3. Далилларни ўзаро боғлайдиган тамойиллар (функционал алоқадорлик, қоидалар);

4. Ўргатиладиган усуллар (меҳнат жараёнлари, амаллар).

Биз бу ерда билим, қобилият ва кўникмаларга қисқача тўхталамиз.

Билим ўзлаштирилган ва хотирада сақланган маълумотлар бўлиб, уни тез ва аниқ бирор ҳолатга мос равишда ишлатиш мумкин.

Билим билан бирга қобилият, кўникмалар ва хулқ ҳам ўрганилади;

Қобилият ва кўникмалар - бу талабалар муайян фаолиятни муваффақиятли олиб бориши учун шарт-шароитлар яратиб берувчи, ташқаридан кузатиш мумкин бўлган ҳаракатлар ва таъсирлар ҳисобланади.

Кўникмалар онгли равишда амалга оширилган фаолиятнинг таркибий қисмига кирувчи автоматик тарзда юз берадиган ҳаракатлардир.

Қобилият ва кўникмаларга когнитив ва психомоторик ўрганиш соҳасида қуйидагича таъриф берилади.

Бу инсоннинг ўз атроф-муҳитига фаолият орқали муносабатда бўлишидир, бунда-кузатса бўладиган ва кузатса бўлмайдиган - ички муносабат, шахсий тажриба ва қадриятлар, эътиқод, ҳиссиёт ва майллар муҳим ўрин тутди.

Амалий таълим қисмига таъллуқли махсус соҳани таҳлил қилиш меҳнатни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади, чунки бундай таълим қисмлари касбий-манتيқий эмас, балки ҳаракатларга йўналган тарзда кечади. Кўпинча ўз соҳасини аъло даражада эгаллаган мутахассислардан мисол учун бирор иш тартибини тушунтириб бериш сўралса, улар кўпинча сергаклик билан тушунтиришни бошлайдилар, иккинчи даражали масалаларга тўхталиб, қисқа ва лўнда тушунтириб бера олмайдилар.

Муҳим бандлар кўпинча кўрсатилмай қолиб кетади. Ўқитувчи билимни талабалар томонидан ўрганилиши мумкин бўлган ҳолатда бериши лозим. Унга ишониб топширилган меҳнат предмети одатлар доирасидан чиқарилиб, талаба онгига киритилиши керак. Сўнгра билим шундай аниқ таҳлил қилиб берилсинки, уни талаба оз миқдордаги босқичларни ўтган ҳолда тизимли тарзда ўрганиб олсин.

Амалий машғулот учун мўлжалланган таълим ҳужжатлари асосан ҳаракатларга йўналтирилган тарзда тузилади. Улар мисол учун маълум бир тайёрлаш жараёнидаги бажариладиган амаллар ва босқичларга асосланайдилар. Шундан келиб чиққан ҳолда махсус соҳани таҳлил қилиш касбий таҳлил характериға эға бўлади. Амалиёт босқичлари ҳам касбий таҳлил асосида амалга оширилади.

Бунда бирор иш, бирор жараён ёки амал ҳаракатлар кетма-кетлиги асосида бажарилади, масалан:

- бирор иш бажаришдаги босқичлар кетма-кетлиги;
- маҳсулотни тайёрлаш поғоналари;

- режалаштириш ва ташкиллаштиришдаги ҳаракатлар.

Технологик жиҳозларни ишлатиш кўрсатмалари ёки маълум амалий кўникма учун ишнинг боришини, меҳнатни босқичларга бўлиш борасидаги намуна сифатида келтириш мумкин:

Амалий машғулоти иш жараёни тўғрисидаги техник билим асосида амалга ошириладиган муайян босқичларига боғлиқ бўлади.

Махсус соҳани ўзлаштириш юзасидан қуйидаги хулосаларни бериш мумкин.

Ўқитувчи талаба учун нафақат махсус соҳа бўйича барча зарур билим ва тажрибаларга, балки бошқа соҳалар бўйича ҳам чуқур билимларга ва уларни талабага етказишда турли қизиқарли ўйинлар ва усулларга эга бўлган шахс сифатида намоён бўлади. Бу орқали унинг талабалар олдидagi обрў-эътибори шаклланади.

Шунинг учун ўқитувчидан доимий ўзи устида ишлаши ва "ҳар соҳадан хабардор" бўлиши талаб этилади.

Ўқитиш фаолиятининг амалий қисмини ўзлаштириб олиши учун талабалар амалга ошириши керак бўлган барча машқларни ўзи ҳам яхши ўзлаштирган бўлиши керак. Муаммоли вазиятларни билиш ва бу борада маслаҳат бера олиш учун у вақти-вақти билан ушбу амалий машқларни қайтариб туриши лозим.

Ўқитувчи назарий билимлар юзасидан эса махсус соҳа бўйича янги адабиётларга эга бўлиши ва кўп ўқиш учун ўзида туртки, шунингдек, қизиқиш ҳис этиши керак.

Бунинг учун ўқитувчига қуйидаги тавсия этилади:

- иложи борича ўз соҳаси ёки мавзусига тегишли бўлган барча китоб, нашрлар, журналларни тўплаб бориш;

- кутубхонадаги китобнинг муҳим бетларидан нусха олиш;

- бошқа ҳамкасблари тажрибаларини ўрганиш;

- муайян мавзуга тегишли қисқа тушунтиришлар билан берилган манбалар мажмуасини тўплаш.

Етук педагог ва моҳир касб устаси бўлиш учун қуйидаги қонидани эсдан чиқармаслик керак.

“Ангишвонадек билим бермоқ учун бир қоп билимга эга бўлиш керак”

2.2. Мутахассислик фанларининг ўқув мақсадини ва мазмунини белгилаш

Мутахассислик фанини ўқитиш методикасининг бошланиши - бу фаннинг ўқитиш мақсадларини белгилашдир. Назарий ва амалий машғулотлар аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнларидир. Бу жараёнлар аввалдан белгиланган муайян ўрганиш мақсадларига эришиш учун олиб борилади. Агар ўқув мақсадлари белгиланмай ўтказилса у ҳолда дарснинг мазмуний ва дидактик тузилиши бузилади. Натижада дарс давомида мавзуга тааллуқли бўлмаган мазмунларга тўхталишга тўғри келади. Назарий ва амалий машғулотларни шакллантириш учун олдиндан мос келадиган мақсадларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув мақсадлари ва унинг турлари

1. Ўқув мақсадлари. Ўқув мақсадлари таълим жараёни охирида кутилаётган натижанинг ёзма тавсифидан иборат. Маълумки, жонли таълим жараёнида икки томон: таълим олувчи ва таълим берувчи иштирок этади. Таълим олувчилар бу ўрганувчи талаба ёки тингловчилардир. Ўқув мақсадлари таълим жараёни иштирокчиларининг қайси бири томонидан қаралишига қараб, ўрганиш ва ўргатиш мақсадларига ажратилади. Анъанавий таълимда одатда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланади. Бунда педагог томонидан мақсаднинг қўйилиши ўз фаолиятига қаратилган бўлиб, бу билан таълим жараёнининг аниқ мақсадларига эришганлигини аниқлаб бўлмайди. Чунки, таълим жараёни натижасида, таълим олувчи яъни ўрганувчининг нимага эришгани эмас, балки таълим олувчи яъни ўрганувчининг нимага эришиши

муҳим бўлгани учун, келгусида ўқув мақсадлари деганда ўрганиш мақсадларини тушунамиз.

Замонавий ўқув мақсадларини белгилаш усули ўзига хос хусусиятга эга. Бу шундан иборатки, ўқув мақсадлари (ўқув вазифалари деб ҳам аталади) талабалар ҳаракатида ифодаланадиган ва аниқ кўринадиган, ҳамда ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади. Ўқув мақсадларини ўлчаш, аниқлаш, ўқитишни қайта такрорлаш имконига эга бўлиш учун ҳар бир мақсадга эришиш мезони ишлаб чиқирилиши керак, яни таълим мақсади шундай қўйилиши керакки, унга эришганлик ҳақида аниқ хулоса чиқариш мумкин бўлсин.

Ўқув мақсадлари бу-муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, яъни ҳосил қилиниши лозим бўлган билим, ҳатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни уддалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва хулқни белгилайди.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ўқув мақсадлари олдиндан кўзланган якуний натижалар тавсифидир. Уни тўғри танлаш таълим жараёни учун ўта муҳимдир. Буни қуйидаги ибора ёрдамида яхшироқ тушунса бўлади: «Қаерга боришни, охирги манзилини билмасдан туриб сафарга отланишдан ҳеч қандай маъно ва наф йўқ».

Назарий дарс ва амалий машғулотларнинг мақсадлари аниқ бўлган тақдирдагина, уларнинг мазмунини белгилаш ва уларнинг дидактик нуқтаи назардан ишлаб чиқишга киришиш мумкин. Шу боис, мутахассислик фанлари ўқитувчилари учун ўқув мақсадларини билиш, тўғри қўя олиш ва танлаш кўникмаларига эга бўлиш-таълим жараёнида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир назарий дарс ва амалий машғулотнинг ўқув мақсадлари олдиндан аниқланиши лозим. Аниқланган ўқув мақсадлари, дарс мазмуни бўйича қайси назарий материалларни танлаш, уни ўтказиш бўйича қандай методик ва дидактик ресурслардан фойдаланиш лозимлигини белгилаб беради. Шундай қилиб, ҳар қандай таълим жараёнига ўқув мақсадлари таълим мазмуни, методлари ва воситаларни белгилаб берар экан.

2. Йўналтирувчи, умумий ва аниқ мақсадлар. Ўқув мақсадлари таълим жараёнининг кўламига кўра турлича тарзда ифодаланиши мумкин. Ўқув мақсадлари, пастдан юқорига қараб:

*алоҳида олинган битта дарснинг мақсади,

*фаннинг бирор бўлимини (фаолият усули бўйича ўқув материални) ўрганишнинг ўқув мақсадлари;


*бутун бир фанни ўрганишнинг ўқув мақсадлари;

*бирор бир фаннинг модулини ўрганишдан кўзланган ўқув мақсадлари;

*бутун бир мутахассисликни эгаллаш бўйича ўқув мақсадларига бўлинади.

Кичик кўламга (алоҳида дарс, фаннинг бир бўлими учун) мақсадлар аниқ-қўйилса, кўлам катталашган сари (модулни ўрганиш, мутахассисликни эгаллаш учун) ўқув мақсади умумлаштириб борилади. Ўқув мақсадлари камров кўламга қараб уч хил турга ажратилади:


1) Йўналтирувчи мақсадлар. Йўналтирувчи мақсадлар энг катта кўламдаги таълим жараёнининг мақсадларини белгилайди. Масалан, бирор мутахассисликни эгаллаш бўйича ўқув мақсадлари. Одатда давлат таълим стандартларида ўз аксини топади ва меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Улар таълим жараёнига қўйилган умумий талабларни аниқлайди ва унинг умумий йўналишини белгилаб беради.



Умумий ўқув
мақсади



Аниқ ўқув мақсади



Умумий мақсадлар. Умумий мақсадлар кичикроқ кўламдаги таълим жараёнларига таълуқли бўлиб, унинг мазмуни йўналтирувчи мақсадлардан келиб чиқади. Умумий мақсадлар ҳам ҳар бир фан бўйича тузилган давлат таълим стандартлари кўринишида белгиланиши мумкин. Умумий мақсадлар йўналтирувчи мақсадларни ўз қамров кўлами даражасида ойдинлаштиради ва аниқлаштиради. Шундай бўлсада, йўналтирувчи мақсадлар ҳам таълим олувчи эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва ҳулқ ҳақида умумий тасаввурни беради. У ҳам ўз навбатида пастки кўламда янада аниқлаштирилиши ва ойдинлиштирилиши лозим бўлади.

Аниқ мақсадлар. Аниқ мақсадлар энг кичик кўламдаги таълим жараёнига таълуқли бўлиб, унинг мазмуни ўз навбатида умумий мақсадлардан келиб чиқади. Масалан, бирор бир дарснинг мақсади, фанни бирор бўлимининг ўқув мақсади. Аниқ мақсадлар аниқ ифода этилганлиги туфайли таълим жараёнида муҳим ўрин тутати. Улар бирор бир мавзуга ёки бирор бир бўлимга оид дарс, амалий машғулот бўйича ўлчаниши мумкин бўлган аниқ якуний бўлим, кўникма, малака ва ҳулқни ифода қилади. Шунинг учун уларни ифодалашда, мақсадлар билан бирга, уларга эришиш кўрсаткичларини, баҳолаш мезонларини ва бу натижаларга эришиш учун яратилиши лозим бўлган шарт-шароитлар (асбоб-ускуналар, материаллар ва бошқа зарурий воситалар) тавсифини бериш ҳам лозим бўлади. Аниқ мақсадлар одатда таълим муассасалари ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади. Шунингдек, бу мақсадлар юқорида турган мутасадди таълим муассасалари, илмий-методик кенгашлар томонидан ишлаб чиқилиши ва амалиётга тадбиқ қилиниши мумкин.

• 3. Когнитив, психомоторик ва аффектив ўқув мақсадлари.

Аниқ ўқув мақсадлари моҳиятига кўра уч соҳага бўлинади:

- *когнитив (назарий билимларни ўзлаштириш билан боғлиқ) ўқув мақсадлари соҳаси.
- *психомоторик (амалий ҳатти-ҳаракатни ўзлаштириш билан боғлиқ) ўқув мақсадлари соҳаси.
- *аффектив (ҳулқ, ўзини тутиш, атроф муҳитга ва теварак атрофдагиларга муносабатнинг шаклланиши ва қадриятларни ўзлаштириш билан боғлиқ) ўқув мақсадлари соҳаси.

ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИНИНГ СОҲАЛАРИ


Когнитив ўқув
мақсадлари

Психомоторик ўқув
мақсадлари

Аффектив ўқув
мақсадлари

1. Когнитив ўқув мақсадлари соҳаси. Когнитив ўқув мақсадлари соҳаси-ўқув материаллари, маълумотлар, ахборотлар, турли далиллар, тушунчалар, тамойиллар ва усулларни билиш (яъни хотирада сақлаш ва эслаш) уларни мияда қайта ишлаш орқали тушуниш, амалда қўллаш, таҳлил ва синтез қилиш, баҳолашни ўз ичига олади. У билимларни ёдда сақлаш, яъни хотирани чиниқтириш, интеллектуал ақлий қобилиятларни ривожлантиришни кўзда тутди.

Когнитив ўқув мақсадлари Блум таксономияси бўйича қуйидаги даражаларга бўлинади.

	6. БАҲОЛАШ	мезон ва қадриятларга кўра ўзлаштирилган шулқни ва билимларни баҳолаш .
	5. СИНТЕЗ	далиллар, тушунчалар, услублар ва тамойилларни умумий алоқадорликларини аниқлаш орқали синтез қила олиш.
	4. ТАҲЛИЛ	далиллар, тушунчалар, услублар ва тамойилларни таҳлил қила олиш.
	3. ҚЎЛЛАШ	далиллар, тушунчалар, услублар ва тамойилларни амалда қўллашни билиш.
	2. ТУШУНИШ	далиллар, тушунчалар, услублар ва тамойилларни аниқлаш ва тушуниш .

«**Билиш**» даражаси когнитив соҳанинг энг қуйи босқичи бўлиб, у тушунчалар, далиллар ва тамойилларни эслаш демакдир. Бу босқичда шахс ўзлаштирган билимларини хотирада сақлаши ва эслаши, уларни номлаши ва айтиб бера олиши керак.

«**Тушуниш**» босқичида ўзлаштирилган билимлар моҳияти ойдинлаштирилади ва англаб етилади.

«**Кўллаш**» босқичида шахснинг ўзлаштирган назарий билимлар турли шаклларда қўлланилади.

«**Таҳлил**» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни таҳлил қилиш имконини беради.

«**Синтез**» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни ўзаро бир-бирига боғлаш ва умумий алоқадорликларни аниқлаш имконини беради.

«**Баҳолаш**» даражаси энг юқори босқич ҳисобланади. Бу босқич олинган билимлар асосида маълум қадриятларга таълуқли ҳолатларни баҳолаш, қарор қабул қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва баҳолаш мезонларини яратиш кўникмаларини ўзлаштиришни назарда тутати.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир даража ўзидан олдинги даражадаги билимларни ўзлаштиришни тақозо қилади.

2. Психомоторик ўқув мақсадлари соҳаси. Бу ўқув мақсадлари соҳаси амалий иш жараёнлари орқали ҳосил қилинадиган кўникма ва малакаларни эгаллашни кўзда тутати. Бунда психика орқали бошқариладиган мускул ҳаракатлари (моторик ҳаракатлар) амалга ошади. Амалий фаолият олиб бориш, мисол учун, бирор асбобни ишлата олиш малакасига эга бўлиш психомоторик ўқув мақсадлари соҳасига таълуқлидир. Ушбу ўрганиш соҳаси инсон мияси томонидан бошқариладиган ҳаракатларни ифодалайди. Улар эса ўз навбатида моторик (мускул ҳаракати билан боғлиқ) кўникмаларни талаб этади. Психомоторик ҳаракатлар оддий, ўрта ва комплекс ҳаракатларга ажратилиши мумкин.

3. Аффектив ўқув мақсадлари соҳаси. Аффектив ўқув мақсадлари соҳаси, шахснинг уни ўраб турган атроф муҳитга нисбатан муносабати, бошқа кишилар билан ўзаро муомаласи, ҳулқи, жамоат жойларида ўзини тутиш каби умуминсоний қадриятларни ўзлаштириши билан боғлиқ бўлган кўникмаларни эгаллашни назарда тутати. Уни аниқлашда маслак, манфаат, муносабат, қадрият, интизом, дунёқараш, хавфсизлик (хусусан, меҳнат хавфсизлиги) каби эмоционал ҳолатлардан келиб чиқади. Хулоса қилиб айтганда, ихтиёрий таълим жараёнининг мақсади ҳар учала ўқув мақсадларидан иборат. Назарий дарсда кўпроқ когнитив соҳа, амалий таълимда эса кўпроқ психомоторик соҳа бўйича билимларни эгаллашга эътибор қаратиш лозим. Аффектив соҳага кўпинча унча эътибор берилмасдан келинар эди. Шахс камолотига янгича назар билан қаралаётган, катта эътибор берилаётган бугунги кунда бу соҳа янада катта аҳамият касб этиб бормоқда.

2.3. Ўқитиш воситалари ва дидактик материалларни тайёрлаш



Ўқув-дидактик материаллар (ёки ўқув воситалари) деганда, ўқитилиши ва ўрганилиши лозим бўлган билимларни берувчи ҳар қандай ахборот ташувчилар тушунилади. Ўқув-дидактик материаллар сифатида назарий дарсларда матнли визуал

воситалардан, мисол учун ўқув китоблари ва картотека ва проспектлардан, амалий машғулотларда курс материаллари, услубий қўлланмалар, жадваллар, жиҳоз ёки асбобни ишлатиш бўйича кўрсатмалар кабилардан фойдаланилади.

Бундай ўқув ва дидактик материалларга қўшимча тарзда тасвирий-визуал воситалар (фотосуратлар, расмлар, чизмалар, графиклар...) ҳам киради. Улар умумий ва кенг қамровли тасаввурларни вужудга келтиришни осонлаштиради.

Овоз ва товушли (аудио), шунингдек, тасвирий тасаввурларни шакллантирадиган аудио-визуал воситалар, компьютерлар, виртуал стендлар, технологик жараёнлар ва функциялар тўғрисидаги кенг қамровли реал тасаввурларни вужудга келтиради.

Предмет воситалари бундан фарқли ўлароқ тасвир ва матнларни ёзиб олиш ва сақлаш имконини беради. Улар доска, флинчарт, кодоскоп (проектор) камера ва компьютерлар киради.



- - рамзий тасвирлар, режа-жадваллар, символлар,
- диаграмма ва графиклар.

Технологик жараёнлар бажарилиш ёки машиналар ишлаш тартиби тўғрисида

- - видеофильмлар,
- фильмлар,
- диа-товушли маҳсулотлар,
- компакт дисклар (CD – Rom)

Ушбу воситалардан фойдаланишда уларни муайян мақсад, махсус соҳа ва усулларга мос ҳолда танлаш муҳим ўрин тутди. Ва ниҳоят ўқитувчи ўқув ва кўргазмалар воситаларни ишлата олишни ва улардан мақсадга мувофиқ ва оқилона тарзда фойдаланишни билиши керак. Техник воситалардан фойдаланилаётганда юзага келадиган техник муаммоларни ҳал қила оладиган бўлиши лозим. Масалан: жиҳозлар ва қурилмаларни ишлатишдаги содир бўладиган нуқсонларни бартараф эта олиши ва иш ҳолатига келтира олиш керак, яъни ўз соҳасининг моҳир устаси бўлиши керак. Амалиёт ўқитувчиси ўз касбий соҳаси учун қандай материаллар, қандай янгиликлар борлигига, шунингдек, қайси махсус соҳаларда унинг ўзи янгиликлар қила олиши мумкинлиги юзасидан умумий тушунчага эга бўлиши лозим. Кўпинча ўқитувчилар доска тасвирлари, флипчарт тасвирлари ва проектор слайдлари каби визуал воситаларни ўзлари ишлаб чиқади.

Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш. Назарий ва амалий машғулотлар учун манба материали сифатида ишлатиладиган воситалар қуйидагича фарқланади:

Кўпинча ўқув материаллари бир пайтнинг ўзида дидактик материаллар сифатида, яъни ўқитиш, ўрганиш учун ишлатилади;

Ўқув материаллари амалиёт ўқитувчилари томонидан дарсни кўргазмалар ўтказиш ва билим бериш учун қўлланилади;

Дидактик материаллар талабалар томонидан ўрганиш учун қўлланилади ва ўқитувчи томонидан тайёрланади.

Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш деганда, ўқитувчи томонидан уларнинг танланиши ва назарий ёки амалий машғулотлар мақсадига мослаштирилиши тушунилади.

Агар тайёр воситалар йўқ бўлса, у ҳолда уларни ўқитувчининг ўзи тайёрлашига тўғри келади.

Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлашда ўқитувчи чегараланган вақт ва техник имкониятларини инобатга олган ҳолда эътиборини қуйидагиларга қаратиши лозим:

- иш варақалари, тарқатмалар (босилган матнлар нусхалари), слайдлар,
- доска тасвирлари учун эскизлар,
- ёзма топшириқлар, ёзма ва оғзаки тестлар учун сўров қоғозлари,
- баҳолаш варақаси, назорат қоғози,
- иш режалари, ташкилий ҳужжатлар.

Назарий дарслар ўтказиш пайтида амалий кўрсатмалар берилган қуйидаги воситалар ишлатилади: Ўқув китоблари, тарқатма материаллар, доска тасвирлари, слайдлар ва моделлар.

Амалий машғулотлар ёки амалий иш жараёнлари пайтида амалий кўрсатмалар билан тўлдирилган қуйидаги воситалардан фойдаланилади: техник, эксплуатацион кўрсатмалар, услубий кўрсатмалар, моделлар, жиҳозлар, асбоблар ва маҳсулотлар.

Ўқув-дидактик материалларини тайёрлаш учун ўқитувчининг вазифаси биринчи галда кутубхоналарда махсус соҳага тегишли материаллар борлигини текшириши керак.

Агар ўқув ва дидактик материаллар мавжуд бўлса, у ҳолда уларнинг фан ўқув мақсадлари ва мазмунларига мос келиш-келмаслигини текшириши керак.

Ўқув мақсадларига мослаштириш пайтида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

1. Манбаларда муайян мутахассислик соҳаси учун далиллар, тушунчалар, тамойиллар ва усуллар каби мазмунлар берилганлигига;

2. Манбалар "ўзлаштирилиши шарт бўлган билимлар" ва "ўзлаштирилиши мумкин бўлган билимлар" даражаларидаги мазмунлар мавжудлигига;

3. Материаллар билим беришга қаратилганми ёки кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланганми?

Ушбу мулоҳазалардан кейин ўқитувчи материалларнинг назарий ёки амалий машғулотлар учун мослигини белгилайди.

Материаллар ўқув мақсадларни амалга ошириш имкониятини яратиши лозимлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитиш ва ўрганиш материаллардан дидактик фойдаланишга мос ҳолда материалларнинг мазмуни ва тузилишига кўра ўқитувчи ва таълим олувчи материалларига бўлинади.

Ўқитувчининг қўлидаги материаллар таркибида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- ўқув мақсадлар ва мазмунлар ҳақидаги маълумотлар;
- ташкилий масалаларга оид маълумотлар;
- амалий машғулотлар ва машқлар ўтказилишида қандай дидактик-услубий тартиб қўлланилиши ҳақида маълумотлар;
- машқлар таърифи;
- талабаларнинг назарий ва амалий натижаларини текшириш ва баҳолаш бўйича маълумотлар;
- тест ва синовларнинг савол ва жавоблари.

Ўқитувчи учун материаллар нафақат соҳага тегишли маълумотларни, балки ташкилий ишлар, усул ва натижаларни баҳолаш борасидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Талабалар учун материаллар эса қоида бўйича фақатгина соҳага тегишли жиҳатларни ўз ичига олади.

Дидактик материаллар фақатгина талабага мўлжалланган бўлса, ўқитиш материалларидан фарқ қилиши мумкин.

Масалан: топшириқлар варақлари, саволномалар, йўналтирувчи усул саволлари ва муайян тарқатма материаллар.

Талабаларга тарқатиладиган материаллар таркибида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- содда тилда ёзилган ўқув мазмунлари;
- матнларда бўш қолдирилган жойлар (талабалар томонидан тўлдирилиши учун);
- талабанинг эркин фикрлашига имконият берувчи саволлар;
- лабораторияда ишлаш учун мўлжалланган, иш босқичлари кўрсатилган тушунарли чизмалар (эскизлар) ва жадваллар;
- материал, жиҳоз, асбоб-ускуналар ва ёрдамчи воситалар ҳақида маълумотлар.

Матн тайёрлаш бўйича энг янги усуллардан бири бу матнларни ранглар билан ажратиш саналади:

- оқ қоғозлар: мазмуний жиҳатлар борасида матнлар (ўқитувчи ва талабалар учун)
- яшил қоғозлар: талабаларга топшириқлар

- қизил қоғозлар: ўқитувчининг услубий ҳужжатлари ва топшириқларнинг жавоб варақалари

Рангларни кодлаш ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштиради ва худди шу усулдан мазкур семинар ҳужжатларини тайёрлашда ҳам фойдаланилади.

Ўқитиш жараёнидаги энг муҳим воситалар доскалар, флипчартлар ва кодоскоп (проектор) ҳисобланади. Ўқитувчи бу воситалар орқали кўргазмали тус бериладиган намуналар яратиши керак. Бўр билан ёзиладиган доска учун аввал қоғозда ишланган ва матнлар билан тўлдирилган суратлар, флипчартлар учун эса қоида бўйича тақдимот намуналари бўлиши мумкин. Проектор слайдлари тўғридан-тўғри тайёрланиши мумкин.

Доска суратлари учун намуналар асосан ўқув китобларидан олинishi ёки шахсий қарашларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланиши мумкин. Бунда кўп вақт сарф этмасдан оддий шакллар орқали тузилган графиклар, схемалар, диаграмма ва шу кабиларни доскага чизиш мумкин. Матнлар учун намуналар тайёрлаш шарт эмас.

Шунга ўхшаш тарзда флипчарт суратларини тайёрлаш мумкин. Бу усул назарий дарс ёки амалий машғулотга тайёрланишни енгиллаштиради.

Флипчарт блокларини бирга олиб юриш мумкинлиги туфайли тасвирлар қоғозларга тўғридан-тўғри туширилиши мумкин.

Проектор слайдлари қўлда, фотонусхалар ёки компьютер ёрдамида махсус шаффоф плёнкада тайёрланади.

Слайдларни тайёрлаш учун:

- оддий ацетат ёки қоғози-шаффоф сунъий қоғоз;
- нусха олиш мумкин бўлган махсус қатламли слайдлар;
- фламастер, перманент ва сувда эрувчан слайдларни тозалаш учун спирт;
- сурат чизиш мосламалари (шаблон, чизғич ва бошқалар)лар ишлатилади.

2.4. Назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш

1-жадвал

ФАННИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ НАМУНАВИЙ МОДЕЛИ

Фаннинг номи-----

Мавзунинг номи-----

Ўқитиш даври - семестр-	Ажра-тилган соат:	Наза-рий- - с	Амалий-(лаборатория, семинар) - с	Мустақил иш - с
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза ва амалий (лаборатория) машғулот, мустақил иш			

Фаннинг ўқув мақсади:

А) Таълимий;

Талабаларда.....ҳақида назарий билим ва амалий
кўникмаларни шакллантириш

Б) Тарбиявий

Талабаларнинг гуруҳларда жамоа бўлиб ишлаш қобилиятини
шакллантириш, фанга ёки касбга бўлган қизиқишларини орттириш ва
ҳақ.

В) Ривожлантирувчи

Талабаларнинг мустақил фикрлаш, ижодий
ишлаш.....қобилиятларини ривожлантириш

Педагогик фаолият

Талаба фаолияти

Ўқитувчи: фаннинг асосий моҳиятини тушунтириш; ... фан бўйича ўрганилиши лозим бўлган билимларни, асосий тамойиллар, қонунлар, шароитлар, функцияларни ва ҳақни тавсифлаб бериш; асосий вазиятларни ифодалаш ва ажратиш; фан бўйича амалий ишларни бажариш, ечиш кетма-кетлигини тушунтириш ва амалий ишларни бажаришни намоёйиш қилиш ва ўргатиш; масалалар, топшириқлар ва муаммолар ечими йўллари, усуллари излаш ва топиш имкониятларини яратиш; - талабаларда изланувчанлик ва ижодий фикрлашни шакллантириш; -талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш ва ҳк.	Талаба: фаннинг асосий мазмуни ва моҳияти бўйича тушунча бериш; қонун, қоида, шакллар, жараёнлар, тушунчалар ва ҳк.ларни айтиб бера олиш асосий кўрсаткичлар, таъриф ёки методлар ва жараёнларни қисқача тавсифлаш; асосий жиҳатларни ёритиш, таҳлил қилиш; асосий вазиятларни ифодалай олиш; амалий усуллар, машқ ва топшириқларни мустақил бажариш, ечиш..... ижодий топшириқларни бажариш; масала ва топшириқлар ечими тўғрисида хулосани ифодалаб бериш мунозарада иштирок этиш саволлар бериш ўз фикрини мустақил баён этиш муаммо ечимларини тақдимот қилиш
Таълим технологиялари	Муамоли, модулли, компьютерли, ўйинли, кейс стадии, креатив, ва ҳоказо
Таълим методлари	Ақлий ҳужум; мунозара, лойиҳа, кластер, баҳс, биргаликда ўрганиш, маъруза -анжуман, блиц-сўров, тақдимот, ижодий ва ҳоказо.
Таълим воситалари (Ўқув услубий мажмуа)	ўқув ва услубий адабиётлар, электрон таълим ресурслари, слайдлар, тарқатма материаллар, визуал материаллар, мустақил ва ижодий ишлаш топшириқлари, компьютер, экран, проектор, виртуал кўргазмалар ва ҳ.к.
Таълим шакллари	Жамоада, кичик гуруҳларда ёки жуфтликларда, индивидуал ишлаш ва ҳ.к.

Таълим шароитлари	Замонавий дидактик воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланиш шароитига эга бўлган аудитория Ҳукукий (фан дастури, гуруҳ журнали, календар режа ва ҳк.), техник (жихозлар, ускуналар ва компьютер жихозлари), ташкилий (ўқув ва лаборатория хонаси ҳолати) шароитлар
Баҳолаш методлари ва мезонлари	Оғзаки савол-жавоб; бажарилган ўқув топшириғини баҳолаш, тест; савол, топшириқлар ва тестлар, баҳолаш мезонлари.

Касбий педагогика китобидан наз ва амал машғулот тех харитаси

Мутахассислик фанларини ўқитишда назарий машғулотларни қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади:

1. Қизиқтириш (мотивация)
2. Маълумот бериш
3. Билим бериш
4. Ўрганилган билимларни қайта ишлаш бўйича топшириқлар бериш
5. Таҳлил ва синтезлар
6. Баҳолаш

Қизиқтириш (мотивация). Дарс талабалар билан қизиқарли, ҳаттоки, дарсга таълуқли бўлмаган мавзулар тўғрисидаги суҳбат билан бошланади.

Иложи бўлса дарсга боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан суҳбатни бошлаш керак. Масалан, қизиқарли кашфиёт, ихтиро, янгилик ёки ҳикоя танланиши мумкин. Буларнинг барчаси биринчи дарс мобайнида талабаларнинг кайфиятига, шу соҳага

қизиқишига ёки кейинги дарсларда талабалар ўрганадиган фанига эътиборини қаратишга ёрдам беради.

Агар дарс биринчи бор янги талаба гуруҳида ўтилатган бўлса, ўқитувчи қисқача ўзини таништириб ўтиб, талабаларга ҳам ўзларини таништириш имкониятини бериш керак. Бу талабаларда ишонч туғдиради, талабалар ўзларига билдирилаётган ҳурматни ҳис қиладилар. Таърифланган ва танланган ўқитиш фанларини ва модуллари асосида назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалга оширилади. Ички ва ташқи мотивация учун сабаб ва аргументлар топишга ҳаракат қилиш лозим. Мотивация қилиш билан ўқиш ва ўрганишга бўлган тайёрлик учун шарт-шароит яратилади.

Маълумот ва билим бериш. Сўнгра ўқитувчи талабаларга касбий соҳа бўйича янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар уюштиради, ўқув суҳбатлари, ўйин-машғулотлари ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида суҳбатлар ўтказди. Кейинги дарсларда янги мавзунини бошлашдан аввал ўтилган мавзулар қисқача, умумлаштирилган ҳолда қайтарилиши керак.

Талабаларга мавзуларга мос тарқатма материаллар тарқатилиши лозим. Бу ўқув жараёнини енгиллаштиради. Мавзуга кирилмай туриб, тарқатма материаллар тарқатилмайди. Уларни мавзуга монанд равишда бирин-кетин тарқатиш, уларни қўйиб чиқиш учун етарли дақиқалар бериш ва талабалар эътиборини ахборотга қаратиш учун овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш учун топшириқлар бериш.

Талабаларга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равишда қайта ишлаб бориш учун зарурдир. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий пассив фазасидан сўнг актив фаза келиши учун имконият яратиб беради. Гуруҳларда ишлаш ёки мустақил равишда топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш усуллари билан ҳисобланади.

Таҳлил ва синтезлар. Мавзу таҳлили орқали мавжуд вазият элементлари алоҳида кўриб чиқирилиши мумкин. Шу ўринда алоҳида хусусиятлар муҳокама этилиши мумкин.


Мазкур хусусиятларни бир бутун қилиб синтезлаш тўғри тасаввур ҳосил қилиш ва алоқадорликни аниқлаш имконини беради. Бу ерда гап билимнинг алоқадорлик даражаларини аниқлаш тўғрисида боради. Амалиётга яқинлашиш ва ўзлаштирилган билимларни келажакда ишлатиш учун синтез орқали бошқа илм-фан соҳалари билан боғлаб амалга оширилади.

Баҳолаш. Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин талабалар ўзлари бажарган ишларини баҳолашлари лозим. Бошқа бир имконият эса натижаларни гуруҳларда очик-ойдин ва самимий муҳокама қилишдан иборатдир. Ўқув фани якунида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг натижалари, уларнинг амалга ошган ва ошмаган ишлари, шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз натижалари юзасидан мулоҳаза юритишлари учун яхши имкониятдир.

Мутахассислик фанларидан амалий машғулотларга атрофлича тайёргарлик кўриш ва ўтказиш лозим.

Баъзи ҳолларда амалий машғулоти назарий дарсга уланиб кетиши мумкин. Амалий машғулотларни ўтказишнинг турли қоидалари мавжуд бўлиб биз бевосита ва билвосита олиб бориладиган амалий машғулотлар тўғрисида тўхталамиз. Бевосита бошқариладиган амалий машғулотларда маърузалар, тақдиротлар ва намоишлардан фойдаланилади. Буларга схемалар, проспектар, видеотасвирлар, жиҳозларнинг макетлари ва асл намуналари киради. Яхши ишлаб чиқилган ўқув материални талабалар диққат билан тинглаб, кузатадилар. Агар машғулотлар савол ва жавобларга

асосланган ўқув суҳбатлари, муаммони муҳокама қилиш доирасида олиб борилса яхши самара беради.



Билвосита олиб бориладиган амалий машғулотлар асосан ўқувчиларга йўналтирилган машғулот бўлиб, унга тайёрланган топшириқлар воситасида матнли китобларни ўқиш, мустақил ўрганиш орқали ўйин-машғулот олиб бориш, бирор вазиятни ўрганиш, талабанинг ўзи мустақил ўрганишига туртки бериш, билимларни ўзлаштиришга туртки бериш кабилар киради.

Жараёнга йўналтирилган машғулотларга давра суҳбати, гуруҳий мунозара олиб бориш, модерация усуллари киради.

Талабалар дастлаб лабораториялар ва ишлаб чиқариш шароитлари билан таништирилади. Бир пайтнинг ўзида тўғри ва атроф-муҳитга таъсир этмайдиган фаолият, меҳнат хавфсизлиги қоидалари, соғлиқни сақлаш ва энергияни тежаб ишлатиш ҳақида хабардор қилинади.

Меҳнат хавфсизлиги қоидаларига, бахтсиз ҳодисалар ва ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги ҳатти-ҳаракатлар киради. Буларга иш ўрнида шахсий хавфсизлик, ҳимоя воситалари ва механизмлардан тўғри фойдаланиш, ёнғинни олдини олиш чоралари, олов ўчирувчи мосламалар киради.

Кўп ҳолларда меҳнат хавфсизлиги қоидалари тушунтиришлари иш билан боғлиқ равишда олиб борилади.

Ўқув устахоналарида талабаларга бажариладиган иш босқичлари, асбоб ва машиналардан фойдаланиш, сифатни назорат қилиш усуллари каби турли амалий кўникмалар ўргатилади.

Ўқув устахоналарида амалий машғулотлар ўтказишда 4 поғонали усул ёки йўналтирувчи матн ва лойиҳа усули каби замонавий усулларни қўллаш тавсия этилади. (Ушбу усуллар кейинги бобда батафсил келтирилган)

Танланган усул асосан амалий қобилиятлар ҳамда ва кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган ва ўзида бунга таълуқли назарий билимларни мужассам этган бўлади.

2.5. Назарий билим ва амалий кўникмаларни баҳолаш.

Баҳолаш ва унинг аҳамияти.

Баҳолаш-таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир.

Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалнинг ўзлаштирилганлиги ҳақида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам муайян маълумотга эга бўлади. Баҳолаш натижасида, таълим берувчи учун таълим олувчиларнинг нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси ўқув материали яхши ўзлаштирилгану, қайси бири ҳали етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу таълим олувчининг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Таълим берувчи ўз ишининг афзалликларига ва камчиликларига танқидий баҳо беради. Ўз иши методларига тузатишлар киритади. Шунингдек, баҳолаш натижалари таълим берувчининг ўқув дастуридаги материалларни таълим олувчининг билиш имкониятлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши ва баҳоланиши учун ҳам жуда муҳимдир.

Баҳолаш натижасида тушунча ва қонун-қоидаларнинг қайси бирлари қийин, қайси бирлари эса осон ўзлаштирилиши аниқ ва равшан бўлади. Бу таълим олувчининг ижодий тарзда дарсга тайёргарлик кўриши ва ўқув машғулотини ўтказиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Худди шунингдек, таълим олувчи ҳам таълим жараёнида қайси ўқув материални яхши, қайсисини қониқарли ва нимани ёмон ўзлаштиргани маълум бўлади. Билимларни текширмасдан таълим олувчи ўз билимларини чуқур, ҳар томонлама ва тўғри баҳолашга қодир эмас. Баъзан унга гўё у ўқув материални яхши эгаллаб олгандай туюлади, текшириш чоғида эса материални яхши билмаслиги, яхши тушунмаслиги маълум бўлиб қолади. Баҳолаш натижасида, таълим олувчиларнинг ўрганилаётган материалларни билиш, тушуниш, эса сақлаб қолиш, англаб олиш, амалда қўллай олиш, таҳлил қилиш ва ўз билимларини танқидий баҳо бериш даражалари аниқланади. Таълим олувчи ўз билимларининг ижобий тавсифи, таълим муассасасида ва уйдаги ишининг услубини такомиллаштириш, билимлари, малака ва кўникмаларидаги ижобий томонларни ривожлантириш, камчиликларни тузатиш имкониятига эга бўлади.

Билимларни, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда таълим олувчиларнинг ўқишга, ўз ютуқлари ва муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, қийинчиликларни енгиш истаги туғилади. Баҳолаш ҳамиша таълим олувчининг шахс сифатида ўзига нисбатан муайян бир муносабатини ҳосил қилади. Таълим берувчи таълим олувчининг ўзига нисбатан муносабатини, туйғуларини, унинг характеридаги иродалилик, ҳамкорлик, ўзоро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатларини шакллантиришга қаратилиши лозим бўлади.

Баъзан баҳолаш жараёнида таълим олувчи кўшимча билим, кўникма ва малакаларга ҳам эришади. Таълим жараёнида ўзлаштирмаган тушунчаларнинг моҳиятига тушуниб етади. Шу боис, баҳолашни таълим олиш жараёнининг давоми деб ҳам айтиш мумкин.

Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш давлат аҳамиятига эгадир. Баҳолаш натижаларини умумлаштириб, таълим муассасаси жамоасининг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига, талабаларнинг умумий ўзлаштириш даражасига баҳо берилади ва тегишли хулосалар чиқарилади. Давлат таълим стандартларида давлат томонидан қўйилган талаблар нечоғлик бажарилаётганлиги аниқланади.

Натижаларни баҳолаш орқали бир пайтнинг ўзида бутун таълим тизими ва унинг компонентлари текширилиб кўрилиши керак. Бу билан таълим тизимида ўқитилаётган натижага эришилаётганлик даражаси текширилиб ўлчанади. Билимларни мунтазам баҳолаб бориш таълим режаси, унинг катта-кичик бўлимлари асосида амалга оширилади. Таълим тизими натижалари муайян стандарт меъёри орқали ифодаланади.

Баҳолаш натижасида нафақат таълим олувчининг, балки таълим берувчининг кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув жараёнидаги камчиликлар ҳам аниқланади. Таълим воситалари, режалари, таълим жараёнини ташкил этиш сифатида ҳам баҳо берилади.

Таълим дастурининг қисм бўлаклари бўйича мунтазам баҳолаб бориш охир-оқибат аниқ ва адолатли баҳоланишнинг шаклланишига олиб келади. Кичик бўлимлар бўйича

баҳолаш, жамлаш ва умумлаштириш якуний баҳолашнинг аниқ бўлишига ёрдам беради. Таълим олувчини мунтазам равишда ўз натижалари тўғрисида хабардор қилиб туриш, унинг мақсад сари интилиши ва истакларини рўёбга чиқаришга ижобий таъсир кўрсатади. Таълим бериш давомидаги назорат натижаларини ўлчаб бориш билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш ўқувчининг ўзлигини англаши учун бир имкониятдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, баҳолашнинг моҳияти ҳақида қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

Нима учун баҳолаш керак?

- Ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш учун;
- Кейинги босқичга ўтишдан олдин, аввалги ўзлаштириш даражаси аниқлаш учун;
- Натижага эришганлигини тасдиқлаш учун;
- Ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш учун;
- Ютуқ ва камчиликларни аниқлаш учун;
- Ўқитувчи ўз фаолиятига тузатишлар киритиши учун;
- Ялпи ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- Таълим жараёни ютуқларини аниқлаш учун;
- Таълим олувчиларни ютуқларга қизиқтириш учун;
- Ташқи қизиқувчиларга, иш берувчиларга, юқори ташкилотларга ва ота-оналарга маълумот бериш учун.

Нимани баҳолаш керак?

- Назарий билимларни;
- Амалий кўникма ва малакаларни;
- Хулқ-атвор ва шахсий фазилатларни;

Қачон баҳолаш керак?

- Таълим жараёни бошида (бошланғич баҳолаш);
- Таълим жараёни давомида (жорий ва оралиқ баҳолаш);
- Таълим жараёни якунида (якуний баҳолаш).

Баҳолашнинг асосий хусусиятлари;

- таълим мақсадига йўналтирилганлик;
- мунтазам ўтказиб бориш;
- педагогик, психологик ва ҳуқуқий тамойилларга асосланганлик;
- умумий қабул қилинган натижа стандартларига асосланганлик.

Юқорида таъкидланганидек, назарий билимлар баҳоланиётганида когнитив ўқув мақсадларга эришганлик даражалари аниқланади. Амалий кўникма ва малакалар баҳоланаётганида психомоторик, хулқ-атвор ва шахсий фазилатлар баҳоланаётганида эса-аффеktiv ўқув мақсадларига эришганлик даражалари аниқланади.

Баҳолаш мезонлари. Ҳар қандай баҳолаш натижалари ўзаро таққосланиши, яъни ўлчаниши лозим бўлади. Уларни таққослаш баҳолашдан олдин ёки кейин ишлаб чиқилган мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин. Баҳолаш мезонлари ўқув мақсадларига қай даражада эришилганликни англаш учун кўрсаткичдир. Бу кўрсаткичлар сонлар («беш», «тўрт», «уч» ва ҳоказо) сўзлар («аъло», «яхши», «қониқарли» ва ҳоказо) ёрдамида тавсифланиши мумкин. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, баҳолаш мезонлари таълим олувчининг қайси ўзлаштириш даражасини намойиш қилишига қараб мос қўйиладиган баҳо кўрсаткичининг тавсифидан иборат.

Баҳолаш тамойиллари. Билимларни текшириш ва баҳолаш муайян дидактик талабларга жавоб бериши керак. Текшириш ва назорат қилиш системали, доимий тарзда бўлиши шарт. Бу талабга риоя этилмаса, таълим олувчиларнинг ўқишга нисбатан муносабати ёмонлашади, билимларнинг сифатига салбий таъсир қилади.

Билимларни баҳолаш индивидуал характерга эгадир. Ҳар бир таълим олувчи унинг қайси билимлари, кўникма ва малакалари баҳоланаётганини билиши керак. Таълим берувчининг саволларига ва вазифаларига жавоб беришга тайёрлик ҳолати билимларни текшириш ва баҳолаш ўқув жараёнининг муҳим бир бўлагига, унинг таркибий қисмига айланган тақдирдагина рўй беради.

Таълим олувчининг билимлари, кўникма ва малакалари давлат ўқув режаларининг бажарилиши нуқтаи назаридан текширилади ва баҳоланади.

Таълим олувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини текшириш шакллари турличадир. Баъзан таълим берувчи билимларни текширишнинг узоқ вақт мобайнида бир хилдаги усулларини қўллайди. Унда сўраш, савол бериш, изоҳлаш каби муайян одат пайдо бўлади. Таълим олувчилар бугундай текширишга мослашиб кетадилар, ўқитувчининг қай тарзда сўраши уларга олдиндан маълум бўлади. Улар фақат таълим берувчи учун, уни қаноатлантириш учун жавоб бера бошлайдилар.

Қуйидаги бешта асосий тамойиллар баҳолаш тизими самарадорлигининг пойдевори ҳисобланади:

***ўқув мақсадларига асосланганлик;**

***ҳақиқийлик;**

***ҳаққонийлик;**

***ишончлилик;**

***қулайлик.**

1. Ўқув мақсадларига асосланганлик. Самарали баҳолашнинг асосий тамойили ўқув мақсадларига асосланганлик ҳисобланади. Баҳолашнинг сифати ўқув мақсадларига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Ўқув мақсадлари баҳолаш мазмунини аниқлаб беради. Ўқув мақсадларининг қўйилиш даражасига қараб, баҳолашнинг шакли ва усуллари танланади. Шунингдек, ўқув мақсадларига эришиш учун бажарилган фаолият натижаси, баҳолаш мезонларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай баҳолаш тизими лойиҳалаштирилаётганда, баҳолаш топшириқлари берилган таълим мазмуни доирасида бўлиши талаб этилади. Баҳолашни лойиҳалаштираётганда, ҳар доим қуйидаги икки саволни эътиборга олиш лозим:

Баҳолаш топшириқлари таълим жараёнидан кўзланган ўқув мақсадларини тўла акс эттирадими?

Ўқув мақсадлари даражасига баҳолаш шакллари, усуллари ва мезонлари тўғри танландими?

Масалан, йўл ҳаракатлари қоидалари бўйича олган билимларни баҳолашда ёзма тест олиш усули мос келиши мумкин. Лекин, ундан машинани бошқариш малакаларини баҳолашда фойдаланиб бўлмайди. Бу малакалар оғзаки ёки ёзма эмас, балки амалий фаолиятга асосланган баҳолаш усули ёрдамида баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ҳақиқийлик. Ўқув мақсадида кўзда тутилган натижагина баҳолашга қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади. У баҳоланиши лозим бўлган билим ва кўникмалар соҳасидаги натижаларга қаратилган бўлиши лозим.

Таълим олувчи эришган натижалар тўғрисида асосланган ва ишончли ахборотлар берилиши керак. Таълим олувчи эгаллаган билим, малака ва кўникмалар ҳамда шахсий фазилатларни ўлчаш имконини берадиган методлардан фойдаланиш зарур.

3. Ҳаққонийлик (объективлилик). Баҳолаш тизими ўқув мақсадларига мос бўлиши, шунингдек баҳолаш шарт-шароитлари ва мақсадлари билан ўқувчилар олдиндан танишган бўлишлари лозим. Таълим олувчиларга бир хил мураккабликдаги ва ҳажмдаги топшириқлар берилиши керак.

4. Ишончлилик. Натижаларни баҳолаш мобайнида ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Лекин, бу усулларни танлашга қўйиладиган асосий шарт ишончлилик ҳисобланади. Усул ишончли бўлиши учун баҳолаш асосли ва аниқ маълумотларга асосланган бўлиши зарур. Бунда топшириқ ёки тестнинг ўрганиш

мақсадларини назорат қилишга йўналтирилганлиги қанчалик ишончли эканлиги назарда тутилади.

Баҳолаш ишончли бўлиши учун таълим олувчиларда бир-бирига ўхшаш, аммо ҳар хил шароитларда баҳолаш ўтказилганда, натижалари бир хил бўлиши керак. Баҳолаш методининг ишончлилиги турли методларнинг натижалари билан таққослаш орқали аниқланади. Баҳолаш тизими ишончли бўлиши учун турли экспертлар ёрдамида турли вақтларда баҳолаш ўтказилганда, унинг натижалари бир-бирига ўхшаш бўлиши керак.

Баҳолаш ишончилигининг икки томони бор:

Баҳолаш усулининг ишончилиги. Агар фойдаланилаётган баҳолаш усулининг ишончилиги юқори бўлса, талабанинг ўзлаштириш даражаси баҳолашнинг ҳар хил усулларида фойдаланганда ҳам ўзгармай қолади (олинган натижалар бир хил, ўзгармас бўлади).

Баҳолашнинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш усуллариининг ишончилиги деб, баҳолаш бошқа жойда ва бошқа имтиҳон олувчи томонидан ўтказилганда ҳам, унинг бир хил бўлиши, ўзгармаслиги тушунилади.

Баҳолаш усуллариининг ишончилик даражаси қуйидаги ҳолатларда кўпроқ бўлади:

- ҳамма таълим олувчилар қўйилган талабни аниқ тушунса;
- баҳолаш шартлари олдиндан маълум қилинса ва унга риоя қилинса;
- ҳамма натижалар баҳолашнинг олдиндан келишилган мезонлари тўла асосланган бўлса;
- тасодифий хатоларни камайтириш мақсадида мос баҳолаш турлари қўлланилса.

5. Қулайлик. Баҳолаш тизими ўқув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ўқув ишлаб чиқариш стандартларига мос бўлиши, мураккаб бўлмаслиги, назорат ўтказувчи ва таълим олувчи учун қулай бўлиши лозим. Баҳолашни ўтказишда имкон қадар компьютерлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Топшириқ ёки тест пайтида балл бериладиган бўлса, балл бериш ўрганиш мақсадларини назорат қилишга мослаштирилган бўлиши лозим. Бунда мавзунинг муҳимроқ бўлган қисмларига унчалик муҳим бўлмаган қисмларига нисбатан кўпроқ балл бериш керак бўлади.

Баҳолашнинг рейтинг тизими. Рейтинг тизимидаги таълим жараёнида баҳолаш қуйидаги назорат турлари орқали аниқланиши мумкин:

- Назорат қилиш;
 - Хулқини баҳолаш;
 - Назарий ва амалий билимларни баҳолаш.
1. Назорат қилиш орқали ўзлаштирилганликни аниқлаш:
- таълим олувчининг билим кўрсаткичлари даражасини, малакасини шакллантириш;
 - таълим олувчини доимий баҳолаш ва улар олган баҳоларни таққослаб бориш;
 - таълим олувчининг ўқишга интилиши ва ўзаро беллашиш имкониятини шакллантириш;
 - таълим олувчиларнинг билим савияси ва малака кўникмаларини ҳаққоний баҳолаш;
 - таълим берувчиларнинг педагогик фаолиятини тўғри баҳолаш.
2. Хулқини баҳолаш орқали ўзлаштирилганликни аниқлаш:
- таълим олувчиларнинг дарсларга қатнашиш интизомини яхшилаш ва уларни фанлар бўйича узлуксиз тайёргарлигини ташкил этиш;

3. Назарий ва амалий билимларни баҳолаш орқали ўзлаштирганликни аниқлаш:
- таълим берувчи ва таълим олувчининг ўз қобилиятини олдиндан режалаштириш;

- таълим жараёнининг боришини тезкор таҳлил қилиш;
- ўз фаолиятида зарурий ўзгаришлар киритиш имкониятларини яратиш.

Рейтинг тизими юқорида санаб ўтилган барча назорат турларини ўзаро таққослаш орқали таълим жараёнидаги баҳолаш тизимини яратади. Рейтинг тизимида таълим олувчилар билими доимий равишда назорат қилиниб ва баҳоланиб борилади. Рейтинг назорат тизими асосида ўқув режасига киритилган ҳар бир фаннинг таълим олувчи ўзлаштиришининг сифат кўрсаткичлари баллар билан баҳолаш ётади. Республикамиз таълим муассасалари ўқув жараёнида қўлланилаётган рейтинг тизимига асосланган ҳолда иккита назорат туридан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича рейтинг тизимини лойиҳалаштиришда қуйидагиларга асосланиши керак:

1. Ҳар бир фан бўйича семестр давомида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 100 баллни ташкил этади;

2. Ҳар бир фан учун ажратилган максимал балл назорат турлари бўйича тақсимланади:

Жорий назорат. Жорий назорат ўтказишнинг асосий мақсади таълим олувчи қай даражада ривожланаётганлигини аниқлаш, таълим жараёни талабларини ўрганиш ва уни яхшилашдан иборат. Жорий назоратда оғзаки сўров семинар, ёзма ишлар, лаборатория ишлари, курс ишлари, уй вазифаси ва бошқа сўров турларидан фойдаланилади. Барча сўров турлари қисқартирилган кодлар билан белгиланади.

Амалдаги рейтинг тизимида жорий назорат ўтказишда ҳар бир таълим олувчини баҳолаш учун сўровлар сони чегараланган. Ҳар бир дарсда тайёрланиб келган таълим олувчи жавоб бериши ва балл олиши мумкин, лекин таълим берувчи қолган таълим олувчиларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги лозим.

Оралик назорат. Оралик назоратнинг асосий мақсади таълим олувчилар томонидан маълум бир мавзу, боб ёки модул бўйича эришилган натижаларни (белгиланган стандартларга эришганлигини) аниқлашдан иборат. Оралик назоратни топшириш барча таълим олувчилар учун мажбурий ҳисобланади.

Якуний рейтинг кўрсаткичи. Якуний рейтинг кўрсаткичини аниқлаш учун семестр якунида ёки ўқув предмети якунида таълим олувчининг барча мавзулар бўйича олган баллари ҳисобланиб, ўртачаси аниқланади. Семестрда фан юзасидан неча соат дарс ўтилган бўлса, ҳар бирига максимум 100 баллдан ажратилиб, семестр якунида ўртача балл ҳисобланади ва рейтинг журнаliga қўйилади.

Ўқув режаси ва фан дастурига асосан тузилган тизим – мавзу режаси бўйича, ҳамда ажратилган соатларни эътиборга олган ҳолда, ҳар бир ўқувчини семестр давомида неча марта назорат қилиш имкониятларидан келиб чиқиб, назорат ва сўров турлари аниқлаб чиқилади ва маълум бир фан бўйича “Рейтинг балларининг тақсимооти” тузилади.

2.6. Мутахассислик фанларидан мустақил ишларни ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш

Кайта ишлаш керак.....

Таълим муассасаларида талаба мустақил ишининг ташкил этишдан асосий мақсад:

- ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир;
- талабаларда диалектик дунёқарашни таркиб топтириш;
- талабаларнинг ўқув-билиш фаоллиги ва мустақиллигини таркиб топтириш;
- таълим-тарбия жараёнини мақбуллаштириш;
- таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг бирлигини таъминлаш;
- предметлараро алоқадорликни таъминлаш;
- таълим ва тарбия жараёнини индивидуаллаштириш;
- таҳсил олувчиларда меҳнатга ва жамоат мулкига онгли муносабатни таркиб топтириш;
- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш талаблари асосида мутахассисликка тайёргарликни такомиллаштириш;
- фанлар ва мутахассисликларнинг мажмуавий услубий таъминланиши;
- дарснинг самарадорлигини ошириш йўллари;
- янги педагогик технологияларни жорий этиш;
- таълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш.

Талабанинг мустақил иши ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатидан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади

Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топиш қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар билан ишлаш;
- интернет тармоғидан рационал ечимини белгилаш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш.

Мустақил ишлар шакллари. Талаба мустақил ишини ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятлари, шунингдек ҳар бир талабанинг ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- семинарлар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
- лойиҳалар ва амалий топшириқларни бажариш;
- илмий-тадқиқот ишларини бажариш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларни ечимларини топиш;
- макет, модель ва намуналар яратиш;
- ҳисоблашлар ва график ишларни бажариш;
- берилган мавзу бўйича компьютерлардан керакли маълумотларни мустақил излаб топиш ва реферат тайёрлаш;
- электрон дарсликлардан фойдаланиб топшириқларни бажариш.

Ўқитилаётган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, талаба мустақил ишини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланилиши мумкин. Фан дастурларида талаба мустақил ишининг шакли, мазмуни ва ҳажми ифода этилади.

Талаба мустақил иши учун ажратилган вақт бюджетига мос равишда ҳар бир фан бўйича тегишли бўлимларда мустақил ишнинг ташкилий шакллари, саволлар ва топшириқлар мажмуи ишлаб чиқилади.

Мустақил ишни бажариш учун фанлар бўйича талабаларга зарурий услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Оғзаки мустақил топшириқлар:

- дарслик бўйича материални ўрганиш ва такрорлаш, чизмалар ва схемаларни ўқиш, турли техник адабиётлар хужжатлар ва материалларни ўрганиш асосида ўқитувчи саволларига жавоб тайёрлаш, ишлаб чиқариш фаолияти таҳлили кабилар киради. Материалларни англаб мустаҳкамлаш ва ёдлашга мўлжалланган.

Ёзма мустақил топшириқлар:

- ҳисоблаш учун берилган вазифаларни бажариш, умумлаштирувчи ва такрорланувчи жадвалларни тўлдириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, лаборатория, амалий ишлар тўғрисида ҳисоботлар тузиш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

График мустақил топшириқлар:

- уларга турли чизмачилик ишларини эскизлаштириш, кесмалар ва кесишмаларни тасвирлаш, айрим детал ва тугунларни чизиб кўрсатиш ва ҳ.к), схемалар, графиклар, диаграммаларни тузиш, кузатиш натижаларини тасвирлаш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

Амалий характердаги мустақил топшириқлар:

- талабалар ўқитувчи топшириғи асосида мустақил ишни бажариш жараёнида маълум детал тайёрлаш, тугун ва механизмларни йиғиш, техник жараёнларни ишлаб чиқадиладар. Ушбу ишларни бажарганда талабалар асбоб-ускуналарни танлаш, ишлов бериш режасини аниқлаш ва ҳисоблаш, янги мосламаларни лойиҳалаш, макет ва моделлар, намуналар каби ишларни амалга оширадилар.

Мустақил ишларни ишлаб чиқиш

Ҳар бир фан бўйича талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш юкламаси ўқитувчи шахсий иш режасида қайд этилади.

Талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш кафедрада тузилган, кафедра мудури томонидан тасдиқланадиган маслаҳатлар жадвали асосида амалга оширилади.

Талабанинг мустақил иши бўйича маслаҳат соатлари гуруҳ журналида қайд этилиб борилади.

Талаба мустақил ишини назорат қилиш ўқув машғулотларини бевосита олиб боровчи ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Талабанинг мустақил иши, муайян фан ўқув дастурида ажратилган соатларга мос баҳоланади ва натижаси бўйича талабанинг умумий баҳосига киритилади.

Талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичлари, шу жумладан мустақил иши бўйича олган баҳолари гуруҳ баҳолаш ойнасида ёритиб борилади.

Талаба мустақил ишини назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш мезонлари тегишли кафедра томонидан белгиланади. Мустақил ишларни баҳолаш мезонлари талабаларга ўқув йили (семестри) бошланиши олдида услубий материаллар билан биргаликда тарқатилади.

Фанлар кесимида талабаларнинг мустақил ишлари бўйича ўзлаштириши мунтазам равишда гуруҳларда, кафедра йиғилишлари, факультет кенгашида муҳокама этиб борилади.

Талабанинг мустақил иши бўйича бажарган ишлари (ҳисобот, реферат, ҳисоблашлар ва ҳ.к) рўйхатга олинади ва ўқув йили мобайнида сақланади.

Юқори даражада баҳоланган талабаларнинг мустақил ишлари маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Таълим муассасаларида мустақил ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш учун раҳбарият ва ўқитувчилар айна вақтда ҳам яхши педагог, ҳам мутахассислик сирларини яхши биладиган мутахассислар бўлиши керак.

Таълим муассасаларида мустақил ишларни самарали ташкил этиш учун қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиш керак:

- талабаларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш мазмуни, шакл, метод ва воситаларни такомиллаштириш;
- таълим, тарбия ва ривожлантириш мақсадларининг бирлиги, умумилмий, умумкасбий ва махсус тайёргарликнинг узвийлигини таъминлаш;
- илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини, фан ва техника ютуқларини ўрганиш, умумлаштириш ҳамда таълим-тарбия жараёнига жорий этишдан иборат.

Мустақил ишларда иштирок этиш таълим муассасаларидаги барча раҳбарлар, ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар учун мажбурий бўлиб, уларнинг педагогик фаолиятини ажралмас қисми ҳисобланади.

Мустақил ишни баҳолаш мезонлари таълим йўналишлари ва мутахассислик фанларининг хусусиятларидан келиб чиқиб алоҳида тузилиши мумкин.

Умумий мезонлар қуйидагича:

Ўзлаштириш кўрсаткичи 86-100 % баҳо бўлганда:

- фан ўқув дастурига киритилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ ўзлаштирганда, ўз хатоларини талаба ўзи тузата билган ҳолда;
- фанга қизиқиши, яратувчанлиги, янги техника-технологияларга интилиши, мураккаб топшириқларни бажаришга ҳаракатланганлиги.

Ўзлаштириш кўрсаткичи 71-85 % балл берилади:

- фанни ўқув дастурига киритилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ изоҳлаб берган, баъзи аҳамиятга эга бўлмаган хатоларга йўл қўйган ва бу хатоликларни ўқитувчи кўрсатмаси асосида тузата олган ҳолда.
- фанга қизиқиш, янги техника-технологияларга қизиқишни намоён этиши, мураккаб топшириқларни бажаришга интилишига.

Ўзлаштириш кўрсаткичи 55-70 % балл берилади:

- фанни ўқув дастурига киритилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ изоҳламаган, фанни бошқа қисмларини ўрганишга халакит бермайдиган айрим аҳамиятга эга бўлмаган хатоликларга йўл қўйган ва бу хатоликларни ўқитувчи ёрдамида тузатилган ҳолларда;
- фанни ўрганишда янги техника-технологияларга қизиқиши пассивлиги, мураккаб топшириқларни бажаришга интилиши йўқлиги.

Ўзлаштириш кўрсаткичи 55 % баҳодан паст бўлганда:

- ўқув дастурига кирган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ билмаган, тизимлаштирилмаган ва тузатиб бўлмайдиган хатоликларга йўл қўйган ҳолда.

Саволлар ва топшириқлар

1. Ўқитиш жараёнини қандай тушунасиш?

2. Ўқитиш жараёни неча босқичдан иборат ва қайсилар?
3. Таълимда ташкилий шарт-шароитлар қайси талабларни ўз ичига олади?
4. Дарснинг мазмуний ва дидактик тузилиши асосини нима ташкил этади?
5. Ўқув мақсадлари нималарни ўз ичига олади?
6. Назарий билим, ақлий маҳорат ва кўникмалар қайси ўқув мақсадлари билан белгиланади?
7. Аффектив ўқув мақсадлари ўз ичига нималарни олади?
8. Ўқув- дидактик воситалар деганда нимани тушунаси?
9. Ўқитувчи ўқув ва дидактик материалларни тайёрлашда нималарни инобатга олиши зарур?
10. Мутахассислик фанларини ўқитишда назарий машғулотларни қанақа кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади?
11. Баҳолаш ва унинг моҳияти тўғрисида тушунча беринг?
12. Баҳолашнинг асосий хусусиятлари нимадан иборат?
1. Таълим муассасаларида мустақил ишини ташкил этишдан асосий мақсад нима?
2. Таълим муассасаларида мустақил ишларини самарали ташкил этиш учун эътиборни нималарга қаратиш лозим?
3. Биронта мутахассислик фани бўйича мавзу танлаб олинг ва уни ўтказиш методикасини ишлаб чиқинг?
4. Мутахассислик фани бўйича мустақил топшириқлар ишлаб чиқинг?

*Эскини ўзлаштирган ва янгини
тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла
олади.*

КОНФУЦИЙ

3-БОБ. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ФАОЛ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

3.1. Таълимни фаоллаштиришнинг аҳамияти

Айрим олий ўқув юртларини битирувчилар ўз ихтисослигига оид махсус ўқув фанларидан бир-бирига боғланмаган лавҳалар шаклида билимга эга бўлиб, ўз илмий фаолиятида учрайдиган мажмуавий (комплекс) вазифаларнинг оптимал ечимларини топишда қийналмоқдалар. Шунингдек, улар мустақил тарзда илмий фаолиятга кириб кетишга ҳам тайёр эмас. Таълимнинг фаол усулларида етарлича фойдаланилмаслиги мазкур муаммони келиб чиқишининг асосий сабабларидан биридир.

Таълим беришда ва уни бошқаришда тескари алоқа талаблар томонидан ўқув материални англаб етишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Тескари алоқа ўқитувчи ва талаба қўйилган мақсад сари тўғри бораётганининг аниқлаб ва керакли ҳолларда жараён кечишини ростлашда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Унинг ёрдамида мақсадга етишнинг оптимал вариантини танлаш кафолатланади. Ёки бошқача айтганда, тескари алоқа дарсга қўйилган мақсадга қай даражада эришганлиги тўғрисида мунтазам равишда ахборот олиб туришни таъминлайди. Бу жараёнда ўқув материали моҳиятини тушуниш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай дарсларни ташкил этишнинг асосий мақсадларидан бири талабани ижодкорликка ўргатишдир. Бу орқали талабалар ўқув материални англаб етадилар, оптимал ечимларни излаб топадилар, педагогик амалиётда маълум бўлган ғоялар ва қонуниятларни, шунингдек ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини, имкониятларини такомиллаштирадилар.

Фаол таълим шароитида ўзлаштирилган билим ва иш ҳаракат усуллари мазмунан мукаммал тизимли, мантиқан тугал ва турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга яроқли бўлади. Бунда асосан баҳс-мунозара, фикрлашга жалб қилиш, доскада мустаҳкамлаш, ишбилармонлик ўйини, ролли ўйин, ақлий ҳужум ўйини, китоб (манбалар) билан ишлаш ўйини, касбий компьютерли ўйинлар каби таълим методларидан фойдаланилади.

Фаол таълим услубларини таълим-тарбия жараёнида қўллаш орқали талабаларни мустақил ишлашга, фикрлай олишга, дарсдаги фаоллигини оширишга, яъни топқирлиги, ташаббускорлигини ривожлантиришга ва энг асосийси, дарсда фанлараро алоқадорликни таъминлашга катта имкониятлар яратади.

Бозор муносабатларига тадрижий-эволюцион йўл билан кириб бораётган республикамиз равнақи учун ижтимоий фаол, ўз фуқаролик бурчини теран англайдиган, янгиликларга интилувчан, тадбиркор, мустақил фикр юритиб, ижодий фаолият кўрсата оладиган ишбилармон мутахассис кадрлар тайёрлаш зарурлиги исбот талаб этмайдиган ҳаётий ҳақиқатдир.

Жамият томонидан таълим-тарбия тизими олдида қўйилган бундай масъулиятли вазифа педагогика фанининг ривожланишига ҳам ўзининг катта таъсирини кўрсатади. Ана шундай ривожлантириш йўлларида бири фаол таълим эканлиги педагоглар, психологлар ва амалиётчилар томонидан тўлиқ эътироф этилган.

Фаол таълим деганда, - биз таълим-тарбия жараёнининг асосий объекти ва субъекти ҳисобланган таҳсил олувчи (талаба, шогирд, тингловчи каби) ларнинг онгли ва фаол иштироки, мустақиллиги ва ижодий қобилиятларини таъминловчи омиллар тизимига тушунамиз.

Ҳар қандай фаолиятда, шунингдек ўқув-билиш фаолиятида ҳам фаоллик ўз-ўзидан пайдо бўлмай, балки поляк олими Оконь таъкидлаганидек: таҳсил олувчилар фаоллигининг асосини ўқув материалининг айлани пайт ва келажак учун муҳим ва зарурлигини англаб етишлари, уни мукаммал ўзлаштиришга ҳошиш-истак, қизиқиш қўйилган ўқув муаммосининг ечимини топиб интеллектуал қониқиш ҳосил қилиш кабилар ташкил қилади.

Бундан шахснинг фаоллиги маълум эҳтиёжларни уйғотиш орқали вужудга келиши маълум бўлади.

Таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларда мустақиллик ва ижодкорлик қобилиятларини таркиб топтириш узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида энг долзарб муаммолардан биридир. Чунки таҳсил

олувчиларнинг онгли фаоллиги, мустақиллиги ва ижодкорлиги, уларнинг ўқув билиш фаолияти натижасининг сифатини характерлайди. Педагогика назарияси ва амалиётида жуда кўплаб фаоллаштириш омиллари қайд этилган. Ана шундай муҳим омиллардан бири бизнинг назаримизда ўқув материални долзарблаштириш ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган «долзарблаштириш» тушунчасининг луғавий маъноси ўқув материалнинг айни пайт ва истикбол учун зарур ва муҳим аҳамиятга эга эканлигини таҳсил олувчилар онгига етказиб, уни ўрганишга ҳохиши, ҳис-туйғуси, қизиқиш уйғотувчи ва фаол ўқув-билишга ундовчи омиллигини англатади.

Педагогик нуқтаи назардан олиб қараганда «долзарблаштириш» ўқув материалларини таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилиши зарурлигини кўрсатса, психологик жиҳатдан материални ўзлаштиришга уларда эҳтиёж туйғусини уйғотади. М. И. Махмутов фикрига кўра долзарблаштиришни илгари ўзлаштирилган материал билан янгисини узвий алоқадорлигини, келажакда амалий фаолиятда муҳимлигини кўрсатувчи таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳамда муҳим босқичидир. Долзарблаштириш жараёнида мураккаб вазият юзага келиб, таҳсил олувчиларда унинг ечимини топишга қизиқиш, аввал ўзлаштирилган билим ва тажрибаларини сафарбар этиш, уларнинг янги қирраларини очиш, ривожлантириш истаги, бир сўз билан айтганда ҳис-туйғусини уйғотади. Долзарблаштириш таълим-тарбия ишининг муҳим таркибий компоненти ҳамда босқичи сифатида ўзига хос яхлитлик хусусиятига эга жараёндир. Чунки у ўқитувчи томонидан ўқув материални маълум қийинлик даражасидаги вазифалар шаклига келтириб таҳсил олувчилар онгига етказишни кўзда тутди.

Бундан долзарблаштириш таҳсил олувчиларни фаол ўқиб, ўрганишга ундовчи сабаб эканлиги ҳам маълум бўлади.

Таҳсил олувчилар томонидан ўқув материални нима учун ўрганиш зарур ва келгуси амалий фаолиятда муҳимлигини онгли равишда тушуниб етишлари, материални ҳар томонлама мукамал ўзлаштириш учун хоҳиш-истак, қизиқиш, сабр-тоқат билан ўқиб ўрганишлари, ўзлаштирган билим ва тажрибалардан амалиётда ижодий фойдаланишлари, энг муҳими ўз кучига ишонч ҳосил қилиш кабиларни кўзда тутди.

Фаол таълим шароитида ўзлаштирилган билим ва иш-ҳаракат усуллари мазмунан мукамал тизимли, мантиқан тугал ва турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга имкон беради.

Долзарблаштириш таҳсил олувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллигига бевосита таъсир кўрсатиб, ўқув-билиш фаолиятини характерлайди. Амалиётда таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти қуйидаги даражаларда бўлиши исботланган:

I. Фаоллик ва мустақилликнинг дастлабки даражасида ўқитувчи таҳсил олувчиларга илгари ўзлаштирилган таянч билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни эслатади. Янгисини батафсил тушунтиради. Барча янги тушунчаларга изоҳ бериб, объектларни шартли белгиларда ифодаланиши кўрсатилади. Бу жараёнда ўзлаштириш даражаси ўзгарувчан бўлиб, алоҳида таҳсил олувчиларнинг ўзлаштиришларида катта фарқ кўзга ёрқин ташланиб туради. Таҳсил олувчиларнинг ўқиб-ўрганишга қизиқиши, истақлари барқарор бўлмай, балки унга хоналарнинг жиҳозланиши, таълим-тарбия ишини ташкил этиш шакллари, ўқув материални амалиёт билан алоқадорлигини таъминланиши кабилар ўз таъсирини кўрсатади. Фаолликни айни ушбу қуйи босқичида долзарблаштириш анъанавий таълимдаги сўровга муқобил функцияни бажаради.

II. Коммуникатив фаоллик ва мустақиллик даражасида таълим-тарбия жараёнини иштирокчилари, шунингдек таҳсил олувчиларни ўзлари ўзаро фикр ва тажриба алмашишлари талаб даражасида йўлга қўйилган бўлади. Бунда ўзлаштириш даражаси сифат жиҳатдан мукамал бўлиб, ўқув материални барча таҳсил олувчилар деярли бил хил даражада ўзлаштирадilar, ўқув предметига уларнинг қизиқиши доимий барқарор ижобий эмоциялар билан мустаҳкамланади. Бундай даражадаги фаолликда ўқитувчи машғулот жараёнида таҳсил олувчиларни тўғридан-тўғри ўтирган жойларида

сўраши, карточкалар, таянч матнлари ва бошқа дидактик материаллар билан ишлашлари билан бошлаши мумкин.

Таҳсил олувчилар мустақил ҳолда ўзлаштирилган тушунчаларга изоҳлар берадилар, иш-ҳаракат усуллари бажариб кўрсатадилар, формулаларни ёзиб, унинг моҳиятини тушунтирадилар. Ўқитувчи ўтилган мавзунинг таҳсил олувчилар томонидан талаб этилган даражада ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг янги ўқув материалнинг характери ва таълим методларини қўллаб уни ўрганишга киришадилар.

III. Ижодий фаоллик ва мустақиллик даражасида ўқитувчи таянч билимларни эслатмайди, қайта такрорламайди, балки аксинча нисбатан мураккаб саволлар ва масалаларни бериб, уларнинг янги ечимларини топишни таклиф этади. Таҳсил олувчилар ишлаб чиқариш талаблари билан ўқув материални қиёсий баҳолашга йўналтирилган ижодий изланувчан, ўқиб-ўрганиш фаолиятида бўладилар.

Ушбу босқичда ўзлаштириш сифат жиҳатдан доимий юқори, таҳсил олувчиларнинг ўзлаштиришдаги фарқи минимум даражада бўлиб, ўқув предметига қизиқишлари кучли, ўрганилаётган объектларнинг ўзаро алоқалари, таъсири ва ривожланиш қонуниятларини аниқлашга қаратилган бўлади.

Ўқув материални долзарблаштириш учун ўқитувчи:

- таҳсил олувчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаб олиши;
- янги материални дидактик, психологик, методик ва мантикий таҳлил қилиб, унга ишлов бериб, маълум қийинлик даражасидаги ўқув муаммолари топшириқлари шаклига келтириши;
- ўқув муаммоларни асосий ва иккинчи даражали бўлақларга, дидактик бирликларга ажратиши;
- муҳим бўлган (асосий) материални мантикий кетма-кетликка келтириши;
- ўзлаштирилиши қийин бўлган мураккаб ва қийин ўқув топшириқларини таҳсил олувчиларга тушунарли ҳолда етказиш усул ва воситаларини танлаши зарур.

Бундан маълум қийинчилик даражасидаги вазифаларни тузиш, уларни таҳсил олувчилар онгига етказиш фаоллаштиришнинг мазмуний жиҳатини ифодаласа, таҳсил олувчиларнинг фаол ўқув-билиш фаолиятини қандай ташкил этиш масаласини ҳал этиш унинг жараёни томонини кўрсатади.

Долзарблаштириш ўзига хос мақсад, восита ва натижа сифатида тадқиқ этилиб, шу билан бирга ундан таълим-тарбия жараёнида меъёр даражасида фойдаланиш юқори самара беради. Дастурий ўқув материални долзарблаштириш учун ишлаб чиқариш мазмунидаги масалалардан фойдаланиш зарур. Бу ҳолат таҳсил олувчига аниқ мўлжал бўлади. У мўлжалга қандай эришиш йўллари излайди, шу билан ўзининг фаоллигини кўрсатади, натижада материалнинг ҳар томонлама пухта ўзлаштирилишига замин яратилади.

3.2. Мунозара, фикрлашга мажбурлаш, ишчанлик ёки ролли ўйинлар, гуруҳий ишлаш усуллари

Мунозара – фаол ўқитиш методи бўлиб, муҳокама, маълум муаммо бўйича фикр алмашинув кўринишида ўтади. Бу метод ўқитиш жараёнида ўзининг имкониятлари кенглиги жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу методдан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

- Янги билимларни шакллантириш;
- Таҳсил олувчиларда у ёки бу саволларни чуқур ўйлаб кўриш, тўғри маъносига етишига мотивацияни таъминлаш;
- Таҳсил олувчиларга далил ва уларга асосланган хулоса орасидаги фарқни тушуниб етишни ўргатиш;

- Коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, таҳсил олувчиларга ўз фикрида мустақкам туриш ва уни ҳимоя қилишга ёрдам бериш.

Мунозара самарали бўлади, агарда:

- Эркин мунозара бўлса;
- Ёки бирор йўналишда бошқариладиган мунозара бўлса.

Эркин мунозарада ўқитувчи уни фақат бошлаб беради ва мунозарага аралашмайди, у ҳакам ролида бўлади. Бу ерда, муҳокама қилинаётган жараённинг ўзига урғу бериш керак ва ҳар бир талабани ўз далиллари аниқ ифода этишга рағбатлантириш лозим.

Бошқариладиган мунозара қўлланилганда, ўқув вазифасининг туб маъносини акс эттирадиган хулосага келиш учун уни режалаштиришга тўғри келади. У, фақат ўзлаштирилиши лозим бўлган мавзу ва саволларга тегишли бўлиши керак.

Фикрлашга мажбурлаш

Фикрлашга мажбурлаш - ғояларни генерация қилиш методидир. Тренинг қатнашчилари бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиладилар: уни ечиш учун шахсий ғояларини илгари сурадилар (генерация қилади).

Бу методнинг барча асосий вазифаси - муаммони мустақил тушуниш ва ечишга таълим олувчиларни мотивациясини уйғотишдан иборат.

Пинборд

Бу ўқитиш методининг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий усул билан боғланиб кетади. Мазкур метод қўлланилганда таҳсил олувчиларда мулоқот юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

Ишчанлик ёки ролли ўйинлар

Ишчанлик ёки ролли ўйинлар – муаммоли вазифанинг бир туридир. Фақат бу ўринда, матнли материал ўрнига таҳсил олувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият саҳналаштирилади.

Ишчанлик ва ролли ўйинлар ўқитиш методи сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

ўргатувчи: ижодий қобилиятни ўстириш; шу жумладан: янги вазиятларни тушунтириш, аниқлаш ва таҳлил қилиш;

ривожлантирувчи: мантикий тафаккурни, нутқни, атроф-муҳит шароитига ўрганиш қобилиятини ўстириш;

мотивацион: таҳсил олувчиларни ўқув фаолиятига ундаш, мустақил хулоса чиқаришга рағбатлантириш;

тарбиявий: маъсулиятни, коммуникативликни шакллантириш.

Психогимнастика

Машғулот бошланишидан олдин таҳсил олувчиларнинг ишга лаёқатлилигини ошириш, диққатларини жалб қилиш ва интеллектуал фаолликларини ошириш учун психогимнастика машқларидан бирини бажариш тавсия этилади. Психогимнастика – жуда ҳам хилма-хил машқларни: ёзма, оғзаки, вербал ва невербал машқларни ўз ичига олади. Улар кичик гуруҳларда (2-3 киши) ёки барча таҳсил олувчилар билан биргаликда бажарилиши мумкин. Психогимнастика ёрдамида гуруҳларни фаоллаштириш, чарчоқни пасайтириш, кайфиятни ўтариш каби масалалар ечилади.

Машғулотларда таълимни ташкил этишнинг бир нечта турларидан фойдаланиш мумкин, лекин ўтказилган тажрибалар таълимнинг «жуфт-жуфт бўлиб ишлаш» ва «гуруҳларда ишлаш» каби ташкилий шакллари яхши самара беришини кўрсатди.

Жуфт-жуфт бўлиб ишлаш

Жуфт-жуфт бўлиб ишлаш – таълимнинг ташкилий шаклларида бири бўлиб, жуда содда ва осон ташкил этилади, шунингдек гуруҳларда ишлаб ўрганмаган талабалар учун жуда қулай. Ундан дастлабки амалий машғулотларда, катта бўлмаган қисқа муддатли семинарларда фойдаланиш мумкин. Камчилиги шундаки, қўйилган масалани икки кишига нисбатан 4-6 кишилик кичик гуруҳда ечиш самаралироқ ҳисобланади.

Гуруҳларда ишлаш

Гуруҳларда ишлаш усули кўп вақтни эгалласада, юқори натижа беради. Гуруҳда ишлаш учун 20 минутдан кам вақт бериш тавсия этилмайди. Бундан ташқари гуруҳда ишлашнинг барча босқичлари пухта ишлаб чиқилган бўлиши, барча ёрдамчи воситалар (қоғоз, фломастерлар, тарқатма материаллар, ватман ва бошқалар) тахт бўлиши лозим.

Машғулотларда кичик гуруҳлар турли хил вазиятларни, муаммоларни мустақил ҳолда таҳлил қиладилар, умумлаштирадилар ва хулоса чиқарадилар. Шунингдек ҳар бир кичик гуруҳ ўз ишини тақдим қилади. Машғулот якунида таълим олувчилар ва ўқитувчи ўртасида тесқари алоқани таъминлаш мақсадида машғулотга якун ясалади. Бунда таълим олувчилар ўқув куни бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар: ўқув мақсадига қай даражада эришилди, қўйилган масалаларни ечишда уларга нималар ёрдам берди ва нималар ҳалақит берди ва ҳоказолар.

3.3. Йўналтирувчи матн усули

Йўналтирувчи матн усули Германия педагог амалиётчилари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, назарий жиҳатдан асосланиб, илмий асосда такомиллаштирилган. Мутахассилик фанларини ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга доир олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, назарий ва амалий машғулотлар ўтказишда талабаларнинг бир қисми кўникмани тез ўзлаштирса, баъзи бирлари секин ўзлаштиради. Натижада бир талаба тез ўзлаштириб, янги кўникмани ўрганишга тайёр бўлса, бошқаси учун янги амалий машғулотнинг фойдаси жуда кам бўлади. Яъни талабалар қизиқиши қисман барбод бўлади.

Йўналтирувчи матн ёрдамида мустақил ўрганиш имконияти яратилади ва ҳар бир талаба янги кўникма учун керак бўлган билимни олиши мумкин бўлади. Йўналтирувчи матн усулида қуйидаги олти босқич талаба томонидан амалга оширилади.

Ўқув жараёнини бундай босқичларга бўлиниши талабаларга мустақил ўрганишга туртки беради. Ўқитувчи аниқ ўқув мақсадига йўналтирилган саволлар ёки топшириқлар ишлаб чиқади. Талабаларга «Маълумот йиғиш» ва «Режа тузиш» босқичларида кинематик схемалар, жадваллар, эслатмалар, кўрсатмалар каби ёзма ҳужжатлар берилади. Бундай ҳужжатлар талабаларга мустақил маълумот йиғишда ёрдам беради. Ўқитувчи талабаларнинг аниқ мақсадга қаратилган ҳаракатига туртки беради ва ишини назорат қилади. Талаба эса ўз таълимининг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Энди у фақат тингловчи эмас, балки бажариладиган топшириқ учун керакли маълумотларни йиғади, ўз иш тартибининг вақтини ўзи режалаштиради. Бажарган иш натижасини ўзи баҳолайди.

Йўналтирувчи матн усули доирасида ҳаракатлар қуйидаги тарзда амалга оширилади:

1. Маълумот йиғиш.

Бу босқичда ўқитувчи талабаларга керакли барча манбаларни ва махсус саволлар варағини беради. Саволлар варағида талабаларга маълумотларни босқичма-босқич йиғиш тартиби саволлар шаклида берилади.

Бу саволлар «Йўналтирувчи саволлар» дейилади. Йўналтирувчи саволларга жавоблар – бу иш топшириғини бажариш учун керак бўлган маълумотлар тўпламидир.

Демак, талабалар ўзларига берилган иш топшириғини таҳлил қилиб, дарсликлар ўқув-услубий кўрсатмалар, схема ва жадваллар ёки бошқа техник ҳужжатлар асосида иш босқичлари ёки керакли хом ашёлар ҳақида маълумот йиғадилар. Бунинг учун улар йўналтирувчи саволлардан берилган топшириқ таърифи ва ўқув мақсадлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишади.

2. Режалаштириш.

Бу босқичда талабалар мустақил равишда иш режасини тузишади, яъни иш топшириғини ҳал қилишга қаратилган ўзларининг бажарадиган иш босқичларини режалаштирадилар.

Талабалар бу ерда ўзларининг дастлабки назарий билимларига таянадилар ва шахсий ёзувларидан фойдаланишади.

3. Қарор қабул қилиш.

Талабалар ўқитувчи билан биргаликда режани амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишди. Агар муаммони ечишда турли ечимлар юзага келса, у ҳолда энг унумли ечим танланади. Ўқитувчи доимо маслаҳатчи сифатида қатнашиши керак.

4. Амалга ошириш.

Талабалар иш топшириғини тузилган режага мувофиқ бажаришади, ўқитувчи эса уларнинг ишини назорат қилиб туради. Ўзлаштириш натижалари аниқлик, пухталиқ, чидамлилиқ, юқори сифатли каби кўрсаткичларга асосланади.

5. Текшириш.

Талабалар бажарган топшириқлари натижаларини ўзлари текширишади (Масалан сифат кўрсаткичларини) ва «Баҳолаш варағига қайд қиладилар. Талабалар бир-бирларининг ишларини текширишлари мумкин. Ўқитувчи натижаларни «Хулосалар» варағига ёзиб қўяди.

6. Хулоса чиқариш.

Ўқитувчи иш жараёни ва натижаларни таҳлил қилиб якуний суҳбат ўтказди ва кейинги сафар нималарга эътибор бериш кераклигини айтиб ўтади.

Йўналтирувчи матн усулининг моҳияти шундаки, талабалар иложи борида ўзлари мустақил ўрганишлари лозим. Шу сабабли ҳам, дидактик ва машқ материаллари шундай тузилиши керакки, улар асосан мустақил ўрганишга қаратилиши лозим.

Талабаларга бериладиган топшириқлар аниқ белгиланган бўлиши, яъни уларни ўқув нуктаи назаридан унумли бажариш мумкин бўлиши, ҳамда ҳажми ва қийинлиги жиҳатидан белгиланган ўқув мазмунларига жавоб бериши керак.

Бугунги кунда талабаларнинг мустақил ишлаши ўзлаштиришда юқори самара бермоқда, яъни уларда биргаликда мулоқотда бўлиш, режа тузиш, қарор қабул қилиш, ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилиятлар ривожланади. Бундан ташқари талабанинг ўқишни тугатгандан кейин унинг иш фаолиятида кутиладиган натижа шуки, улар иш тартибини иқтисодий мезонлар (тежамкорлик) асосида режалаштириш ва амалга оширишлари керак.

Масалан, улар тежамли ишлаб чиқариш усулларини қўллаш, материаллардан ёки энергиядан тежамли фойдаланиш усулларини билишлари керак.

Йўналтирувчи матн усулини ўқув жараёнига қўллаш бўйича назарий ва амалий тажрибаларга асосланиб, қуйидаги илмий хулосалар берилади:

- ўрганиш-ўзлаштириш жараёнининг асосини мустақил бажариладиган иш-ҳаракатлар ташкил қилади;
- иш-ҳаракатларнинг талабалар томонидан мустақил равишда режалаштирилиши, амалга оширилиши, текширилиши ва баҳоланиши лозим;
- иш ҳаракатлар ўзида техникавий, меҳнат хавфсизлиги, ҳуқуқий, экологик каби масалаларни қамраб олиши керак;
- иш ҳаракатлар талабаларнинг билим тажрибасига интеграция бўлиши лозим.

3.4. Лойиҳа усули

Лойиҳа усули йўналтирувчи матн усули билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу иккита усул бир-биридан қуйидагича фарқланади.

- йўналтирувчи усули эътиборни мустақил ўрганишга қаратади;
- лойиҳа усули мустақил ўрганишдан ташқари эътиборни мутахассисликни эгаллашда керакли шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни ўрганишга қаратилган;
- лойиҳа усули хусусан лойиҳалар билан ишлашни ўрганиш ҳамда ўзлаштиришни кучайтириш мақсадида қўлланилади.

Лойиҳа усули Европа мамлакатларида «Лойиҳаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятда қўллашга қаратилган таълим» деб аталади.

Лойиҳа асосан ўрганишга хизмат қилиш, назария билан амалиётни боғлаш, корхонада учрайдиган бирон иш жараёнига таълуқли бўлиши, талабалар томонидан мустақил режалаштира олинadиган, меҳнатни ташкиллаштиришни ва амалга ошира оладиган бўлиши лозим. Бунда талабалар ўзларининг мутахассислик соҳаси бўйича муаммони ечиш усуллари ишлаб чиқиш имкониятларига эга бўлишади.

Лойиҳа усулининг бутун таълим жараёни доирасида қўлланиши учун, лойиҳалар қуйидагича бўлиши керак:

1. Аниқ чекланган топшириқ, масалан бирор ишни режалаштиришдан бошлаб сифат текширишигача иш тартиби таърифи билан бирга берилиши керак.
2. Талабалар нуктаи назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва улардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак. Чунки талаба муаммони ҳал қилишда мавжуд билимларидан ташқари бошқа билим кўникмаларини ишлатишга мажбур бўлишлари керак.
3. Ўзлаштирилган билим кўникмалар орқали янги топшириқни режа асосида ва иложи борида мустақил ҳаракатланиши талаб қилинади.

Лойиҳа усулининг асосий мақсади шуки, топшириқни бажариш учун керакли барча билим кўникмалар жараён давомида ўрганилишдир.

Талабалар берилган топшириқни бажаришда вазифаларни ўзаро тақсимлаб лойиҳа гуруҳи сифатида мустақил равишда режалаштирилишидан бошлаб амалга ошириш ва хулоса чиқаришда биргаликда ишлашади.

Ўқитувчи ўрганиш жараёнини назорат қилади ва систематик равишда бошқаради. Лойиҳа давомида барча босқичларни қайд этиш ва лойиҳа ишини таққослаш имконияти бўлиши учун қуйидаги ҳужжатлар ишлатилади:

- лойиҳа (кинематик схемалар, ишчи чизмалар);
- лойиҳага тегишли топшириқлар таърифи;
- йўналтирувчи саволлар;
- ўқув мақсадлари ҳақида маълумотлар;
- ишлаш тартиби ва вазифаларни тақсимлаш бўйича кўрсатма;
- баҳолаш варағи;
- назорат баённомалари;
- асбоб ва ускуналар, ўлчаш воситалари ва ёрдамчи материаллар рўйхати.

Лойиҳа усулини амалга оширишни босқичма-босқич кўриб чиқамиз.

1. Маълумот йиғиш.

Бу босқич учун ўқитувчи қуйидаги ҳужжат ва материалларни тайёрлаши лозим:

- лойиҳа (схемалар, техник чизмалар);
- лойиҳага тегишли топшириқлар таърифи;
- йўналтирувчи саволлар;

- ўқув мақсадлари ҳақида маълумотлар.

Талабаларга чизма ва схемалар шаклидаги лойиҳа ҳамда топшириқ таърифи берилади. Ўқитувчи талабаларни йўналтирувчи саволлардан фойдаланиб топшириқни таҳлил қилишга жалб этади. Талабалар мустақил равишда дарслик, ўқув қўлланмалар ва тарқатма материаллар асосида маълумот йиғишади. Талабаларга техник чизмаларни беришдан мақсад, улар шу чизмалардан ўзларига керак бўлган қисмларни ўз ҳужжатларига кўчириб олишади. Сўнгра улар лойиҳани бажаришдаги иш босқичларини тузишади.

2. Режалаштириш.

Бу босқичда талабалар мустақил равишда иш режасини тўлдиришади. Бу режада иш босқичлари, яъни уларнинг технологик кетма-кетлиги ва улар учун ажратилган вақт керакли жиҳозлар ва ускуналар ҳамда меҳнат хавфсизлигига оид тадбирлар ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

3. Қарор қабул қилиш.

Талабалар амалиёт ўқитувчиси билан биргаликда режалаштириш босқичида юзага келган натижаларни муҳокама қилишади. Ҳар хил ечимлар бир-бири билан таққосланади ва энг яхши оптимал вариант танлаб олинади.

4. Амалга ошириш

Талабалар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда бажаришади.

Ўқитувчи иш жараёнини назорат қилиб туради ва натижаларини «Назорат» дафтарига қайд қилади.

Талаба ўрганиб олган билимларини янги вазиятда қўллай олади, систематик равишда ривожлантира олади. Баҳолашни ва танлашни билади ва янги ижодий ечимларни топа олади.

5. Текшириш

Талабалар ўз иш натижаларини ўзлари текширишади. Масалан, иш натижаларини сифат критерийлари асосида баҳолаши мумкин.

6. Хулоса чиқариш.

Талаба ва ўқитувчи иш жараёни ва натижаларини биргаликда таҳлил қилишади.

Лойиҳа усулининг мақсади шуки, бунда талабалар ўз мутахассислиги бўйича билим ва кўникмаларидан ташқари ижтимоий ва шахсий компетенциялари соҳасига тегишли шахсий қарашларга эга бўлишади.

Бу дегани, мутахассислар ўз соҳаларига оид билим кўникмаларидан ташқари қуйидаги қобилиятларга эга бўлишлари керак:

- ташаббус кўрсатиш;
- муаммоларга систематик ёндашиш;
- қарорларни мустақил қабул қилиш;
- мосланувчан бўлиш;
- бирор муаммони ўзи ҳал қилиш;
- доим малакасини оширишга бўлган истагини кўрсатиш;
- ҳамкорликка тайёр маъсулиятли бўлиш.

3.5. Муаммоли ўқитиш услуби.

Кейинги йилларда педагогика фани ва амалиётида таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда фаоллаштиришга йўналтирилган фаол методларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга катта эътибор қаратиляпти.

Ўқитишда энг самарали методларидан бири бу муаммоли ўқитишдир.

Муаммоли ўқитиш деганда машғулотларда педагог томондан яратиладиган вазиятлар ва уларни ечишга қаратилган талабаларнинг фаол мустақил фаолияти тушунилади. Бунинг натижасида талабалар касбий билим ва кўникмаларга эга бўладилар ва фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Албатта талабаларнинг дарсларга қанчалик даражада фаол қатнашиш ёки қатнашмаслиги талабага жуда боғлиқ. Лекин бунда ўқитувчи тайёр билимни талабаларга бериб қолади холос. Умуман олганда талабаларнинг активлиги сезиларли даражада эмас. Шунинг учун ҳам ўқитувчи томонидан қўлланиладиган ҳар қандай уриниш етарли даражада самара бермаслиги мумкин. Бундай ҳолатда қандай йўл тутиш мумкин. Албатта ўқитиш жараёнида жуда кўп усулларни қўллаш мумкин. Лекин дарсларни муаммоли қилиб ўтиш ана шу юқорида айтилган камчиликлардан холис бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир талаба дарснинг моҳиятини тушуниб олиши ва уни олдида маълум бир муаммо ўқитувчи томонидан қўйилиши керак. Бу қўйилган муаммонинг қанчалик даражада талабаларга ижодий интилишни уйғотиши албатта муаммонинг характериға боғлиқ. Бунда ҳар бир талаба ўз олдида турган муаммони била туриб уни ижобий ечишга ҳаракат қилиши керак. Ўқитувчи эса бу жараёни кузатиб бориб, тегишли маслаҳат ва йўналишларни кўрсатиши керак.

Ҳозирги замонавий дарсларнинг энг характерли томони ҳам шундадир. Муаммоли ўқитишни бошқариш педагогик маҳоратни талаб этади, чунки муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиш - индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндашувни талаб этади.

Муаммоли дарсларнинг яна бир характерли томони шундаки, бу методни қўллаш билан фақатгина талабалар билимини ўстирибгина қолмай, балки талабаларда шу фанга қизиқиш уйғонади.

Педагог муаммоли вазият яратади, талабани уни ечишга йўналтиради, ечимни излашни ташкил этади. Муаммоли ўқитишни бошқариш, педагогик маҳоратни талаб этади, чунки муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши - индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндашувни талаб этади.

Муаммоли вазият яратишнинг услубий йўллари қуйидагилар:

- қарама-қаршиликларга олиб келинади ва талабалар ўзларига ечим йўллари излаш таклиф этилади;
- иштирокчиларга, ҳодисага турли хил ҳолатлардан баҳо бериш таклиф этилади;
- муаммоли назарий ва амалий топшириқлар аниқланади;
- таққослаш умумлаштириш ва хулосалар чиқариш;
- аниқ саволлар қўйилади.

Таълимнинг муаммоли – қидирув услублари амалда билимни сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалиёт услублар ёрдамида амалга оширилади. Шу билан биргаликда ўқув материални муаммоли баён қилиш услубини қўллаш, амалий муаммоли – қидирув ишларини бажариш, ҳатто тадқиқот типигаги амалларни олиб бориш тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Ўқув материални муаммоли услуб ёрдамида ўтиш муаммоли тузилган маъруза услуби орқали билим баёни давомида мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, фактларни таҳлил қилиш, талаба фикрини ўз ортидан эргаштириш, уни фаолроқ қилиш каби усуллардан фойдаланишни кўзда тутати.

Муаммоли таълим услубларидан бири эвристик ва муаммоли қидирув суҳбати ҳисобланади. Бунда ўқитувчи (педагог) талабалар олдига қатор изчил ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган саволлар мажмуини қўяди. Талабалар уларга жавоб берганда қандайдир шаклларни айтадилар. Айтганлари тўғри эканлигини мустақил исботлашга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга янги билимларни ўзлаштиришда мустақил равишда олдинга силжишни амалга оширадилар. Агар эвристик суҳбатда бундай тахминлар янги

мавзунинг фақатгина бирор қисмига алоқадор бўлса, муаммоли-қидирув суҳбатда талабалар муаммоли вазиятнинг бутун бир тизимини ечадилар. Шунинг учун ҳам бу суҳбатларнинг фарқи шартли ва фақатгина муаммоли вазиятда қўлланиш тадбирларига тааллуқлидир.

Таълимнинг муаммоли – қидирув услубларида кўргазмали қўлланмалар эса сақлашни фаоллаштириш мақсадида эмас, балки дарсда муаммоли вазиятни яратадиган экспериментал масалаларни қўйиш учун ишлатилади. Бундан ташқари, кейинги пайтда расмлар ва чизмалар тизими кўринишида муайян ўқув вазиятлари тасвирларининг кўргазмали қўлланмалари кўп тайёрланмоқда. Бу усулда талабаларнинг мустақил фикрлашининг устувор сабабларини аниқлаш осон кўчади.

Муаммоли - қидирув услублари кўпроқ ижодий билим фаолияти кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Улар талабаларнинг билимни чуқур англашига, мустақил эгаллашига ёрдам беради. Бу услублар, айниқса, қуйидаги ҳолларда самарали қўлланилади: ўқув жараёнида тушунча, қонун ва назария қабиларни шакллантириш кўзда тутилганда, фактик ахборотни маълум қилиш, меҳнат фаолиятининг лаборатория-экспериментал ўқув ва кўникмаларини ҳосил қилишда, ўқув материалнинг мазмуни принципиал жиҳатдан янги бўлмасдан, илгари ўрганилганининг мантикий давоми бўлса, унинг асосида талабалар янги билимни қидириш учун мустақил қадам ташласа, мазмун ҳодисадаги сабаб-оқибат ва бошқаларга олиб келса.

3.6. Модулли ўқитиш методи

«Модули ўқитиш» термини халқаро тушунча модул билан боғлиқ бўлиб, унинг битта маъноси - фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Бу маънода у, модулли ўқитишнинг асосий воситаси сифатида, тугалланган информация блоки сифатида тушунилади.

Модул фанининг фундаментал тушунчаларини – маълум ходиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади.

Модул бу ўқув материалнинг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилгандир.

Ҳар бир модул маърузавий машғулотлар ва шу билан боғлиқ бўлган амалий (семинар), лаборатория машғулотларидан иборат бўлади.

Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали, ўқитишни табақалаш имконияти яратилади. Яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади.

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истикболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у талабаларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимида энг яхши мослашгандир (20).

Модулли ўқитиш, касбий таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади [98].

- Модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш, дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- касбга қизиқтириш асосида, фаоллаштириш, мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;

- талабалар тайёргарлиги даражасига;
- кутиладиган натижалар баҳосига;
- дидактик материалларнинг ишлаб чиқирилишига;
- модуллар натижаси ва таҳлилига.

Модулли ўқитиш, фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқирилиши такозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулоти маърузалар билан бирга тузирилиши, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

Модулни ўқитишнинг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишнинг қуйидаги усуллари қўллаш мумкин:

- муаммоли мулоқотлар;
- эвристик суҳбатлар;
- ўқув ўйинлар;
- лойиҳалаш ва йўналтирувчи матнлар ва ҳоказо.

Модулли ўқитишда талабаларни ўз қобилиятига кўра билим олиши учун тўла зарур шарт-шароитлар яратилади.

Модулли ёндашув ўқитувчи учун маълум даражада дарслик функциясини бажарувчи ўқув қўлланмалар ва ўқув материалларини ишлаб чиқиришда ҳам қўлланиши мумкин. Махсус фанлар бўйича амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўқув амалиётларини ўтказишда қўлланиладиган ўқув материаллари бўйича намунавий модуллар 1- иловада келтирилган. Ушбу ўқув материалларининг афзаллиги шундаки, модул бўйича амалга ошириладиган ҳар бир фаолият тури хариталар кўринишида берилиб, улар асосан талабанинг мустақил равишда амалий ишларни бажариш, тажрибалар ўтказишга йўналтирилиш имкониятини беради.

3.7. Дастурлаштирилган ўқитиш методи.

Дастурлаштирилган ўқитиш - бу дастурлаштирилган ўқув материалларнинг ўқитувчи (компьютерлар, электрон дарслик , кинотринажер ва бошқалар) ёрдамида бошқарадиган ўзлаштиришдир.

Дастурлаштирилган ўқитиш тамойилларга ажралади.

- Бошқарувчи тузилмаларнинг маълум даражасидаги иерархияси қуйидаги масъулиятли вазиятларда педагог тизимни бошқаради: фандан умумий йўналишни белгилаш, фанга муносабат, индивидуал ёрдам ва тузатишлар киритиш;

- Педагог ва талабага зарур бўлган тезкор тескари алоқа, бирига ўқув материалани тушуниш учун иккинчисига тузатишлар киритиш учун.

Тескари алоқа икки хил шаклда амалга оширилади. Ички ва ташқи кўринишда. Ички тескари алоқа – талабанинг ўзи томонидан бажариладиган, ўқув материалларнинг ўзлаштирилишини муттасил таҳлил қилиб бориш. Ташқи тескари алоқа – педагог ёки бошқарувчи - ўқитувчи ўурилма томонидан ўқув материалларнинг талаба томонидан ўзлаштирилишини муттасил баҳолаб бориш.

- Ўқув материалларини қадамлаб берувчи технологик жараён асосида ишлаб чиқилган ўқитувчи дастурлар. Бу эса, ўқув материалларини дастурда алоҳида мустақил, аммо ўзаро боғлиқ қисмлар кўринишида шаклланишини англатади. Қадам ўзаро боғлиқ учта звенодан иборат: ахборот, тескари алоқа элементи ва назорат изчил қадамли ўқув амаллари йиғиндиси ўқитувчи дастурни – дастурлаштирилган ўқитиш асосини ташкил этади.
- Ўқитишнинг индивидуаллигини турли хил вақтда бўлса ҳам, ўқув материалларнинг тўла ўзлаштирилиши таъминланади. Чунки ўқитиш, суръати, ўқув материалларнинг ҳар бир талаба томонидан ўзлаштирилиши индивидуалдир.

- Ўқитувчи (ўргатувчи) воситалардан фойдаланиш. Дастурлаштирилган ўқитиш технологиясининг хусусияти шундаки, ўқув материали талабалар томонидан назорат топшириқларини ўз ичига олган унча катта бўлмаган блоклар бўйича ўзлаштирилади.

Дастурлаштирилган ўқитиш жараёнида талабалар жуда фаол ишлайдилар. Талабалар эгаллаган билим албатта олдиндан тузилган дастурнинг қанчалик даражада тўғрилигига боғлиқ. Дастурлаштирилган ўқитишнинг яна бир хусусияти шундаки, у ўқитувчига жуда катта имкониятлар очиб беради, яъни, ўқитувчи ижодий ишларини олиб бориши ҳамда талабалар билан кўпроқ мустақил ишлаши учун имконият яратилади.

Дастурлаштирилган ўқитишнинг асосий афзалликларида бири доимо ўз-ўзини назорат қилиш ва талабаларнинг материал устида ишлаш жараёнида уларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришлари устидан назорат қилишдир. Талабалар ўз-ўзларини назорат қилишлари бажарилган жараён натижаларини намуна билан солиштириб кўриш орқали амалга оширилади; намуна эса дастурнинг ҳар бир қадамдаги ички тескари алоқа материалларида келтирилади. Ташки тескари алоқани амалга ошириш, яъни ўқитувчи томонидан назорат қилиш анча мураккаб ишдир. Назорат қилишнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида турли хил назорат қилувчи қурилмалари қўлланилади.

Назорат қилувчи қурилмалари сифатида компьютер ишлатилади. Талабалар билимини текшириш мақсадида ҳар бир мавзу охирида, ўқув материали охирида ўқитувчи тест саволлари ва уларнинг тўғри жавоб кодини киритиши керак. Шунинг учун ҳам талаба ўқитувчининг иштирокисиз объектив равишда ўз-ўзини назорат қила олмайди, чунки у саволнинг тўғри жавоби кодини қурилмага киритиш учун бу жавобни олдиндан билиши керак.

3.8. Мутахассислик фанларини ўқишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш

Ўқитиш жараёнини электрон воситалари ёрдамида қўллаб-қувватлаш соҳасидаги тизимли изланишлар 30 йилдан кўпроқ тарихга эга. Бу вақт давомида АҚШ, Канада, Англия, Франция, Япония ва бошқа бир қатор давлатларда ахборот ва телекоммуникацион техниканинг турли типларига мўлжалланган ўқув компьютер тизимлари ишлаб чиқилган. Дастлаб электрон воситалар йирик саноат корхоналарида, ҳарбий ва фуқаролик ташкилотларида қўлланилган. Хорижий давлатларда услубий ва ахборот-дастурли воситаларни ишлаб чиқиш учун юқори малакали психологлар, педагоглар, компьютер дизайнерлари ва бошқа мутахассислар жалб этилган. Етакчи корхона ва фирмалар ўқув юртларида компьютерли ўқув тизимларини яратиш лойиҳаларини молиялаштиришган ва бу соҳада изланишлар олиб боришган. Илк ўқув электрон дастурли воситаларни яратиш учун бевосита дастурлаштириш технологиясидан фойдаланилган. Дастурчи сифатида кўпинча олий ўқув юртларининг юқори босқич таълим олувчилари ва илмий ходимлар иштирок этишган. Кейинроқ ўзида универсал муҳитни тасвирлайдиган, уларни ўқув-услубий материаллар билан тўлдириш имкониятини берадиган қатламлар юзага келди. Қатламлар бевосита дастурлаштиришни талаб қилмаса ҳам ёки ҳар бир ўқитувчи электрон ўқув дастурли воситасини тайёрлай олса ҳам бундай муҳитлар кенг тарқалмади. Электрон ўқув воситаларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш дастлаб иккита асосий йўналиш бўйича ривожланган. Биринчи йўналиш доирасида турли ўқув фанлари бўйича автоматлаштирилган таълим бериш тизимлари ишлаб чиқилиб ўқув жараёнига тадбиқ этилган. Бундай автоматлаштирилган таълим бериш тизимларининг ядроси бўлиб, педагогларга ўз ўқув-услубий материални ўрганишни махсуслаштирилган тиллар ёки бошқа асбобли воситалар ёрдамида дастурлаштириш имконини берувчи муаллифлик тизимлари ҳисобланади. Компьютер

технологиясини таълим беришга жорий қилишнинг иккинчи йўналиши турли соҳаларни ахборотлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқ. Ушбу йўналиш доирасига алоҳида компьютерли ўқув дастурлари, автоматлаштирилган тизимлар элементлари, объектлар ва жараёнлар таркибини математик моделлаштириш киради. Ўтган асрнинг 80-чи йилларидан бошлаб ўқитишни ахборотлаштиришнинг санъат интеллектини ишланмаларига асосланган интеллектуал ўқитиш тизимларини яратиш ва қўллаш билан боғлиқ бўлган янги йўналиши жадал ривожланган. XX асрнинг 80-чи йилларида компьютерларнинг кенг тарқалиши таълим соҳасида нафақат янги техникавий, балки дидактик имкониятларни ҳам яратди. Компьютерларнинг асосий афзалликлари уларнинг яқинлашувчанлиги, мулоқотнинг оддийлиги ва албатта, графикавий имкониятларидир. Ўқув компьютер тизимларида графикавий иллюстрацияларни қўллаш фақат таълим оловчиларга ахборотни узатиш тезлигини ошириш ва уни тушуниш интенсивлигини ошириш имкониятини бериб қолмасдан, балки, уларда интуиция, сезгирлик, образли фикрлаш каби қобилиятларни ҳам ривожлантиради. Хотира ҳажми катта бўлган электрон воситалар ва глобал телекоммуникацион муҳитларнинг пайдо бўлиши ўз ичига гиперматнли, мультимедиа ва гипермедиа технологияларни, виртуал тизимларни қўллайдиган ўқув дастурли воситаларни яратишга олиб келди. Бундай тизимлардан фойдаланиш лазерли компакт дискларда электрон дастурлар, маълумотномалар, китоблар ва бошқа манбаларни кўплаб ададлаштириш имкониятини яратди. Шу билан бирга ҳозирги вақтда электрон ўқув воситалари соҳасида ўқув-услугий ишланмалар технологик ишланмалардан кейинга қолмоқда. Бундай ортда қолиш табиийдир, чунки таълим жараёнини электрон воситалари ёрдамида қўллаб-қувватлаш фанлараро интеграциялашувни таъминлашни талаб этади. Айнан услубий муаммоларни ечишдаги ортда қолиш таълимда янги ахборот ва коммуникацион технологияларни қўллашнинг потенциал ва реал имкониятлари орасидаги узилишнинг асосий сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Таълимни ахборотлаштириш замонавий босқичининг тенденцияларидан бири бўлиб, электрон маълумотларни, энциклопедиялар, таълим берувчи дастурлар, таълим оловчилар билимини автоматик назорат қилиш воситалари, электрон ўқув нашри сифатида кўриб чиқиладиган ягона дастурли услубий мажмуалардаги электрон дарсликлар, тренажерлар ва виртуал стендлар каби электрон воситаларни яратишга интилиш ҳисобланади.

Мамлакатимиз ўқув юртига кириб келаётган замонавий компьютерлар асосида ўқув юртиларини ахборотлаштиришга интилиш жараёни таълимда электрон таълим ресурсларини яратиш учун йўл очиб берди.

Асосий электрон таълим ресурслари бўлган электрон ўқув адабиётлари (электрон дарслик ёки ўқув қўлланма) га тўхталамиз.

Электрон ўқув адабиётлари - замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган манба ҳисобланади.

Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг ривожлангани сари мазмунини тез ўзгарувчан, чуқурлаштирилиб ўқитиладиган умумқасбий ва мутахассислик фанлари бўйича асосан кам ададли электрон ўқув адабиётларини тайёрлаш ўқитиш жараёнида яхши самара беради .

Электрон ўқув адабиётлари билим оловчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва қўшимча маълумотлар билан таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Таълимни ислоҳ қилиш шундай электрон ўқув адабиётларини яратишни талаб қиладигани уларнинг мавжуд бўлиши таълим оловчилар ва ўқитувчилар учун, таълим муассаси ва уй шароитида бир хил бўлган компьютерли муҳитни таъминлашни тақоза этади.

Электрон дарслик (ЭД) - компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган

Ўқитиш мақсадларига боғлиқ равишда электрон дарсликнинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин:

- аниқ бир фанга мўлжалланган электрон дарслик;
- компьютер ўқув хонасидан алоҳида фанларни ўқитиш учун мўлжалланган электрон дарслик;
- ўқув материални очик ўрганишда бирор фаннинг алоҳида бўлимларини (модулларини) ўрганиш учун мўлжалланган электрон дарслик;
- ўқув материали билан бирга электрон тренажерлар, виртуал стендлар, мультимедиялар берилган аниқ бир фанга мўлжаллаган электрон дарслик;
- ижодий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган электрон автоматлаштирилган тизимлар;

Мутахассислик фанларидан яратиладиган электрон дарсликлар таълим жараёнида қуйидаги ижобий натижани беради:

- ўрганилаётган материални анъанавий ўқув адабиётларига нисбатан индуктив ёндашиш, эшитиш ва эмоционал хотираларга таъсир қилиш йўллари билан етказиш орқали тушунишни енгиллаштиради;

- таълим оловчиларнинг эҳтиёжига, тайёргарлик даражасига, интеллектуал имкониятларига мослаштирилади;

- ўқув предметининг моҳиятига диққатни жалб этган ҳолда кўп сондаги маълумотларни ва топшириқларни қараб чиқиш ва кўпроқ амалий масалалар ечишга имкон яратган ҳолда мураккаб ҳисоблашлар ва алмаштиришлардан холос этади;

- ўрганишнинг барча босқичларида ўзини-ўзи текшириб кўриш учун кенг имкониятларни яратади;

- ишни чиройли, аниқ расмийлаштиришларга ва уни ўқитувчига файл ёки қоғозга чоп этган ҳолда топширишига имкон беради;

- тажрибали ўқитувчи вазифасини чекланмаган тушунтиришларни, саноксиз такрорлашларни, эслатишларни тақдим этган ҳолда бажаради.

Электрон дарслик ихтисослашган ўқув хоналарида ўтказиладиган амалий машғулотлар учун қуйидаги қулай имкониятларни яратади:

- компьютерли қўллаб қувватлашлардан фойдаланган ҳолда катта миқдордаги топшириқларни бажаришга, ечимларни ва уларнинг график талқинини таҳлил қилиш учун зарур бўлган вақтдан озод бўлади;
- ўқитувчининг раҳбарлик ва маслаҳатчи сифатида қатнашиб компьютер олдида мустақил иш шаклида машғулот ўтказиш имконини яратади;
- ўқитувчига компьютер ёрдамида таълим оловчилар билимини тез ва самарали назоратдан ўтказишига имкон беради;
- ўқитувчига назарий ва амалий машғулотларда ўзининг хоҳиши бўйича ҳажми жиҳатидан кичик аммо таркиби бўйича ўта муҳим бўлган материалларни етказишига, таълим оловчиларнинг аудитория машғулотлари доирасидан ташқари ўрганиш мумкин бўлган масалаларни ечишда мустақил шуғулланишлари учун имкон яратилади;
- ўқитувчини уй топшириқларини, турли ҳисоблашларни ва назорат ишларни текшириш каби машаққатли ишлардан озод этади;
- таълим оловчилар билан айниқса уй топшириқлари ва назорат ишлари қисмига оид ишлашни индивидуаллаштиришга имкон беради.

2 БОБ. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАР

2. Гуруҳий ишлаш. Ўқитиш жараёнида гуруҳ бўлиб ишлаш методининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Фанлар бўйича назарий билимларни беришда ва амалий машғулотларни ўтказишда гуруҳий ишлар олиб борилиши мумкин. Бу борада барча таълим олувчилар бир неча кичикроқ ўқув гуруҳларига тақсимланади ва бу гуруҳлар мустақил ишлайдилар. Кичик гуруҳларнинг иш натижалари кейинроқ бутун гуруҳ доирасида муҳокама қилиниши мумкин.

Гуруҳий ишлар махсус билимлар билан бир қаторда амалий кўникмалар ўрганилиши керак бўлганда, шунингдек таълим олувчиларда мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш учун қўлланилади. Бир нечта таълим олувчилар биргаликда ишлаган пайтда, уларнинг шахсий хусусиятлари ва характерлари орасида ўзаро ҳамкорлик вужудга келади. Шунинг учун гуруҳий иш ташкил қилиш кўра мураккаброкдир.

Гуруҳли бўлиб ишлашда иккита ҳолат фарқланади:

- бир хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ иши;
- бир хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ иши

Бир хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ ишида бир неча гуруҳларга бир хил топшириқлар берилади. Топшириқ ва машқларни ечиш шароитлари ҳам бир хил бўлади. Шундай қилиб ҳар хил ечимлар гуруҳ иши тугаганидан сўнг бир-бири билан таққосланиши мумкин. Кўпинча бундай ҳолларда рақобат ҳолати юзага келади. Ечим топилиши вақтида эса рақибликка ўхшаш ҳолатлар вужудга келади. Бу ерда муҳим нарса шуки, гуруҳлардаги таълим олувчиларнинг билим ва кўникмалари имкон қадар бир хил бўлиши керак.

Ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ ишида бериладиган иш топшириғи бир неча қисмларга бўлинади. Фақат бу қисмлар бирлаштирилгандагина топшириқнинг мазмуни аниқ кўринади.

Ҳар бир гуруҳ бу ҳолда қисман топшириқ олади ва мустақил равишда унинг устида ишлайди. Лекин бу ҳолда ишларнинг тақсимооти анча мураккаб бўлади, ечимга таъсир қилувчи кўпинча фарқ шарт-шароитлар ва фарқлар ҳосил бўлади.

Бундай ёндашувда бир гуруҳ таълим олувчилари фақат ўзларига берилган топшириқларни билишади ҳолос, яъни бошқа гуруҳлар ишлари ҳақида деярли хабарлари бўлмайди. Шунинг учун ҳам натижалар қисман бирлаштирилиши зарур.

Гуруҳий ишда берилган топшириқлар пухталиқ билан ўйлаб чиқилган бўлиши керак, чунки уларда таълим олувчилар орасида мулоқот ва ҳамкорлик қобилиятини ривожлантириш каби мақсадлар бор. Гуруҳий иш учун қуйидаги ўқитиш шакллари мос келади:

1. Устахона шаклидаги гуруҳий иш:

Устахонада бажариладиган амалий машғулот доирасидаги вазиятга ўхшаш келажак фаолият бўйича сценарийлар ва муаммолар ишлаб чиқилади. Бунинг учун долзарб муаммолар ўрганиб чиқилиши керак. Бу муаммолар таълим олувчиларнинг дастлабки билимлар даражасини инобатга олган ҳолда ва ижодий фикрлаш билан боғлиқ ҳолда таълим олувчиларни ечимларга ундашлари керак.

2. «Режа ўйини» шаклидаги гуруҳий иш:

«Режа ўйинлари» белгиланган вазиятда турли хил ечимларни синаб кўриш имконини беради. Таълим олувчилар бунда муаммога бўлган ҳар хил таъсирлар натижага қандай таъсир қилишини ўрганади. Бунинг учун сабаб ва оқибат бир-бири билан боғлиқ равишда кўрилиши керак. Масалан ҳар хил компьютер дастурлари орқали корхона ва фирмалар фаолияти соҳасидаги масалаларни «ўйин орқали» синаб кўриш имкониятини яратади. Таълим олувчилар ўйин жараёнида ўзаро рақобат муносабатида бўладилар.

3. Лойиҳа шаклидаги гуруҳий иш:

Лойиҳавий иш бир лойиҳани аниқ белгиланган чегара доирасида ишлаб чиқишни талаб қилади. Лойиҳа шаклидаги гуруҳий иш жуда ҳам катта аҳамиятга эга, чунки бунда вазифалар топшириқлар мажмуаси бўйича аниқ тақсимланиши керак бўлади.

3.Мунозара методи жараёнида юзага келадиган баҳслашиш фикрлашнинг ифодаси бўлибгина қолмай, шаклланиб келаётган шахс ўзининг бирор нарсани ҳал этиш, мустақилликда катталар билан тенг ҳуқуқли эканлигини ёклаш эҳтиёжидир. Дарс жараёнидаги баҳс чоғида ўқитувчи таълим олувчилар билан баравар ҳақиқат изловчиси бўлиб ҳаракат қилади. Ана шу баҳсда у ўз билимини намойиш этади, кенг фикрлайди, фикрларни далиллар билан асослайди, бу фазилатлар эса таълим олувчилар ўртасида ўзаро катта ҳурмат уйғотади. Баҳс жараёнида ҳар бир таълим олувчининг «шахсий фикри», ўз мавқеини ифодалаш ва асослаш малакаси юксак қадрланади.

4. Машқ методи. Машқ - бу ўтилган ўқув материалларини амалиётда қўллаш мақсадида, режали ташкил этилган амалларни кўп маротаба бажаришдир. Ушбу методнинг афзаллиги шундан иборатки, у, кўникма ва малакаларни самарали шаклланишини таъминлайди

Машқ-кўникма ва маҳоратларнинг ташкил этувчилари бўлганлиги каби ишлаб чиқариш таълимининг ҳам асосий методи бўлиб ҳисобланган машқлар билан шаклланади. **Машқ** деганда онгли равишда маълум бир фаолият методи бўйича амалий ҳаракатларни кўп марталаб такрорлаш тушунилади.

Таълим олувчиларнинг мустақил кузатуви. Бу метод асосан мураккаб тузилишдаги жихозларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ касбни эгалламокчи бўлган таълим олувчиларнинг ишлаб чиқариш таълимида қўлланилади.

Кузатув таълим олувчилар томонидан мустақил равишда, ишлаб чиқариш таълими устасининг назорати ва унинг кўрсатмалари бўйича ўтказилади. Топшириқда одатда мустақил кузатувлар мақсади қўйилади, уларни ўтказиш тартиби кўрсатилади ва кузатувлар натижаларини қайд қилиш бўйича кўрсатмалар берилади .

Машқларни қуйидаги турларидан фойдаланилади.

4.1. Шарҳланган машқлар ўқув жараёнини фаоллаштиришга, вазифаларини онгли равишда бажарилишига хизмат қилади. Ушбу машқларнинг моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи ва таълим олувчилар бажарилаётган ишларни шарҳлайдилар, натижада улар ўзлаштирилади ва тушуниб етилади. Аввал бунга энг яхши таълим олувчилар жалб этилади, кейин эса ўқув материални тушунтиришда бутун гуруҳ иштирок этади. Шарҳланган машқлар методи ўқув машғулотининг юқори суръатини таъминлайди, материални барча таълим олувчилар томонидан онгли ва мустақил равишда, мустаҳкам ўзлаштирилишига ёрдам беради.

4.2. Оғзаки машқлар таълим олувчиларнинг нутқ маданияти ва мантикий тафаккурини тараққий эттириш, ижодий қобилиятларин ривожлантириш уларнинг билиш имкониятлари билан боғлиқ.

4.3. Ёзма машқларнинг асосий вазифаси – керакли кўникма ва малакаларни шакллантириш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

4.4. График машқлар ишлаб чиқариш жараёнлари босқичларини ўрганиш жараёнида ишлатилади.

4.5. Лаборатория-амалий машқлар меҳнат асбоблари, лаборатория ускуналари (жихозлар, ўлчов аппаратлари) фойдаланиш малакаларини эгаллашга имкон беради, конструкторлик-техник маҳоратни ривожлантиради.

4.6. Ишлаб чиқариш - меҳнат машқлари ўқув ва ишлаб чиқариш характеридаги алоҳида ишлаб чиқилган тармоқни ташкил этади. Улар оддий ва мураккаб бўлади: биринчиси – алоҳида меҳнат методларини бажариш машқлари, иккинчиси – ишлаб чиқариш – меҳнат ишларини бутунлигича ёки уларнинг талай қисмини (станокларни созлаш, детал қисмларини тайёрлаш ва ҳ.к.) кўзда тутилган.

5.Ишбилармонлик ёки ролли (вазиятли) ўйин.

Ишбилармонлик ёки ролли вазиятли ўйинлар – муаммоли вазифанинг бир тури бўлиб фақатгина матнли ўқув материали ўрнига таълим олувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият саҳналаштирилади.

Ишбилармонлик ва ролли вазиятли ўйинлар таълим методи сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- **ўргатувчи:** умумтаълим маҳоратни шакллантириш; ижодий қобилиятни ўстириш; шу жумладан: янги вазиятларни тушунтириш, аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- **ривожлантирувчи:** мантиқий тафаккурни, нутқни, атроф-муҳит шароитига ўрганиш қобилиятини ўстириш;
- **мотивацион:** таълим олувчиларни ўқув фаолиятига ундамоқ, мустақил хулосага келишишга рағбатлантирмоқ;
- **тарбиявий:** маъсулиятни, мустақилликни шакллантириш.

6. Муаммоли вазифалар методи

Муаммоли вазифалар методи – таълим олувчиларга муаммоли вазиятларни ва уларнинг фаол билиш фаолиятини ташкил этишга асосланган методдир. У, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинчалик қарор қабул қилишдан иборат. Бу методнинг етакчи функцияларига қуйидагилар киради:

- ўргатувчи: билимларни долзарблаштиришга асосланган;
- ривожлантирувчи таълим олувчиларда таҳлилий тафаккурни, алоҳида далиллар орқасидаги ҳодиса ва қонунийликни кўра билишни шакллантириш;
- тарбияловчи: коммуникатив кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалар методи таълим олувчиларнинг мустақил ишларини мураккаблаштиришга, асосланган: илмий тушунчаларни, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш асосида ётган у ёки бошқа материални чуқур мантиқий таҳлил қилишга асосланган.

Муаммоли вазифа ҳаётдан олинган далилларни, маъруза ва вазиятни ўрганишдан, алоҳида инсонлар ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг манфаатларини кўзлашдан иборат бўлиши мумкин.

7. Топшириқ методи.

Топшириқ методининг ижобий томони шундаки, унда таълим олувчилар учун яқка ҳолда эмас, гуруҳ билан биргаликда ўтилган материални қайта кўриб чиқиб, эсга туширишлари учун шароит яратилади. Бунда таълим олувчилар билмаган ёки ёддан чиқарган билимларини бир-бирларидан ўрганадилар. Мустақил бажаришга мўлжалланган топшириқлар ўқув семестри давомида таълим олувчилар томонидан амалга оширилиб борилса, таълим олувчилар материални ёдларига тушириб, якуний назоратларни яхши топширишларига ёрдам беради.

Таълим олувчиларнинг мустақил ишлашларини ривожлантирувчи яна бир самарали топшириқ тури – бу муаммоли топшириқлардир.

Муаммолар ечими бўйича ишлаш қуйидаги тартибда бўлиши мумкин.

1. Таълим олувчилар гуруҳларда ишлайдилар. Уларга умумий ечим, мустақил қарор қабул қилишни талаб этадиган муаммоли матн ёки топшириқ берилади.
2. Таълим олувчилар муаммо ечимини муҳокама қиладилар ва биргаликда муаммо ечими бўйича умумий қарорга келишга ҳаракат қиладилар.
3. Кейин гуруҳлар бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашадилар.

Бундай турдаги топшириқлар одатда қизиқарли муҳокамаларга олиб келади, таълим олувчиларнинг дунёқараши, мулоҳаза юритиш, ўз фикри ва ёндашувини исботлаш, қарор қабул қилиш ва умуман мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиради. Ўқитувчи фақат топшириқ шартлари билан таништиради, қолган ишларни эса таълим олувчилар ўзлари бажаришади.

Бундай вазифаларни бажариш учун таълим олувчилар аудиториядан ташқари мустақил изланишларни талаб этилади ва шу билан касбий ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга рағбатлантирилади. Лойиҳавий ишлар учун мавзу ва топшириқлар ҳаётий воқеа, далиллар ва намуналардан олинishi мумкин. Топшириқлар турли шаклларда ишлаб чиқариш ва ташкил этилиши мумкин.

10.Йўналтирувчи матн методи. Бу метод ёрдамида мустақил ўрганиш имконияти яратилади ва ҳар бир таълим олувчи янги кўникма учун керак бўлган билимни олиши мумкин бўлади .

Йўналтирувчи матн методи таълим олувчиларга индивидуал ёндашиш ва мустақил ишлаш имконини беради. Бу методда ўқув материални ўрганиш ёки мустақил иш топшириқларини бажариш таълим олувчи томонидан қуйидаги 6 босқичда амалга оширилади .

1). Маълумот йиғиш. Бу босқичда ўқитувчи таълим олувчиларга керакли барча манбаларни ва саволлар ва топшириқлар варағини беради. Ушбу варақда таълим олувчиларга маълумотларни босқичма-босқич йиғиш тартиби саволлар ёки топшириқлар шаклида берилиши керак.

Таълим олувчилар ўзларига берилган иш топшириғини таҳлил қилиб, дарсликлар, ўқув-услубий кўрсатмалар, схемалар ва жадваллар, техник ҳужжатлар асосида иш босқичлари ёки керакли жиҳозлар ҳақида маълумот йиғади. Бунинг учун улар йўналтирувчи саволлар ёки топшириқлардан берилган вазифа таърифи ва ўқув мақсадлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишлари керак.

2). Режалаштириш. Бу босқичда таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини тузишлари, яъни иш топшириғини ҳал қилишга қаратилган ўзларининг бажарадиган иш босқичларини (масалан, ишлов бериш жараёни, материал, жиҳозлар ва ёрдамчи воситалар) режалаштиришлари лозим. Таълим олувчилар бу ерда ўзларининг дастлабки назарий билимларига таянадилар ва шахсий ёзувларидан фойдаланиладилар.

3). Қарор қабул қилиш. Таълим олувчилар ўқитувчи билан биргаликда режани амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишади. Агар муаммони ечишда турли ечимлар юзага келса, у ҳолда энг унумли ечим танланади. Ўқитувчи доимо маслаҳатчи сифатида қатнашиши керак.

4). Амалга ошириш. Бу босқичда иш топшириғини тузилган режага мувофиқ бажаришади. Ўқитувчи эса уларнинг ишини назорат қилиб туриши лозим.

5). Текшириш. Таълим олувчилар бажарган топшириқлари натижаларини ўзлари текшириб (масалан сифат кўрсаткичларини) "Баҳолаш варағига" қайд қилишлари ва бир-бирларининг ишини текширишлари мумкин. Ўқитувчи натижаларни "Хулосалар варағига" ёзиб қўяди.

6). Хулоса чиқариш. Ўқитувчи иш жараёни ва натижаларни таҳлил қилиб якуний суҳбат ўтказади ва кейинги сафар қайси жиҳатларда эътибор бериш кераклигини айтиб ўтади.

Ўқув жараёнини бундай босқичларга бўлиниши таълим олувчиларга мустақил ўрганишга туртки беради.

11. Видеометод

Видеометод – ахборотни кўпроқ кўргазмалли ўзлаштиришга асосланган бўлиб, унда кинескоп, кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телевидениеси, видеомангитафон, ахборотни дисплейда акс эттирувчи компьютерлардан фойдаланилади.

Ўқув жараёнида видеометоддан фойдаланиш, сизнинг таълим-тарбиявий вазифаларни унумли ечишингизни таъминлайди:

- янги билимларни баён этиш, яъни жуда секин кечадиган жараёнлар билан танишиш, бевосита кузатиш мумкин бўлмаган (ўсимликлар ўсиши, суюқликда

диффузия ҳодисаси ва ҳ.к.), шунингдек, тез содир бўладиган жараёнлар, бевосита кузатишлар ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бера олмаган ҳолда (қайишқоқ таналарнинг урилиши, моддаларнинг кристалланиши ва ҳ.к.) қўлланилади;

- мураккаб механизмлар ва машиналарнинг ишлаш тамойилларини динамикада тушунтириш;
- турли хил иш фаолиятини бажариш алгоритминини тушунтириш;
- чет тили дарсларида ўзига хос тил муҳитини яратиш;
- видеохужжатларни тақдим этиш;
- машқ қилиш ишларини бажариш, жараёнларни моделлаштириш, керакли ўлчамларни олиб бориш;
- ўқув-машқ ва тадқиқот ишларини олиб бориш учун маълумотлар базасини (банкни) яратиш.

12. Ўқув адабиётлари билан ишлаш

Китоб билан ишлаш методи таълим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш, асослаш функциялар бажарилди. У ўқув адабиётлари билан мустақил ишлашда топшириқлар асосан ўқув машғулотида сизнинг раҳбарлигингиз остида, ёки уйда, мустақил равишда бажарилиши керак.

Уйда ўқув адабиёти билан ишлаш вазифасини таълим олувчилар олдида қўйишдан аввал, улар китоб билан ишлашнинг қуйидаги методларини ўргатиш керак:

- унинг тузилиши билан танишиш
- кўз югуртириб чиқиш
- алоҳида бобларни ўқиш
- саволларга жавоб қидириш
- материални ўрганиш
- реферат ёзиш
- қисқача баён тузиш
- вазифа ва машқларни ечиш
- тест синовларини бажариш
- материални хотирада сақлаб қолиш.

13. “Тўрт поғонали” метод – амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёнининг тўрт поғона доирасида кечадиган методидир.

Бу метод таълим олувчиларга бир хилда такрорланадиган қўл кўникмаларини тез ва мукамал ўрганиб олишларига ёрдам беради. “Тўрт поғонали” метод қўлланилганда, таълим олувчилар иложи борица оддий операциялар билан таништирилади, сўнг уни такрорлайдилар ва то мукамал ўзлаштирагунча машқ қиладилар. Ушбу метод қуйидаги босқичлардан иборат:

- тушунтириш;
- нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш;
- кўрсатилган тарзда қайтариш;
- машқ қилиш.

Муҳандис-педагог фаолияти:

- тушунтириш;
- кўрсатиб бериш;
- атоларни тузатиш;
- баҳолаш.

Таълим олувчи фаолияти:

- тинглаш;
- кузатиш;

- такрорлаш;
- машқ қилиш.

“Тўрт поғонали” методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. “Тушунтириш” босқичида муҳандис-педагог таълим олувчиларга аввал оддий операция босқичини тушунтириб беради.
2. “Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш” босқичида муҳандис-педагог таълим олувчиларга топшириқни қандай бажариш кераклигини амалда кўрсатиб беради.
3. Учинчи босқичда таълим олувчилар муҳандис-педагог кўрсатган иш ҳаракатларини такрорлайди. Муҳандис-педагог таълим олувчилар бажараётган ҳаракатлар юзасидан ўз фикрини билдириб, ҳатоларини тўғрилаб туради.
4. “Машқ қилиш” босқичида таълим олувчиларнинг ҳатти-ҳаракати муҳандис-педагог томонидан назорат қилиб борилади. Таълим олувчилар иш амалларини мукамал ўзлаштирганларидан сўнг, уни мустақил бажарадилар.

“Тўрт поғонали” методнинг асосий белгиси-таълим олувчиларнинг ҳаракатлари муҳандис-педагог кўрсатиб берган ҳаракатлар лоираси билан чекланганлигидадир.

“Тўрт поғонали” методнинг афзалликлари:

- таълим олувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришда ёрдам беради;
- вақтдан унумли фойдаланиш имконияти мавжуд;
- оддий иш босқичларини ўзлаштириш даражаси юқори бўлади.

“Тўрт поғонали” методнинг камчиликлари:

- таълим олувчиларнинг ҳаракатлари таълим берувчи кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланиб қолади;
- таълим олувчилар якка тартибда ўрганишга йўналтириладилар, лекин мустақил фикрлаш имконияти чегараланган бўлади;
- иш босқичларини амалга оширишда ҳеч қандай янгича ёндашувларга йўл қўйилмайди.

14. Лаборатория методи

Лаборатория методи – бу шундай таълим методикаси, унда таълим олувчи ўқитувчи раҳбарлигида олдиндан белгиланган режа асосида тажрибалар ўтказиш ёки амалий вазифаларни бажаради ва шу жараёнда янги билимни англайди ва тушуниб етади.

Лаборатория методининг асосий функцияси - ўргатиш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Бу методни қўллаш билан, биз таълим олувчиларни қуйидаги имкониятлар билан таъминлаймиз:

- асбоб-ускуналардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини эгаллаш;
- мустақил тадқиқотнинг янги йўллари танлаш ва маълум бўлганларини текшириш;
- амалий малакаларни эгаллаш: ўлчаш ва ҳисоблаш, натижаларни қайта ишлаш ва игариги олинганлари билан таққослаш.

Айниқса, муаммоли (тадқиқий) лаборатория методи самаралидир, бунда таълим олувчилар ўзлари гипотезани илгари сурадилар, уни амалга ошириш йўлини аниқлайдилар, керакли асбоб-ускуналар ва материалларни танлайдилар.

Лаборатория иши вақтида таълим олувчилардан намоиш методига қараганда анча катта фаоллик ва мустақиллик талаб қилинади, улар бу ерда сушт кузатувчи бўлиб эмас, тадқиқотларнинг қатнашчиси ва бажарувчиси сифатида ҳаракат қиладилар.

Лаборатория методи мураккабдир. У, махсус ва кўпинча қиммат ускуналар бўлишини, сизни ва таълим олувчиларни пухта тайёргарлик кўришини талаб қилади. Ундан фойдаланиш жуда кўп энергия ва вақтни сарфлаш билан боғлиқ. Шунинг учун, лаборатория методини режалаштирган пайтингизда, мустақил тадқиқотнинг самараси,

оддий ва тежамкор йўл билан таълим олишдан юқори бўлиши ёки бўлмаслигига аниқ ишонч ҳосил қилишингиз керак.

15. Сухбат

Сухбат – ўқитиш ва ўқишнинг диалогик, савол-жавоб методи.

Бу методнинг етакчи функцияси – мотивация қилиш: аниқ мақсадни кўзда тутадиган ва моҳирона қўйилган саволлар ёрдамида сиз таълим олувчиларни ўз билимларини берилган мавзу бўйича эсга олиш ва баён этишга, сизнинг раҳбарлигингизда бошқа таълим олувчилар билан муҳокама қилишга ундайсиз.

Таълим олувчилар, сиз билан бирга, кадамма-кадам янги билимларни мустақил фикрлаш, хулоса чиқариш, якунлаш ва умумлаштириш йўли билан ўзлаштирадilar ва тушунадilar.

Сухбатнинг афзаллиги яна шундан иборатки, у, фикр юритишни максимал фаоллаштиради, таълим олувчининг билим олиш кучини тараккий эттиришга имкон беради.

Белгиланган мақсади бўйича сухбатлар қуйидагиларга бўлинади:

- кириш ёки ташкил қилувчи (дидактик вазифаси: таълим олувчиларни машғулотда ишлашга тайёрлаш);
- янги билимлардан хабардор қилиш (дидактик вазифаси: таълим олувчиларни янги материал билан таништириш);
- синтезловчи ёки мустаҳкамловчи (дидактик вазифаси: таълим олувчилар томонидан билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш, эслаб қолиш ва англаш).

16. “Давра сухбати” методи.

“Давра сухбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сухбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси” ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сухбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашга ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра сухбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “жавоб варақаси” нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчи узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ваёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

“Давра сухбати” методининг тузилмаси қуйидагича:

- Сухбатни ўтказиш шартлари билан таништириш;
- Конвертлар ва “Жавоблар варақалари” ни тарқатиш;
- Конвертларга саволлар ёзиш;
- Конвертни ёнидаги талабага узатиш;
- Саволларга жавоб ёзиш;

- Баҳолаш ва таҳлил қилиш.

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади. Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

17. Пинборд (инглизчадан: pin-мустаҳкамлаш; board-доска)

Бу ўқитиш услубининг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий метод билан боғланиб кетади. Унинг афзаллик функциялари – ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифадир: таълим олувчиларда мулоқат юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

18. Индивидуал (амалий) метод

Индивидуал (амалий) метод лаборатория методидан шуниси билан фарқланадики, унда кўпинча, таълим олувчилар фаолиятида олинган билимларини амалий вазифани ечишга қаратадилар. Назариётни амалда тадбиқ қила билиш биринчи ўринга чиқади. Ушбу метод билимни, маҳоратни чуқурлаштириш вазифасини бажаради, шунингдек, ўрганиш фаолиятини кучайтиришни таъминлайди. Амалий метод таълим олувчиларни вазифаларни

виждонлилик билан бажаришга, меҳнат жараёнини пухта ташкил этишга бошқа методлардан кўра кўпроқ кўмаклашади. (иш сифатини синчиклаб текшириш, хулосаларни таҳлил қилиш).

19. “Ишбоп ўйин” методи.

“Ишбоп ўйин” методи – берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларни қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкilot вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг хулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларни имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаволиятларини ўзлаштириш имкониятига ҳар эга бўлади. Ишбоп ўйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми қатъий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларни белгилайди. Ишбоп ўйинда ҳар бир иштирокчи аллоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гуруҳ характерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган натижаларига қараб баҳоланади. Қуйида “Ишбоп ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.

- Ўйин шартлари ва баҳолаш мезонлари билан таништириш;
- Вазифаларни тақсимлаш;
- Вазифалар бўйича иштирокчилар қарор қабул қиладилар;
- Ўйинни амалга ошириш;
- Муҳокама қилиш; баҳолаш.

“Ишбоп ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу танлайди, мақсад ва натижаларни аниқлайди. Қатнашчилар учун йўриқномалар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.
2. Таълим олувчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари натижаларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.
3. Таълим олувчиларга вазифаларни тақсимлайди, маслаҳатлар беради.
4. Таълим олувчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.
5. Таълим олувчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга оширадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан кузатади.
6. Ўйин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади. Экспертларнинг хулосалари таингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.
7. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.

Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилган вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намоиш эта олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсата олиши керак.

“Ишбоп ўйин” методининг афзалликлари:

- Таълим олувчиларнинг билимларини ва тажрибаларини, қарашлари ва хулқлари орқали ифода этишга ёрдам беради;
- Таълим олувчининг бошланғич билимлари тажибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият яратилади;
- Таълим олувчилар ўз билимлари доирасидан келиб чиққан ҳолда имкониятларини намоиш этишлари учун шароит яратади.

“Ишбоп ўйин” методининг камчиликлари:

- Таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади; вақт кўп сарфланади;
- Танланган мавзу таълим олувчининг билим даражасига мос келиши талаб

- этилади;
- Таълим олувчининг ҳис-ҳаяжони тўғри қарор қабул қилишга ҳалакит бериши мумкин.

20. Лойиҳалар методи

Лойиҳалар методи билим ва малакаларни, таҳлил қилиш ва баҳолашни амалий қўллашни назарда тутувчи таълимнинг мажмуавий методини амалга оширади. Бошқа методларга қараганда, бу методда таълим олувчилар режалаштиришда, ташкил қилишда, текширишда, таҳлил қилишда ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар.

Лойиҳалар методида таълим беришда фақат натижалар эмас, балки жараённинг ўзи кўпроқ қимматлироқдир. Лойиҳа индивидуал бўлиши мумкин, лекин, одатда ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.

Лойиҳа бир фанга оид, фанлар орасида ёки фандан ташқари бўлиши мумкин.

Лойиҳа устида ишлаш жараёнида, сизнинг фаолиятингиз қуйидагилардан иборат бўлади:

- таълим олувчиларга ахборот қидиришга ёрдам бериш;
- ўзингиз ахборот манбаи бўлишингиз;
- бутун жараёни мувофиқлаштиришингиз;
- таълим олувчиларни қувватлашингиз ва тақдирлашингиз;
- узлуксиз қайтар алоқани қўллаб-қувватлашингиз.

Лойиҳали таълим бериш ўқув жараёнини фаоллаштиради, чунки у:

- шахсга йўналтирилган;
- жуда кўп дидактик ёндашувлардан фойдаланилади;
- ўзини-ўзидан мотивлайдиган, бу ишга қизиқиш ва жалб қилинишни унинг бажарилишига қараб ортиши демакдир;
- ўзининг ва ўзгаларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ва аниқ ишда ўрганишга имкон беради;
- ўз меҳнатлари самарасини кўриб турган таълим олувчиларга қониқиш келтиради.

21. Блум саволлари. Таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг муҳим омили – ўқитувчининг уларга ва таълим олувчиларнинг ўзаро бир – бирига берадиган саволлари экан. Таъкидланишича, ўқитувчиларни таълим олувчиларга беришган саволларининг 80 – 85 фоизи, фақат далилий билимларнигина талаб қилиб, улар жавоб беришда хотирада қолганларини такроран сўзлаш (башорат) билангина чекланар эканлар.

Тўғри жавоби ўқув адабиётларида яққол баён этилмаган ёки ўқитувчи томонидан айтиб берилмаган саволгина таълим олувчини фикрлашга мажбур қилади. Бундай саволларга жаҳон педагогикасида “Блум саволлари” номи билан машҳур ва ўзлаштиришнинг олти; билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез ва баҳолашдаражаларига мувофиқ бўлган саволлар мисол бўлиши мумкин. Масалан: “нима учун?”, “таққосланг?”, “таркиб қисмларга ажратинг?”, “энг муҳим хусусиятлари нима?”, “буни сиз қандай ҳал қилган бўлардингиз?”, “бунга мунособатингиз қандай?”, каби саволлар таълим олувчиларга юқори интеллектуал амаллар (таҳлил, синтез, баҳолаш) даражасида фикрлашга ундайди. Ёки, матндан парча ўқиб бўлгандан сўнг, таълим олувчиларни фикрлашга ундовчи қуйидаги саволларни бериш ҳам мақсадга мувофиқдир: “бу парчага қандай саволар қўйиш мумкин?”, “сиз муаллифга қандай савол берган бўлардингиз?”.

Таълим олувчининг таълим олувчиларга берадиган саволлари тўғрисида фикр юритилар экан, унинг аниқ, лўнда, тушунарли ва ихчам бўлиши ҳамда бир савол фақат

битта ўқув элементи (тушунча, қонун, қоида ва ҳ.к.) сўралиши зарурлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Берилган саволлар мазмунида мавзуга ёки матнга оид таянч сўз ва иборалардан фойдаланиш ҳам муҳимдир.

22. Синквейн (ахборотни йиғиш). Ўрганилаётган материални тўлақон ва пухта англаш учун қўлланиладиган интерфаол методларидан бири бўлиб ҳисобланади. Синквейн – французча беш қатор ўзига хос, қофиясиз шеър бўлиб, унда ўрганилаётган тушунча (ҳодиса, воқеа, мавзу) тўғрисидаги ахборотёйилган ва йиғилган ҳолда, таълим олувчи сўзи билан, турли вариантларда ва турли нуқтаи назар орқали ифодаланади. Синквейн тузиш – мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир нечагина сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган малакадир. Синквейн тузиш жараёни мавзунини пухтароқ англашга ёрдам бериш билан бирга, таълим олувчиларнинг критик фикрлаш қобилиятини юқори даражада ривожлантиради.

Синквейн тузиш қоидаси:

1. Биринчи қаторда мавзу (топширик) бир сўз, одатда от билан ифодаланади (ким?, нима?).
2. Иккинчи қаторга мавзуга оид иккита сифат ёзилади (қандай?, қанақа?).
3. Учинчи қаторда мавзу доирасидаги ҳатти – ҳаракат (функцияси – вазифасини англатувчи) учта сўз (феъл) билан ифодаланади.
4. Тўртинчи қаторга мавзуга нисбатан тасаввур (ассоциация)ни англатувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган фикр (сезги) ёзилади.
5. Охириги мавзуга моҳиятини такрорлайдиган, маъноси унга ўхшаш бўлган битта сўз (синоним) ёзилади.

1.5.2. Ижодий изланиш методлари

Ижодий изланиш методларидан паст ўзлаштирувчи талабаларга қисман бўлсада, секин-аста оддий топшириқларни мураккаблаштириб бориш орқали таълим беришдан самарали фойдаланиш мумкин. Ушбу методда топшириқларни босқичма-босқич тайёрлаш, талабаларда паст даражада шаклланган кўникмаларни шакллантирибгина қолмасдан, уларни тасаввур қила олиш, таянч билимларни ўзлаштиришга асосланган муаммоли ўрганишни аста-секин эгаллаб боришларига пойдевор яратади. Талабалар таҳлил қила олиш, умумлаштириш, таққослай олиш, муаммоли вазиятдан чиқа олиш, фараз қила олиш каби тафаккурий қобилиятларнинг ривожланиши тайёрланиб борадилар.

Талабанинг ушбу соҳадаги қобилиятларини ривожлантириб боришлари учун баъзи алоҳида усулларга, масалан, ҳодисалар, жараёнлар, объектлар, нарсалар моҳиятини тушуниш ва тушунтириш ушбу ҳодисаларнинг сабаблари, оқибатлари тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Талабаларга ижодий фикрлаш хусусиятларини тараққий қилдириб бориш учун, муаммоли топшириқлар, илмий фаразларни қўйиб бора олиш кабиларни ишониб топшириш бориш лозим бўлади.

Оғзаки мустақил топшириқлар. Дарслик бўйича материални ўрганиш ва такрорлаш, чизмалар ва схемаларни ўқиш, турли техник адабиётлар, ҳужжатлар ва материалларни ўрганиш асосида ўқитувчи саволларига жавоблар тайёрлаш, таҳлил қилиш кабилар киради. Материалларни англаб мустақамлаш ва ёдлашга мўлжалланган

Ёзма мустақил топшириқлар. Ҳисоблаш учун берилган вазифаларни бажариш, умумлаштирувчи ва такрорланувчи жадвалларни тўлдириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, лаборатория, амалий ишлар тўғрисида ҳисоботлар тузиш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

Графикавий мустақил топшириқлар. Уларга турли чизмачилик ишларини эскизлаштириш, кесмалар ва кесишмаларни тасвирлаш, айрим детал ва тугунларни

чизиб кўрсатиш ва ҳ.к), схемалар, графиклар, диаграммаларни тузиш, кузатиш натижаларини тасвирлаш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

Амалий характердаги мустақил топшириқлар. Талабалар ўқитувчи топшириғи асосида мустақил ишни бажариш жараёнида маълум детал тайёрлайдилар, тугун ва механизмларни йиғиб, техник жараёнларни ишлаб чиқадилар. Ушбу ишларни бажарганда талабалар асбоб-ускуналарни танлаш, ишлов бериш режасини аниқлаш ва ҳисоблаш, янги мосламалар ва асбоб-ускуна конструкциясини такомиллаштириш, макет, модел ва намуналар ясаш каби ишларни амалга оширадилар.

АМАЛИЙ ДАРС ИШЛАНМАСИ

Машғулот мавзуси: Кийим моделини яратишда безак берувчи элементлар: аппликация, гажим тайёрлаш ва безаш.

Машғулот мақсадлари:

Таълимий: Ўқувчиларда аппликация тайёрлаш ва тикиш усуллари, гуллари, шакллари, рангларининг мужассамлаштирилиши ҳақида билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Тарбиявий: Ўқувчиларни ўз-ўзини назорат қилиш, меҳнатга масъулият ва ижодий ёндашишга, газламаларни исроф қилмаслик ва тежашга, жиҳозлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш.

Ривожлантирувчи: Ўқувчиларни мустақил ҳолда бичиш-тикиш ишларини тўғри ва тез бажаришга ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

Машғулот шакли: Кичик гуруҳларда ва индивидуал ишлаш.

Машғулот учун ажратилган вақт: 4 соат.

Машғулот ўтиш жойи: ўқув хонаси, ўқув устахонаси.

Дидактик воситалар: стол, стул, махсус йўрмаш машиналари, тикилган аппликация намуналари, сидирға ва гулдор газламалар, елимли қотирма, елимли пакет, махсус қоғоз, ип дазмол, игна.

Машғулотнинг бориши.

I. Ташкилий қисм – 10 дақиқа.

Саломлашиш, ўқувчилар давоматини аниқлаш, иш ўринлари ва амалий хонасининг санитария-гигиена ҳолатини кўздан кечириш. Ўқувчиларга ўтган мавзу бўйича саволлар бериб фаоллаштиради.

II. Машғулот 1 қисми - 50 дақиқа

Машғулот мавзуси, мақсади, машғулотдан кутиладиган натижалар, уни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тушунтириш, ўқувчиларга баҳолаш мезонларини эълон қилиш.

Ўқувчиларнинг ўтилган мавзуларга оид билимларини аниқлайди. Бунинг учун ўтган мавзуга оид саволлар беради. Ўқувчиларни фаоллаштиради, жавобларни тинглайди. Мустақил фикрини эшитишини ташкил қилади. Йўл-йўриқ ва тавсиялар беради. Ўтган мавзуга оид билимларини мустаҳкамлайди.

Ўқувчиларнинг ишлашлари учун зарур дидактик қўлланмалар, йўл-йўриқ, кўрсатма хариталар, илмий адабиётлар, стол, доска, таълимнинг техник воситалар мавжуд бўлган ўқув устахонасида ўтказилади.

Ўқитувчи ўқувчиларга машғулотнинг умумий мазмуни ва уни ўтказиш тартибини тушунтиради. Машғулотлар “Йўналтирувчи матн” усули ва ижодий топшириқларни қўллаб ўтказилади.

Ҳар бири 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинадилар. “Йўналтирувчи матн” усули 6 босқичда амалга оширилади.

1. Маълумот йи\иш. Бу бос=ичда ы=итувчи ы=увчиларга керакли барча манбаларни ва саволлар ва топшириқлар вара\ини беради. Ушбу варақда ы=увчиларга маълумотларни бос=ичма-бос=ич йи\иш тартиби саволлар ёки топшириқлар шаклида берилиши керак.

Ы=увчилар ызларига берилган иш топшири\ини ташлил =илиб, дарсликлар, ы=ув-услубий кырсатмалар, схемалар ва жадваллар, техник шужжатлар асосида иш бос=ичлари ёки керакли жищозлар ха=ида маълумот йи\ади. Бунинг учун улар йыналти-рувчи саволлар ёки топшириқлардан берилган вазифа таърифи ва ы=ув ма=садлари ща=идаги маълумотлардан фойдаланишлари керак.

2. Режалаштириш. Бу бос=ичда ы=увчилар муста=ил равишда иш режасини тузишлари, яъни иш топшири\ини щал =илишга =аратилган ызларининг бажарадиган иш бос=ичларини (масалан, ишлов бериш жараёни, материал, жищозлар ва ёрдамчи воситалар) режалаштиришлари лозим. Ы=увчилар бу ерда ызларининг дастлабки назарий билимларига таянадилар ва шахсий ёзувларидан фойдаланиладилар.

3. +арор =абул =илиш. Ы=увчилар ы=итувчи билан биргаликда режани амалга ошириш ты\рисида =арор =абул =илишади. Агар муаммони ечишда турли ечимлар юзага келса, у щолда энг унумли ечим танланади. Ы=итувчи доимо маслащатчи сифатида =атнашиши керак.

4. Амалга ошириш. Бу бос=ичда иш топшири\ини тузилган режага мувофи=бажаришади. Ы=итувчи эса уларнинг ишини назорат =илиб туриши лозим.

5. Текшириш. Ы=увчилар бажарган топшири=лари натижаларини ызлари текши-риб (масалан сифат кырсаткичларини) "Бащолаш вара\ига" =айд =илишлари ва бир-

бирларининг ишини текширишлари мумкин. Ўқитувчи натижаларни "Хулосалар варағига" ёзиб беради.

6. Хулоса чиқариш. Ўқитувчи иш жараёни ва натижаларни таҳлил қилиб якуний ҳисобот ёзганда ва кейинги сафар қайси жиҳатларда эътибор бериш кераклигини айтиб беради.

Маъмулотнинг II қисми – 80 дақиқа.

Кийим моделини яратишда безак берувчи элементлар: аппликация, ғажим тайёрлаш ва безаш бўйича ижодий топшириқларни бажаради. Техника ва меҳнат хавфсизлиги ҳамда санитария-гигиена қоидалари, модел яратишда безак берувчи элементлар: аппликация, ғажим тайёрлаш тартиби ва иш жараёнида йўл қўйиладиган нуқсонлар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида маълумот берилади.

Кичик гуруҳлар ҳар бирига ижодий топшириқлар берилади. Кичик гуруҳлардаги ҳар бир ўқувчи кичик ижодий топшириқни бажаради. Безак берувчи элементларни тикиш учун ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳига мато бўлаклари ва технологик хариталар берилади.

Кичик гуруҳи етакчиси ишларни тақсимлайди. Бичиш-тикиш ишларини бажариш учун вақт белгилайди. Ишлаб чиқариш таълими устаси ёки ўқитувчи ўқувчилар ишини кузатиб туради. Ишни сифатли бажарган ўқувчилар рағбатлантирилади.

Ҳар бир гуруҳ ўқувчилари ҳар бири тайёр бўлган аппликацияларни, ғажимларни белгиланган вақт давомида тайёрлашлари керак. Уста ёки ўқитувчи тийёр аппликацияларни, ғажимларни тайёр маҳсулотларни текшириб, уларни маълум мезонлар асосида баҳолайдилар. Ҳар бир топшириқни бажаришда ижодий ёндашув ҳам алоҳида баҳолалиши керак.

Ишни ҳар бир ўқувчи тайёрланаётган ижодий иш маҳсули сифатида бирон маҳсулот ёки композиция яратади. Ўқувчилар бажарган ишни баҳолаш орқали уларнинг мустақил ва ижодий қобилиятлари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиши мумкин.

Ўқувчилар ишини қуйидаги тарзда баҳолаш ҳам мумкин: ўқувчи ишни бажара олмади (55 % дан паст), бажарди (56-71 %), яхши бажарди (72-85 %), аъло даражада бажарди (86-100 %).

IV. Якуний йўриқнома – 5 дақиқа.

Гуруҳ ўқувчилари тўплаган баллар эълон қилиниб, ғолиб гуруҳ рағбатлантирилади. Бажарилган ишларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинади, йўл қўйилган хатоликлар сабаблари аниқланади ва бартараф этиш йўллари тушунтирилади.

Уйда бажариш учун топшириқ берилади. Устахонадаги нарсалар йиғиштирилиб, тартибга келтирилади.

Баҳолаш мезонлари

№	Бажариладиган амаллар номи	Ажратилган вақт	Баҳолаш мезонлари
1	Топшириқ бўйича керакли маълумотларни йиғиш.		10 балл
2	Ишни режалаштириш.		10 балл
3	Ишни бажариш бўйича қарор =абул =илиш		10 балл
4	Топшириқни амалга ошириш.		10 балл
5	Бажарилган ишни текшириш.		10 балл
6	Иш натижаси бўйича хулоса чиқариш.		10 балл
7	Мавзу бўйича ижодий топшириқлар бажарилиши.		40 балл
8	Натижаси.		20 балл
	ЖАМИ:		100 балл

Касб-ҳунар коллежларининг «Тикувчилик ишлаб чиқариш йўналиши «Кийимни моделлелаштириш ва бадий безак» фанидан ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган назарий машғулот технологик харитаси

1.2-жадвал

Мавзу: «Кийим моделини яратишда рангларнинг тутган ўрни

Дарс босқичи	Вақт (мин)	Таълим усуллари	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти
1.Ташкилий қисм	10	Ақлий ҳужум	1.1. Ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текширади.Мавзунинг мақсади ва вазифаларни эълон қилади, тушунтиради. 1.2. Мавзуга кириш учун олдинги билимларни фаоллаштиради. Саволлар беради. Мавзуга оид қизиқарли маълумотлар ва янгиликлар келтиради.	Тинглайди, саволлар беради, тушунмаган жойларини ўқитувчидан сўрайди. Тинглайди, асосий маълумотларни ўзида қайд этиб, ёзиб олади, тушунмаган жойларини ўқитувчидан сурайди.
2. Асосий қисм:	60	Мотивация	2.1. Мавзуга мотивацияни уйғотади. Мавзу бўйича асосий ўқув материални баён қилади. Кийим моделини яратишда рангларнинг тутган ўрни ҳақида асосий тушунчаларни беради.	Тинглайдилар, асосий маълумотларни узида қайд этиб ёзиб олади. Тушунмаган жойларини ўқитувчидан сурайди.
		Мунозара	2.2. Муаммоли саволларни киритади. Саволлар ечими бўйича мунозарани ташкил этади. Масалан ўқувчиларга ранглар, уларни танлаш ҳақида савол беради, ўз жавобларни асослаб беришни сўрайди, жавобларни умумлашти-ради, хулосалайди.	Мунозарада иштирок этади. Бошқа ўқувчилар фикрини тинглайди, саволлар беради, жавобларини асослайди.
		Кичик гуруҳларда ишлаш. 1-кичик гуруҳ	2.3. Ҳар бири 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларни шакллантиради. Ҳар бир кичик гуруҳга турли хил муаммоли ёки ижодий топшириқлар беради. Улар билан бирга саволларига жавоб излайди. 1.Рангларнинг бир-бирига мувофиқ тушишини қандай тушунасиз? 2. Кийимни моделида рангларнинг тутган ўрни ва аҳамиятини қандай изоҳлайсиз? 3. Бўёқ билан асосий ва ҳосила рангларини ҳосил қилинг.	Кичик гуруҳлар берилган саволлар ва ижодий топшириқлар устида ишлайдилар, тушунмаган ҳолатда ўқитувчидан сўрайди. Берилган савол ёки топшириқ бўйича мустақил равишда дарслик, қўлланма ва бошқа манбалар билан ишлайдилар. Тушунмаган ҳолатда ўқитувчига мурожаат қилади. Дафтарига тегишли маълумотларни ёзади. Ижодий топшириқларни бажарадилар.

		2-кичик гуруҳ	1. Сизнингча кийим моделини танлашда рангларни аҳамияти борми? 2. Рангларнинг турларини тавсифлаб беринг. 3. Бўёқ орқали хроматик ранглар чизиб кўрсатинг ва ахроматик ранглардан фарқини ажратинг 1..... 2....	
		п-кичик гуруҳ	2.4. Тақдимотни ташкил этади, гуруҳларни тинглайди, саволлар беради. Ўқувчиларни музокарага жалб этади.	Ҳар бир гуруҳ савол ва ижодий топшириқлар натижалари бўйича тақдимот қиладилар. Савол ва ижодий топшириқ бўйича йўл қўйилган хатоларни тузатадилар
3.Якуний қисм	10		3.1.Мавзу бўйича ўқув мақсадларини эслатиб ўтади, мавзуга оид қўшимчалар, тўлдиришларни баён қилади. Мавзу бўйича якуний хулосани амалга оширади. Ўқувчиларни баҳолайди.	Тинглайдилар, саволлар беради, янги маълумотларни дафтарига қайд қилади.

Саволлар ва топшириқлар

5. Мутахассислик фанларининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
6. Касбий техникавий тушунчалар асосини нималар ташкил этади?
7. Мутахассислик фанларнинг мазмуни ва моҳиятига кўра қайси гуруҳларга ажратиш мумкин?
8. Мутахассислик фанларини умумтаълим ва умумкасбий фанлардан фарқи нимада?
9. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикасида қайси илмий тадқиқот методларидан фойдаланилади?
10. Илмий педагогик изланишлар жараёни неча босқичдан иборат?
11. Педагогик сўраш методига тушунча беринг?
12. Ўқитишда назария билан амалиётнинг боғлиқлигини қандай тушунасиш?
13. Мутахассислик фанлари ўқув-услубий мажмуасининг асосий функцияси нимадан иборат?

Савол ва топшириқлар

1. Таълимни фаоллаштиришнинг асосий аҳамияти нимада?
2. Фаол таълим деганда нима тушунилади?
3. Амалиётда ўқув-билиш фаолияти қандай даражаларда бўлинади?

4. Йўналтирувчи матн усули доирасида ҳаракатлар қандай тарзда амалга оширилади?
5. Лойиҳа усули билан йўналтирувчи усули ўртасидаги фарқ нима?
6. Лойиҳа усулининг афзаллиги нима?
7. Таълимда электрон ўқув адабиётларини қўллашнинг моҳияти ва афзаллиги нимада?
8. Электрон дарслик амалий машғулотларда қўлланилганда қандай имкониятлар яратилади?

*Китоб ҳар қандай билимнинг
жони ва юраги, ҳар қандай
фаннинг ибтидосидир.*

СТЕФАН ЦВЕЙГ

4-БОБ. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИДАН ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

4.1. Модулли технология асосида ўқув адабиётларни яратиш имкониятлари

Ўқитишда замонавий педагогик технологияларни жорий этилиши дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни яратувчилардан бошқача илмий методик ёндашувни талаб этади.

Замонавий ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш орқали биз мутахассислик фанлари дарслиги янги авлодини яратиш муаммоларини кетма-кет ва аниқ ечиш имкониятига эга бўламиз.

Мутахассислик фанларидан ўқув адабиётларини яратиш ва ўқитиш методикасига доир ўтказилган изланишлар шуни кўрсатдики, таълим олувчиларда касбий билим ва кўникмаларни шакллантиришда модулли ўқитиш технологиясини қўллаш яхши самара беради.

Мутахассислик фанларидан модулли технология асосида ўқув адабиётларининг яратилиши ва таълим жараёнига жорий этилишида модулли ўқитиш тизими тўлиқ амалга оширилади. Биринчи навбатда мутахассислик фанининг модулли ўқув дастури

ишлаб чиқилади ва шу дастур асосида тегишли дарслик ёки ўқув қўлланмалар яратилади.


Модулли ўқув дастурида мутахассислик фанига тегишли битта фаолият турига тегишли бир-бирига боғлиқ мавзулар гуруҳланади.

Мутахассислик фани таркибидаги ҳар бир модул ўзида бир ёки бир нечта фундаментал тушунчаларни ва фаолият турини ўрганишга қаратилган назарий билимлар ва шу назарий билимларни эгаллашга қўмаклашиши билан амалий машғулотлар, ҳамда билим ва кўникмаларни баҳолаш тизимини қамраб олади.

Модулли технология асосида ўқув адабиётларини яратишда ҳар бир модул таълим олувчиларда мустақил тафаккур юритиш, мустақил режалаштириш ва муаммоларни ечиш йўлларини таклиф қилиши, ҳамда билимларни касбий фаолиятга қўллаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Ҳар бир модулда ўқув дастурига мос равишдаги қоидалар ўз аксини топиши, таълим мазмунини барча ташкил этувчилари қамраб олиниши, ўзлаштиришни ташкил қилиш аппарати бўлиши ва мазмуннинг аниқ тузилмавий тизими сақланиши керак. Демак, модулда маълум бир фаолият турининг мазмуни ва усуллари умумлаштирилган бўлиши, ҳамда сифатли ишлаб чиқилган услубий аппарат иштирок этиши керак. Дарсликдаги ҳар бир модул таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини фаоллаштириш ва қизиқтириш, мустақил ўрганиш, ўқув материални тўлиқ ўзлаштириш ва индивидуал ишлаш имкониятини яратиш каби масалаларни ечиши керак.

Мутахассислик фани дарслигининг модулли тузилмасини 3-расм орқали тасвирлаш мумкин.

1. Кириш дарсликнинг зарурий қисми бўлиб ҳисобланади. Унда фаннинг бутун жамият ва ҳар бир бўлажак кичик мутахассис келажакдаги касбий фаолиятининг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилиши лозим. Мутахассислик фанлари дарсликларининг муқаддималарида фанга тегишли бўлган ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва ривожланиши, бошқа фанлар билан боғлиқлиги, мутахассислар тайёрлаш жараёнида фаннинг роли, ушбу фанни ўрганишнинг келгусидаги мақсади, дарсликдан фойдаланишда эътибор бериш керак бўлган муаммолар, ўрганиш давомида қўлланиладиган услуб ва усуллар очиб берилади. Дарсликдаги модулларни ўзлаштиришда таянч билимлар мазмуни ва ҳажми кўрсатиб берилиши, ҳамда мустақил ишни ташкил қилиш бўйича тавсиялар бўлиши керак.



3-расм. Мутахассислик фани дарслигининг модулли тузилмаси

Кириш тушунарли, қисқа, икки, уч бетдан ошмаган ҳажмда бўлиши керак. Аникроғи, муқаддимада:

- мутахассислик фани ҳақида тушунча берилади;
- мутахассислик фанини ўрганиш зарурияти асосланади;
- мутахассислик фанига тегишли бўлган ишлаб чиқаришнинг замонавий ривожланиши тўғрисида маълумотлар берилади;
- мутахассислик ва бошқа фанлар билан ўрганиладиган материалнинг устуворлиги очиқ берилади;
- бу фаннинг амалиёт билан ўзаро алоқаси, амалий вазиятларда олинган билим ва малакаларни қўллаш усуллари ҳақида сўз юритилади.

2. Модулнинг ўқув мақсадларини белгилашда ҳар бир модулнинг ўқув мақсадлари таълим олувчиларнинг мутахассислик фани бўйича эгаллаши керак бўлган билим ва кўникмалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқирилиши керак. Назарий ва амалий ўқув материаллари эса модулни ўзлаштиришда аниқ мақсадга йўналтирилади. Бу жараёнлар аввалдан белгиланган муайян ўрганиш мақсадларига эришиш учун олиб борилади. Агар ўқув мақсадлари белгиланмаса, у ҳолда модулнинг мазмуний ва дидактик тузилиши бузилади.

Ҳар бир модул бўйича таянч ибораларни алоҳида кўрсатиш лозим. Ҳар бир таянч иборани, ўрганилиш чуқурлигини ўрнатиш зарур бўлади. Яъни таълим олувчи қайсидир таянч иборани билиш даражасида, бошқасини қўллаш, айрим таянч ибораларни баҳолаш даражасида ўзлаштирилиши керак бўлади.

3. Модулдаги назарий ва амалий ўқув материаллар, изоҳлар, луғатлар. Назарий ўқув материалларида модулга тегишли фаолият тури назарий жиҳатдан ёритилиши керак. Модулда ўрганилиши лозим бўлган бирон бир машина ёки қурилманинг тузилиши ва ишлаш принципи ёки таъмирлаш ва созлаш усуллари, уларни лойиҳалаш асослари, ҳисоблашлар, фаолият тури бўйича бажариладиган технологик жараёнлар, маҳсулотларга ишлов бериш усуллари ва кетма-кетлиги, меҳнат хавфсизлиги қоидалари назарий жиҳатдан тўлиқ ёритилиши керак. Амалий ўқув материалларида модулни ўзлаштиришда ва мустақил тарзда билимлар олишда ўқувчи бажарадиган амалий фаолият усуллари, тажриба ва экспериментларни ўтказиш методлари баён қилиниши ҳамда кўрсатмалар, тавсиялар берилиши керак. Шунингдек, талабаларда касбий кўникма ва маҳоратларни шакллантириш учун ҳақиқий объектлар билан ўзаро ҳаракат усуллари ва ҳаётий тажрибалар батафсил баён этилади. Таълим олувчиларнинг бевосита амалий ишларни бажаришлари учун шундай услубий тавсиялар берилиши керакки, ундан улар маълум кўникма ва маҳоратларни эгаллашлари учун ўзларининг билимларини амалиётга қўллашни ўрганишлари керак.

Назарий ва амалий матнларда модул мазмуни аниқ акс эттирилиши, таълим олувчиларга кейинги модулга ўтишда қизиқишни уйғотиши, ва таъсурот қолдирадиган бўлиши керак.

Модулда изоҳлар, луғатлар берилиши ўқув материални ўзлаштиришни осонлаштиради.

Изоҳлар, таълим олувчиларнинг модулни мустақил ўрганишлари учун, шароитлар яратиб бериши керак. Изоҳлар маълумотлар кўринишида расмийлаштирилади. Бироқ шуни ҳам инобатга олиш керакки, изоҳларнинг ҳажми катталиги ва даврий такрорланиши таълим олувчиларга фикрларини бир жойга жамлашни қийинлаштиради, материални тўлиқлигича қабул қилишларини қийинлаштиради, асосий матнга диққатни жалб қилишга ҳалақит қилади.

Модулни ўзлаштиришда атамашунослик, таржимали ва техникавий луғатларнинг берилиши матндаги янги атамаларни, тушунисига ёрдам беради.

4. Саволлар, тестлар, топшириқлар ва машқлар. Ҳар бир модулда таълим олувчиларнинг ўз-ўзини текшириш ва билимларини мустаҳкамлаш учун саволлар, тестлар, мустақил ишлаш учун амалий топшириқлар ёки машқлар ва уларни бажариш учун услубий кўрсатма ва тавсиялар бўлиши керак. Саволлар таълим олувчиларни билим олишга қизиқишларини, мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга, таққослаш, синтез, таҳлил қилиш усулларида фойдалана олиш маҳоратларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Тестларни қуйидаги йўналишларда тузилиши тавсия этилади.

- модулнинг ўқув мақсадларига эришилганлигини аниқлаш тестлари;
- интелект ва қобилиятларни аниқлаш тестлари;
- ўқувчининг касбига лаёқатли эканлигини аниқлаш тестлари;
- ўқувчининг мотив, ижтимоий қадриятлари ва қарашларини аниқлаш тестлари;

Топшириқ ва тестларни қуйидаги муҳим мезонлар бўйича тузиш тавсия этилади:

1. Ҳақиқийлик. Текширилиши керак билим ёки қўшимча топшириқ ва тестлар ҳақиқий ҳисобланади. У баҳоланиши лозим бўлган билим ва кўникмалар соҳасидаги натижаларга қаратилган бўлиши лозим. Бунда ўрганиш мақсадига нисбатан мазмуний алоқадорликни яратиш назарда тутилган;

2. Объективлилик. Бир-биридан мустақил ўқитувчилар бир хил таълим олувчиларга берилган бир хил топшириқ ва тестлар бўйича бир хил баҳо берган ҳолдагина мазкур топшириқ ва тест объектив ҳисобланади. Бу объективлилик ҳар хил вақтларда берилган баҳолар учун ҳам таълуқлидир. Ушбу мезонлар кўпинча "расмий тестлар" пайтида амалга оширилади, холос. Ўқитувчи томонидан тузилган тестлар эса одатда мазкур талабларни бажармайди.

3. Ишончлилик. Бунда топшириқ ёки тестнинг модулни ўрганиш мақсадларини назорат қилишга сафарбар этилиш учун нақадар ишончли эканлиги назарда тутилган.

4. Диагностик баҳо. Бунда ўқитувчи топшириқ ёки тестдан кейин юзага келган камчиликларни бартараф этиш учун қандай чоралар зарур эканлигини баҳолай олиш-олмаслиги назарда тутилган.

5. Балл бериш. Топшириқ ёки тест пайтида балл бериладиган бўлса, балл бериш модулни ўрганиш мақсадларини назорат қилишга мослаштирилган бўлиши лозим. Бунда мавзунинг унчалик муҳим бўлмаган қисмларига нисбатан муҳимроқ бўлган қисмларига кўпроқ балл бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёзма топшириқлар эркин жавоб берилиши лозим бўлган ва бир қанча жавоблардан бирини танлаш керак бўлган топшириқларга бўлинади.

Эркин жавоб бериш лозим бўлган топшириқлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- атрофлича тўлиқ эркин жавоб талаб этадиган топшириқлар (масалан ёзма иш);

- қисқа эркин жавоб беришни талаб этадиган топшириқлар (жавоб бериш учун очиқ жой қолдирилган топшириқлар, шунингдек, жавоб катаклари берилган топшириқлар);
- берилган жавоблардан бирини танлаш лозим бўлган топшириқлар қуйидагилар бўлиши мумкин:
- кўплаб вариантлардан бирини танлаш бўйича топшириқлар (дастурлаштирилган топшириқлар, тест);
- альтернатив жавоблардан бирини танлашни талаб этувчи топшириқлар;
- тартибини ўзгартириш талаб этиладиган топшириқлар. (булардан тўлдириш топшириқлари, тегишлиликни аниқлаш топшириқлари, тўғри кетма-кетликка келтириш топшириқлари, даражасига кўра жойлаштиришни талаб этувчи топшириқлар).

Эркин жавоб бериш лозим бўлган ёзма топшириқлар натижаларни аниқлашнинг анъанавий шаклини ифода этади.

Улар таълим олувчилардан мустақил ҳаракатни талаб этади. Натижа ўз навбатида таълим олувчининг билимларига, қарашларига, ёзиш ва ифода этиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Вақт бу ерда муҳим ҳисобланади.

Бўш жойларни тўлдириш, топшириқларни ечиш тўлиқ бўлмаган матнларга киритиладиган тушунчалар, гап бўлаклари, символлар ва сонлардан ташкил топади. Агар ечим тушунчалари киритилган рўйхат ҳам тузилган бўлса, у ҳолда яхши объективликка эришиш мумкин.

Берилган жавоблардан бирини танлашни талаб этувчи топшириқлар "дастурлаштирилган топшириқлар" деб аталади. Бунда битта тўқима тўғри жавобдан чалғитадиган бир қанча нотўғри жавоблар киритилган бўлади. Бу билан ўқувчидан қарор қабул қилиш қобилиятини кўрсатиш кутилади.

Алтернатив топшириқларда фақатгина битта тўғри ва битта нотўғри жавоблар берилган бўлади. Топшириқ шартига кўра тўғри жавобни топиб, белгилаш керак бўлади.

Тўлдириш топшириқларида жавоблар сифатида берилган фикрлар, тушунчалар, гап бўлаклари, символлар, сонлар махсус рақамлар воситасида ечим ўринларига киритилади.

5. Технологик харита – модул бўйича фаолият усулининг бажарилиш бўйича амалга ошириладиган амалий ишлар мажмуидир.

Технологик харитани лойиҳалаш педагогик маҳорат чўккиси ҳисобланади, чунки модул давомида бажариладиган амалий иш жараёни технологик харитада қоидали тарзда тасвирланиши керак.

6. Ўқув адабиётлари ва дидактик воситалар рўйхати. Ҳар бир модул охирида модулни ўзлаштириш учун қўшимча адабиётлар, зарурий жиҳозлар, кўргазмалар ва техник воситалар, асбоб ускуналар ва маҳсулотлар рўйхати берилиши керак. Чунки таълим олувчилар мустақил ишларни бажаришлари давомида қўшимча адабиётлардан фойдаланишлари учун имконият бўлиши керак. Таълим олувчилар амалий ишларни бажаришлари учун зарурий жиҳозлар ва ускуналар рўйхати берилиши шарт.

6. Фанни модулли ўқитиш методикасига доир тавсиялар ва кўрсатмалар. Модулли тузилма асосида яратиладиган дарслик охирида фанни модулли технология асосида ўқитишни ташкил этиш, ўтказиш, таълим олувчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш бўйича методик тавсиялар берилиши керак.

Дарсликни модулли технология асосида ишлаб чиқишнинг моҳияти шундаки, таълим олувчининг ўқув жараёнида аниқ натижага эришишини кафолатловчи фаолиятини дастурловчи модулларни яратишдан иборатдир. Шунинг учун мутахассислик фанлари дарслигининг мазмунини ишлаб чиқиш ўқув материали чегарасида эмас, балки мустақил ва тугалланган ўқув жараёни лойиҳаси, яъни модул кўринишида тақдим этилиши керак.

Модулли ёндашув ўқитувчи учун маълум даражада дарслик функциясини бажарувчи ўқув қўлланмалар ва ўқув материалларини ишлаб чиқишда ҳам қўлланиши мумкин.

Махсус фанларни модулли ўқув адабиётлари ёрдамида ўқитишда қуйидаги афзалликлар намоён бўлиши аниқланди:

- фаннинг ичидаги модуллар орасидаги ўқитиш узлуксизлигининг таъминланиши;
- ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан мувофиқлиги ўрнатилиши;
- таълим олувчиларнинг мунтазам ўзлаштириши ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;
- ўқишни жадаллаштириш, аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини, маърузавий, амалий (тажрибавий) машғулотлар, индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни – оптималлаштириш.

Мутахассислик фани бўйича ўқув адабиётларини модулли ёндашув асосида ишлаб чиқилиши турли хилдаги муаммолардан халос этади. Масалан, модулда бир қанча топшириқ ёки лойиҳаларнинг берилиши, ўқувчиларда амалий фаолияти учун бажариши мумкин бўлганларни ўзлари танлаб олиш имкониятини яратади. Ушбу ҳол педагогик жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Мутахассислик фанларнинг модулли тузилмаси ўқув адабиётларининг таълим жараёнида қўлланилиши таълим олувчиларда мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятларини шакллантиришга, ишни режалаштириш, ҳамда ташкил этиш кўникмаларини шакллантиришга имконият яратади.

4.2. Мутахассислик фанларидан электрон дарсликларни яратиш технологияси

Мутахассислик фанларидан электрон дарсликларни қўллашнинг афзалликлари тўғрисида биз 3.5 параграфда батафсил тўхталиб ўтган эдик. Мутахассислик фанларидан электрон дарсликни яратиш қуйидаги босқичларда амалга оширилиши тавсия этилди (4-расм).

1. Ишлаб чиқишнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш.
2. Электрон дарсликнинг тузилмасини ишлаб чиқиш.
3. Дарсликнинг бўлимлар (модуллар) ва мавзулар бўйича мазмунини ишлаб чиқиш.
4. Электрон дарсликнинг алоҳида тузилма саҳналарини тайёрлаш.
5. Дастурлаштириш.
6. Синовдан ўтказиш.
7. Электрон дарслик мазмунини синов натижалари бўйича такомиллаштириш.
8. Фойдаланиш учун услубий қўлланма тайёрлаш.

1. Мақсад ва вазифаларини аниқлаш.


Электрон дарсликларни яратишнинг йўналтирувчи нуқтаси бўлиб, ахборот технологияларидан фойдаланиладиган дидактик мақсад ва вазифалар ҳисобланади.

- ўқув материали билан бирга электрон тренажерлар, виртуал стендлар, мультимедиялар берилган аниқ бир фанга мўлжаллаган электрон дарслик;
- ижодий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган электрон автоматлаштирилган тизимлар;

Электрон дарслик тузилмасини ишлаб чиқиш. Тузилма умумий қабул қилинган тушунчада (лат. Struktura – сўзидан келиб чиққан бўлиб тузиш, жойлаштириш, тартиблаш каби маъноларни билдиради) – объектнинг бутунлигини таъминлайдиган турғун алоқалар бирикмасидир.



Электрон дарслик таркибий тартибда тизим асосида куриш мақсадга эришишни осонлаштиради. Ўқув материаллари алоҳида ажратилган модулларда берилади. Электрон дарсликнинг модулли тузилмаси анъанавий ўқитиш тизимида қўлланиладиган модулли технологияга, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг модулли тузилишига асосланади. Модуллар автоном кўринишдаги ўқув материаллари бўлиб, у мазмуний ва метамаълумотлар қисмларидан тузилган. Модулли дарсликни бошқарув тизимини ҳосил қилиш учун модуллар орасида ўзаро боғланишлар таъминланиши керак. Модулли тузилма асосида дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ҳамда таълим жараёнида модулли ўқитиш технологиянинг қўлланилиши ўқитиш нархини 30-60 %га, вақтини 20-40 % га камайтиришга ҳамда ўзлаштириш самарадорлигини оширишга эришиш мумкин. Мутахассислик фанларидан яратиладиган электрон дарсликлар таркибий тузилмаси 5-расмда кўрсатилган.





5-расм. Электрон дарслик тузилмаси

Яхши яратилган электрон дарслик асосида таълим узлуксизлигини ва фанлараро узвийликни таъминлаш мумкин. Электрон дарсликни ишлаб чиқишда биринчи навбатда унинг тузилмасини, ўқув материални излаш тартибини, бўлимлар (модуллар) таркибини ишлаб чиқиш, яратиладиган дарсликнинг асосий таянч пунктини танлаш зарур. Мисол тариқасида ўрта мактабда ва касб ҳунар коллежида ҳамда олий ўқув юртларида ўрганиладиган «Математика» фани бўйича электрон дарсликнинг «функциялар ва графиклар» бўлими тузилмасини батафсил кўриб чиқамиз. Ўрта мактабда қуйидаги мақсад қўйилади – «функция», «аргумент», «функциянинг аниқланиш соҳаси», «функция графиги» ва ҳоказолар каби функционал тушунчаларни киритиш; оддий функцияларнинг хоссалари ва уларнинг графикларини ўрганиш, чизиқли тенгламалар тизимини ечишнинг график усули ўрганилади; квадрат тенгламаларни ечишнинг график усули ўрганилади.

Касб-ҳунар коллежида ва ўрта мактабнинг 10 -11 синфларида функцияларнинг жуфтлиги ва тоқлиги тушунчаси киритилади, «Ҳосила ва унинг қўлланилиши» мавзуси ўрганилади; уни ўрганишда олдинги синфларда олинган билимлардан фойдаланилади ва функциянинг изланиш услубларига тегишли янги қоидалар, логарифмик кўрсаткичли ва даражали функциялар уларнинг хоссалари ва графиклари ўрганилади. Олий таълимда дифференциал функция хоссалари, мураккаб, тескари, параметрик ва ошқормас функцияларнинг ҳосилалари, аниқмас ва аниқ интеграллар ҳамда даражали қаторлар ўрганилади.

Демак «функциялар ва графиклар» бўлими бўйича таянч пунктида ўрта мактаб, касб ҳунар коллежида ва олий таълимда ўрганиладиган етарли ҳажмдаги ва ўзаро боғлиқ материал мавжуд.

Мутахассислик фанларидан яратиладиган электрон дарсликлар тузилмаси умумтаълим фанларидан фарқли равишда ўзига хос хусусиятга эга.

Биринчидан, мураккаб объектлар (машина, ускуна ёки уларнинг қисмларини), технологик жараёнларни виртуал кўринишда тасвирлаш мумкин.

Иккинчидан, амалий машғулотлар ва топшириқларни компьютерли қўллаб қувватлаш ёрдамида мустақил бажариш мумкин.

Учинчидан, соҳа бўйича фан, техника ва технологияларининг сўнгги ютуқларини исталган вақтда электрон дарсликка киритиш, матнларни иллюстрацияларни ўзгартириш имконияти яратилади.

1. Асосий саҳифада мутахассислик фанининг мазмуни алоҳида бўлимлар бўйича вербал матн ва график шаклда (овозли ва овозсиз) берилган. Матнлар икки кўринишда лотин ва кирилл графикасида тақдим этилган. Матн таркибидаги расмлар, схемалар ва графикларга турли ранглар билан ишлов берилиб, таълим олувчи объектлар ёки жараёнларнинг, тажрибалар ва ҳисоблашлар бажарилиш кетма-кетлигини қийналмасдан ажрата олиши мумкин.

2. Фанни ўқитиш методикаси. Ўқитувчи учун фанни ўқитишда керакли шарт-шароитларни ташкил этиш, ўқув мақсадларини белгилаш, ўқитиш тамойиллари, ҳар бир бўлимни ўқитиш вақти, керакли компьютер воситаларини таъминлаш ва ўқув жараёнидаги ўқитувчининг иштироки ва ўқувчиларнинг фанни ўзлаштиришларини доимий таҳлил қилиб бориш, ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар берилади.

3. Назорат саволлари ва тестлар. Ҳар бир бўлим бўйича тузилган назорат саволларига ва ёзма топшириқларга таълим олувчи мустақил равишда жавоб ёзиб, уни қоғозга принтердан чиқарилган кўринишда ўқитувчига тақдим қилиши мумкин. Тест саволларига жавоб бериб таълим олувчи ҳар бўлим бўйича ўзининг билимини текшириб кўриши мумкин.

4. Амалий машғулотлар. Ҳар бир бўлим учун алоҳида топшириқлар, амалий машғулотлар ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар берилган.

5. Виртуал стендлар ва видео лавҳалар. Объектлар ва жараёнлар виртуал кўринишлари, ҳаракат анимациялар ва видеолавҳалари берилади.

6. Изоҳли луғат. Мутахассислик фани ва соҳа бўйича техник терминлар, атамалар, номланишлар ва соҳа стандартлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар ва тушунчалар берилиши керак.

7. Маълумотнома. Ушбу электрон дарсликдан фойдаланувчи учун кўрсатмалар, фойдали дастурлар ва маълумотлар берилган.

8. Ўқув дастури. Давлат таълим стандарти асосида тузилган ва ушбу фаннинг таркибини мазмунан тўлиқ қамраб олган ўқув дастури берилган. Дастурда фанни ўрганиш мақсади, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги, таркиби ва ҳажми (таълим олувчининг фанни ўзлаштириш вақтининг давомийлиги), бўлимлар ва мавзулар номи) фанни ўзлаштиргандан ҳосил қилинадиган билим, малака ва кўникмалари, ҳамда адабиётлар рўйхати берилган.

9. Соҳа бўйича фан, техника ва технология янгиликлари. Мутахассислик соҳаси бўйича жаҳон миқёсидаги илмий ишлар, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари тўғрисида интернет тармоғидан олинган маълумотлар берилган. Ушбу маълумотлар билан доимий равишда тўлдирилиб борилади.

Электрон дарслик таълим олувчилар учун қулай муддатда бутун мавзунини интерфаол тартиботни эгаллаш ўзлаштириш ва ўз билимини мустақил текшириш имконини беради.

Электрон дарслик кўрсатилган мавзу бўйича фаннинг ўқув дастурига таянади, ҳаракатдаги босма дарсликларни қўллаб қувватлайди, ўқув материални ўрганишнинг самарали усулини жорий қилади.

Электрон дарслик барча тузилмавий бирликлари ва уларнинг компонентлари ўзаро боғлиқ ҳолда умумий дастурли қатламда бўлади. Электрон дарслик кўрсатилган бўлимларидаги ҳар бир компонентига исталган бошқа компонент фойдаланувчиси кириши мумкин. Яна шундай имконият яратиладики, бунда битта компакт дискда жойлашган электрон дарсликдан барча таълим босқичида фойдаланиш мумкин.

Электрон дарсликларнинг бўлимлари (модуллари) ва мавзулари (модул бирликлари) бўйича мазмунини ишлаб чиқиш. Электрон дарсликнинг мазмуни деганда, унда бериладиган билимлар ва кўникмалар тизими тушунилади.

Электрон дарсликнинг мазмунини олий ўқув юртида бир неча йилдан бери таълим бериб келаётган тажрибали фан педагоги ишлаб чиқиши мумкин. Алоҳида мавзуларнинг мазмунини ишлаб чиқишда ўқув материални қабул қилиш ва узатиш мураккаблиги даражаси тартиблаштирилиши лозим.

Бу ишни бажаришда қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

- ўқув материалнинг асосий ядросини ажратиш;
- ўқув материални ўрганишда иккинчи даражали вазиятларни ажратиш;
- ўқув босқичининг бошқа мавзулари билан алоқасини ўрнатиш;
- ҳар бир мавзу бўйича турли даражадаги кўп вариантли амалий топшириқларни танлаб олиш;
- тушунчалар, жараёнлар, маҳсулотлар воқеалар ва ҳоказоларга бўлган иллюстрациялар, графиклар, намоишлар, анимацион ва видеолавҳаларни танлаб олиш.

Электрон дарсликларнинг алоҳида дастурлари саҳналарини тайёрлаш. Педагогик амалиётда ўрганишга қизиқиш кўпчилик ҳолларда таълим олувчилар билим олишининг фаоллашуви, ўқитувчининг ўқитиш жараёнини жозибали қилиш имконини берадиган самарали воситаси, ўқитишда таълим олувчиларнинг диққатини ўзига жалб қила оладиган, уларнинг фикрлашишини фаоллаштиришга, ҳаяжонланишга, ҳавотирланишга мажбур қиладиган аспектларни ажратиб кўрсатиш воситасида кўриб чиқилади.

Электрон дарсликнинг саҳнаси бу – таълим босқичининг мазмуни ва унинг жараёнли қисмининг турли даражадаги ва вазифадаги дастурли тузилмалар доирасида кадрлар бўйича тақсимланишидир. Жараёнли қисм мазмуний қисмини очиб бериш ва намоиш қилиш учун монитор экранда тасвирланиши зарур бўлган барча жараёнларни ўз ичига олади. Турли даражадаги дастурли тузилмалар – бу гиперматн, анимация, товуш, графика ва ҳоказо мультимедиа технологияларнинг компонентларидир. Бу воситалардан фойдаланиш мақсадга йўналтирилган тавсифга эга: таълим олувчининг эмоционал хотирасини фаоллаштириш, ўрганишга қизиқишни ошириш ўқитишнинг мотивациясини ошириш учун ва ҳоказо.

Дастурлаштириш Электрон дарсликни яратишда навбатдаги босқич бўлиб уни дастурлаштириш ҳисобланади. Бу ишда қуйидаги мутахассислар иштирок этишади: босқич саҳналаштирувчи, дастурчилар, дастурчи-дизайнерлар ва психолог. Бу иш бўлажак электрон дарсликлар кадрларининг асосий шаблонларини яратишдан бошланади. Буларга ўрганиладиган материални жойлаштириш, уни расм, анимация, график ва ҳоказолар билан мустаҳкамлаш кабилар киради. Топшириқлар, тестлар учун кадрлар шаблони бошқача кўринишга эга бўлади. Кадрларнинг асосий шаблонлари яратилгандан сўнг дастурлаштириш жараёни оддийлашади ва мақсадга йўналтирилган бўлади.

Апробациядан ўтказиш. Электрон дарслик яратилгандан сўнг ўқитувчилар у билан ишлай олса жуда яхши бўлади. Чунки электрон дарсликлар ўқув жараёнида фойдаланиш учун ишлаб чиқилади. Электрон дарсликларни апробациядан ўтказиш биринчи навбатда амалий семинарларда, сўнгра ўқитувчиларнинг мос равишда касблари бўйича малака ошириш босқичларида амалга оширилиш керак. Бунда ўқитувчиларнинг электрон дарслик ҳақидаги фикрлари ишлаб чиқувчилар учун жуда муҳимдир ва улар инобатга олинади. Таклифлар ва тавсиялар асосида электрон дарсликни ишлаб чиқиш жараёнида ўзгартиришлар киритилади. Иккинчи навбатда электрон дарсликларни ўқув жараёнининг реал таълим шароитларида апробациядан ўтказиш лозим. Апробация

вақтида ишлаб чиқувчилар томонидан кўзга ташланмаган алоҳида хатолар, камчиликлар ишлатишдаги ноқулайлик ва ҳоказолар аниқланади.

Апробация натижалари бўйича ишлаш Апробация натижалари бўйича электрон дарслик дастурига ўзгартиришлар киритилади. Бу иш дарсликнинг саҳнали кўринишга, унинг тузилмасига ҳам тегишли бўлиши мумкин; у топшириқлар билан ишлашда жавоблардаги ноаниқликлар, хатолар ва ҳоказоларга ҳам тегишлидир.

Фойдаланувчи учун услубий қўлланма тайёрлаш. Агар электрон дарслик услубий қўлланмаларсиз тайёрланса унга сарфланган меҳнат самара бермайди ва узлуксиз таълим тизими тамойилларига мос бўлмайди. Шунинг учун услубий таъминот масаласи энг муҳим аҳамият касб этади. Электрон дарсликни яратиш жараёни ўқитувчи учун услубий қўлланмани тайёрлаш билан якунланади. У қуйидаги материалларни ўз ичига олиши мумкин: алоҳида дастурли модулларнинг мазмуни; ҳар бир мавзу ўрганилгандан кейин тавсия этилган топшириқлар, тестлар, фойдаланиш жойи кўрсатилиши билан тахминий мавзувий режалаштириш; электрон дарслик билан ишлаш учун кўрсатма. Услубий қўлланма электрон ташувчига ёзилиши мумкин ёки қоғозда нашр этилиши мумкин.

Ўқув адабиётлари янги авлодининг яққол намунаси бўлган электрон дарслик яратилгандан кейин ўқув жараёнига жорий этиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

-электрон дарсликлар воситасида машғулотларни ўтказиш учун компьютер хоналари тайёрлик ҳолати текширилиши;

-таълим олувчиларнинг компьютер саводхонлиги ва уларда ишлаш кўникмалари аниқланиши;

- электрон дарсликлар воситасида ўқитиш жараёнини ташкил этиш бўйича, тарқатма материаллар, фанни ўзлаштириш бўйича таълим олувчилар билимларини баҳолаш тестлари ишлаб чиқирилиши.

Бугунги кунда таълим олувчиларнинг назарий ва амалий машғулотларидаги фаолликлари ва мустақил ишлаш фаолиятларини ошириш давр талаби бўлиб қолмоқда. Ўқитувчилар таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишларини таъминлашлари ва фаолликларини ошириш учун илғор педагогик ва ахборот технологияларидан ҳамда замонавий ўқув адабиётлари ва воситаларидан фойдаланишлари керак.

Электрон дарсликларни ўқув жараёнида қўллашдан асосий мақсад таълим олувчиларни мустақил ишлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратишдир.

Савол ва топшириқлар

1. Мутахассислик фанидан бир-бирига ўзаро боғлиқ мавзуларни гуруҳлаб модул тузилмасини ишлаб чиқинг?
2. Мутахассислик фанларидан электрон дарслик яратиш неча босқичда амалга оширилади?
3. Махсус фанларни модулли ўқув адабиётлари ёрдамида ўқитишда қандай афзалликлар мавжуд?
4. Электрон дарслик дарсликнинг моҳияти нимада?
5. Электрон дарсликни яратишда эътиборни нималарга қаратиш мақсадга мувофиқдир?
6. Электрон дарсликларни апробациядан ўтказиш тартиби ҳақида тушунча беринг?
7. Электрон дарсликларни таълим жараёнига жорий этиш учун қандай ишлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди?
8. Мутахассислик фанидан бирини танлаб олиб электрон дарслик тузилмасини ишлаб чиқинг?

5- БОБ. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

5.1. Мутахассислик фанларини модулли методика асосида ўқитиш бўйича тажриба синов ишлари

5.1.1. Тажриба синов ишларини ташкил этиш

Тажриба синов ишлари ўтказиш учун модулли ўқув дастури, методик тавсиялар ва бошқа ўқув материаллар ишлаб чиқилиши лозим. Шунинг таъкидлаш жоизки, муҳокамадан ўтказилиб тайёрланган модулли ўқув дастури ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради.

«Мутахассислик» фани бўйича модулли ўқитишни жараёнини ўтказиш учун ҳар бир фаолият усули бўйича модулли ўқув материаллари ишлаб чиқилиши керак. Модулли ўқув материалларида модул ўқув мақсади, модул якунида эгалланадиган билим ва кўникмалар, баҳолаш тури, назарий материаллар, техника хавсизлиги қоидалари, машғулотларни ўтказиш технологик харитаси, тестлар, тикув машинасини ишлатиш бўйича ўқувчи учун йўриқнома ва баҳолаш варақалари киритилиши, яъни модулни мустақил ўзлаштириш учун барча ўқув материаллари берилиши лозим.

Мутахассислик фанларини модулли методика асосида ўқитиш бўйича тажриба синов ишларини ўтказиш учун таълим муассасаси (институт, касб-ҳунар коллежи) танланди. Тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида қуйидаги ишлар амалга оширилди ва режалаштирилиши лозим:

- таълим йўналиши бўйича назорат ва тажриба-синов гуруҳлари танланди;
- тажриба синов ишлари бўйича мутахассислик фаннини модулли методика асосида ўқитиш жараёнини ташкил этиш бўйича модулли ўқув дастури, ўқув материаллари, тарқатма материаллар, ўқув адабиётлари, электрон дарсликлар билан таъминланиши ва тестлар, анкеталар, модули ўқитиш методикаси ишлаб чиқилиши керак;
- тажриба-синов ўтказиладиган таълим муассаси махсус фан ўқув хоналарининг, устахоналарининг моддий-техник жиҳозланиши, ўқув-услубий таъминотининг қандай даражадаги ўрганилади. Тажриба-синов ишлари мақсади ва вазифалари қуйидагича белгиланиши лозим;
- танланган таълим муассасида мутахассислик фанини модулли ўқитиш жараёнини ташкил этиш, йўлга қўйиш ва амалга ошириш мазмунини ўрганиш;
- тажриба-синов ишларида иштирок этаётган назорат ва тажриба синов гуруҳларда «Мутахассислик» фанини модулли ўқитиш ва анъанавий ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб олиш, ўқитишни ташкил этиш бўйича педагогик фаолиятига оид йўлга қўйиш бўйича турли тавсиялар, йўл-йўриқлар ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш;

-модулли ўқитиш жараёнида назарий ва амалий машғулотларини ўтказишнинг фаол усулларини қўллаш;
-«Мутахассислик» фанидан таълим олувчиларнинг модулни ўрганиш бўйича муносабатларни ўрганиш.

Тажриба – синов ишларини олиб боришда олинган натижаларни самаралилигини, ўқувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини баҳолашда таълим муассасасида иккитадан параллел тажриба синов ва назорат гуруҳларида модулли ўқитиш жараёнида фаол ўқитиш усулларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланиши керак. Бунинг учун аввало ўқувчиларни талаб ва эҳтиёжларига биноан модулли ўқув дастури, ишлаб чиқариш мазмунидаги муаммоли вазиятлардан фойдаланиб, ўқув материални долзарблаштириш, мустақил ишлаш, онгли муносабат ва фаол фикрлашга мажбур этувчи педагогик шарт-шароит яратишни кўзда тутилиши керак.

Нazorat гуруҳларида ўқитиш жараёни амалдаги анъанавий ўқув дастури ва методикасига биноан амалга оширилса тажриба-синов гуруҳларида модулли ўқитиш методикаси асосида амалга оширилади.

Нazorat ва тажриба-синов гуруҳларининг натижалари мунтазам таҳлил этилиши, бири-бирига қийосланиб, хулоса чиқарилиши лозим. Зарур бўлган ҳолларда бу жараёнда бевосита иштирок этувчи ўқитувчилар ва экспертлар томонидан билдирган фикр-мулоҳазалар атрофлича муҳокама этилиши керак.

Таълим олувчиларнинг билими, касбий маҳорати даражаси амалий масалаларни мустақил ҳолда ижобий ечимини топишларини, ўрганилаётган объект (предмет, жараён, ҳодиса, шахс) ларнинг моҳиятини англаб, мақбул равишда таҳсил олувчиларнинг мулкига айлантириш қобилиятлари орқали аниқланади. Таълим олувчида шакллланган билимларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолашда ҳақиқийлик, объективлик, ишончлилик, диагностик баҳо, балл бериш, ёзма топшириқлар мезон сифатида фойдаланилади.

5.1.2. Тажриба-синов ишларининг бориши ва олинган натижаларни таҳлил қилиш

Мутахассислик фанларини модулли методика асосида ўқитиш орқали таълим самарадорлигини ошириш кузатилади. Бунинг учун маълум вақт мобайнида таълим муассасада назорат ва тажриба-синов гуруҳларида тадқиқот кузатув ишларини олиб борилади.

Ўтказилган тажриба ишларининг натижалари қуйидаги шаклдаги жадвалларда киритилади. (2-жадвал)

2 – жадвал

Таълим муассасаси номи	назорат гуруҳида таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси					тажриба-синов гуруҳи таълим олувчиларининг ўзлаштириш даражаси				
	талаба сони	паст %	ўрта %	юқори %		талаба сони	паст %	ўрта %	юқори %	

Мутахассислик фанидан тажриба-синов натижасида назарий билим ва амалий кўникмалар қуйидагича баҳолашади.

3 - жадвал

Мавзунинг номи	Назорат гуруҳ					Тажриба-синов гуруҳи				
	талаба сони	«2» %	«3» %	«4» %	«5» %	талаба сони	«2» %	«3» %	«4» %	«5» %
1.Ҳақиқийлик										
2.Объективли-лик										
3.Ишончлилик										
4.Диагностик баҳо										
5.Балл бериш.										
6.Ёзма топшириш орқали										
Ўртача										

Юқорида келтирилган жадваллар бўйича натижалар қиёсланади ва назорат ҳамда тажриба-синов гуруҳлари ўзлаштирганлик даражаси фарқи гистограммада тасвирланади.

Мутахассислик фанларини модулли ўқитишни яхши ташкил этилиши ва ўтказилиши натижасида таълим самарадорлигини оширишга эришилганлиги ёки эришилмаганлиги тўғрисида хулоса қилинади.

5.2. Мутахассислик фанлардан электрон дарсликларнинг педагогик самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба синовларини ташкил этиш ва ўтказиш

Ўқув адабиётлари янги авлодининг яққол намунаси бўлган электрон дарсликларни педагогик самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба синов ишларини ўтказиш учун таълим муассаси (касб-хунар коллежи ёки институт) танланади.

Тажриба синов ишларининг дастлабки босқичида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- назорат-синов гуруҳлари танланиб, тажрибали мутахассислик фани ўқитувчилари бириктирилади;
- электрон дарсликлар воситасида машғулотларни ўтказиш учун компьютер хоналари тайёргарлик ҳолати текширилди;
- талабаларнинг компьютер саводхонлиги ва уларда ишлаш кўникмалари аниқланди;
- тажриба-синов ишлари бўйича «Мутахассислик» фанини электрон дарсликлар воситасида ўқитиш жараёнини ташкил этиш бўйича, тарқатма материаллар, фанни ўзлаштириш бўйича талабалар билимларини баҳолаш тестлари ишлаб чиқилади;

Танланган таълим муассасада тасдиқловчи тажриба синов ишларини олиб бориш давомида «Мутахассислик» фанидан назарий ва амалий машғулотлар ўтказилиши ўрганилади.

Тажриба-синов ишлари мақсади ва вазифалари қуйидагича белгиланади:

- танланган тажриба-синов коллежларида «Мутахассислик» фанини электрон дарсликлар воситасида ўқитиш жараёни ташкил этишни, йўлга қўйиш ва амалга ошириш мазмунини ўрганиш;
- тажриба-синов ишларида иштирок этаётган назорат ва тажриба синов гуруҳларда «Мутахассислик» фанини электрон дарсликлар ёрдамида анъанавий ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб олиш, таълим шароитларида ўқитишни ташкил этиш бўйича педагогик фаолиятни йўлга қўйиш. Турли тавсиялар, йўл-йўриқлар ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш;
- электрон дарсликлар воситасида ўқитиш жараёнида самарали усуллари қўллаш;
- «Мутахассислик» фанини электрон дарсликлар ёрдамида ўқитишда талабаларнинг муносабатларини ўрганиш.

Тажриба – синов ишларини олиб боришда олинган натижаларни самаралилигини, талабаларнинг билим ва кўникмаларини баҳолашда иккита параллел тажриба синов ва назорат гуруҳларида анъанавий ва электрон дарсликлар ёрдамида ўқитиш жараёнида электрон дарсликлардан самарали фойдаланиш имкониятлари аниқланади. Электрон дарсликларни ўқув жараёнида қўллашдан асосий мақсад талабаларни мустақил ишлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Назорат гуруҳларида ўқитиш жараёни амалдаги анъанавий ўқув дастури ва методикасига биноан амалга оширилса тажриба-синов гуруҳларида электрон дарсликлар воситасида амалга оширилади. Назорат гуруҳларида ўқитувчи ўқитиш жараёнининг марказида турган бўлса, тажриба синов гуруҳларида ўқитувчи ўқув жараёнида маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Тажриба синовини ўтказишдан мақсад, биринчидан электрон дарсликларнинг ўқув жараёнидаги самарадорлигини аниқлаш бўлса, иккинчидан талабаларни фанга қизиқишини ва уни мустақил ўзлаштириш имкониятларини ўрганиш ва учинчидан иккала гуруҳларда «Мутахассислик» фанини тўлиқ ўтказилишига кетадиган вақтни аниқлашдан иборат бўлди.

«Мутахассислик» фанини ўқитишда назорат ва тажриба синов гуруҳларида «ҳар бир фаолият тури бўйича талабаларнинг билимлари тестлар ва назорат саволлари ёрдамида баҳоланиб қайд қилиниб борилади. Ушбу фан бўйича машғулотлар иккала гуруҳда ҳам тўлиқ ўтказилиб бўлингандан кейин, ҳар иккала гуруҳда тест синовини ўтказилди. Фаннинг мазмуни бўйича тестлар ишлаб чиқилади.

Тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиш ва математик-статистик ишлов бериш методикасини А ва В гуруҳлар мисолида кўриб чиқамиз.

А ва В гуруҳларида ўтказилган тест синов натижалари қуйидаги 4 –жадвалга киритилади.

Тажриба синов натижаларини тартибли шкалалар орқали аниқладик. Бунинг учун L градацияли тартибли шкалалардан фойдаланиб, унда $\{x_i\}$ ва $\{y_i\}$ натурал сонларни L қийматлардан бирини қабул қилдик. Оддийлик учун кўплаб қийматлар бирдан L гача бўлган кўплаб сонлар деб ҳисоблаш мумкин. Унда гуруҳ кўрсаткичлари бўлиб, етарли балларни тўплаган талабаларнинг сони ҳисобланди. Яъни, тажриба синов гуруҳи учун баллар вектори:

$$n = (n_1, n_2, \dots, n_L)$$

4-жадвал.

А -назорат ва В- тажриба синов гуруҳларида ўтказилган тест синовлари натижалари (масалан: жадвалга ҳар бир талабанинг 20 та дан иборат тестларга берган тўғри жавоблар сони киритилади)

Талабалар сони	А-назорат гуруҳда тўғри жавоблар сони	Талабалар сони	В-тажриба-синов гуруҳида тўғри жавоблар сони
1	14	1	15
2	12	2	17
3	13	3	7
4	15	4	19
5	9	5	12
6	6	6	14
7	12	7	9
8	18	8	16
9	11	9	15
10	9	10	18
11	17	11	10
12	8	12	14
13	5	13	13
14	12	14	15
15	18	15	14
16	10	16	16
17	14	-	-
18	5	-	--

Бу ерда: n_k -k-ли балл олган тажриба синов гуруҳи талабаларининг сони. $K= 1, 2, \dots, L$

Назорат гуруҳи учун баллар вектори:

$$m = (m_1, m_2, \dots, m_L)$$

Бу ерда: m_k -k-ли балл олган назорат гуруҳи талабаларининг сони.

Демак,

$$n_1 + n_2 + \dots + n_L = N; \quad m_1 + m_2 + \dots + m_L = M$$

Демак тажриба синов гуруҳи талабалари сони N_k 16 та, назорат гуруҳи талабалар сони $M= 18$ та. Билимларни қуйидаги 5 жадвалда келтирилган учта мезон бўйича ажратилади.

Билим даражалари

Билим даражаси	Тестлар тўғри жавобларининг максимал сони
Паст	10
Ўрта	15
Юқори	20

Тажриба синов натижалар бўйича талабаларнинг тест натижаларини юқорида келтирилган мезонлар бўйича ажратилади. (6 –жадвал)


6-Жадвал.**Назорат ва тажриба синов гуруҳларидаги тест натижалари-нинг билимлар даражаси натижалари**

Билим даражаси	А-назорат гуруҳи (18 нафар талаба)	В-тажриба синов гуруҳи (16 нафар талаба)
Паст	7	3
Ўрта	8	8
Юқори	3	5

Тажриба синов ва назорат гуруҳлари тест натижаларини таққослаш учун қуйидаги 7-жадвал асосида гистограмма қурилади (6-расм).

7-Жадвал.**Назорат ва тажриба синов гуруҳларидаги тест натижаларининг билимлар даражаси натижалари**

Билим даражаси	А-назорат гуруҳи (18 нафар талаба)	В-тажриба синов гуруҳи (16 нафар талаба)
Паст	39%	18%
Ўрта	44%	50%
Юқори	17%	32%



6-расм. Тажриба синови ва назорат гуруҳлари тест натижалари бўйича гистограмма

Гистограммадан кўриниб турибдики, электрон дарслик воситасида ўқитилган тажриба синови гуруҳида юқори даражали баҳо олган талабалар назорат гуруҳига нисбатан 14 % га , ўрта даражадаги 6% га ортиқ, паст даражали талабалар эса 14% га камайган.

Тажриба ишларининг ишончлилигини аниқлаш учун Вилкоксон – Манна – Уитни критериясидан фойдаланилади. Ушбу критерия иккита танланманинг абсолют қийматлари билан эмас, балки уларнинг жуфт солиштириши натижалари билан текширилади.

Иккита танланмани оламир: $\{x_i\}_{i=1 \dots N}$ ва $\{y_j\}_{j=1 \dots M}$ ва биринчи танланма x_i нинг ҳар бир элементи учун, $i=1 \dots N$, ундан ўз қиймати бўйича устун бўлган иккинчи танланманинг a_i элементлари сонини аниқлаймиз (яъни y_j нинг шундай сонлари

бўлсинки, унда $y_j > x_i$). Бу сонларнинг $a_1 + a_2 + \dots + a_N = \sum_{i=1}^N Q_i$ йиғиндиси биринчи

танланманинг барча N аъзолари бўйича Манна-Уитни критериясининг эмпирик қиймати

деб айтилади ва $U = \sum_{i=1}^N a_i$ кўринишида белгиланади.

Вилкоксон критериясининг эмпирик қийматлари қуйидагича аниқланади:

$$W_{\text{эмп}} = \frac{\left| \frac{N \cdot M}{2} - U \right|}{\sqrt{\frac{N \cdot M (N + M + 1)}{12}}} \quad (5.1)$$

Вилкоксон Манна-Уитни критерияси ёрдамида нисбий шкалада ўлчанган тажриба натижалари учун мос тушишлар ва фарқлар ишончлилигини аниқлаш алгоритми қуйидагича:

1.Солиштирилаётган танланмалар $W_{\text{эмп}}$ учун Вилкоксон критериясининг эмпирик қийматини (1) формуладан ҳисоблаб бу қийматни $W_{0,05}=1,96$ критик қиймат билан солиштирамиз: агар $W_{\text{эмп}} \leq 1,96$ бўлса, унда «солиштирилаётган танланмалар кўрсаткичлари фарқларининг ишончлилиги 95% ни ташкил қилади» деб хулоса қилинади. Биз 4-жадвалдан берилганлар алгоритмидан фойдаланиб, аввал назорат ва тажриба синови гуруҳларда тўғри ечилган тестлар сонини солиштирдик. 8-жадвалда тажриба синови ва назорат гуруҳининг натижалари келтирилган.

8-жадвал

Тажриба синови гуруҳи талабалар сони i	Тажриба синови гуруҳи талабаларининг тўғри жавоблари x_i	Тажриба синови гуруҳи талабаларидан кўп ечган назорат гуруҳи талабалари сони a_i	Назорат гуруҳи талабалари сони j	Назорат гуруҳи талабаларининг тўғри жавоблари y_j
1	15	3	1	14
2	17	2	2	12
3	7	15	3	13
4	19	-	4	15

5	12	7	5	9
6	14	4	6	6
7	9	12	7	12
8	16	3	8	18
9	15	3	9	11
10	18	-	10	9
11	10	11	11	17
12	14	4	12	8
13	13	6	13	5
14	15	3	14	12
15	14	4	15	18
16	16	3	16	10
			17	14
			18	5

Шунингдек тажриба синов гуруҳининг ҳар бир талабаси учун кўпроқ тест ечган назорат гуруҳи аъзоларининг сони ҳисобланган.

8–жадвалдан барча a_i йиғиндиси Монна – Уитни критериясининг эмпирик қийматини беради. Бизнинг ҳолатимизда $U = \sum_{i=1}^N a_i = 81$ га тенг.

Вилкоксон критерияси бўйича (5.1) формула орқали эмпирик қийматини аниқладик.

$$W_{\text{эмп}} = \frac{\left| \frac{16 \cdot 18}{2} - 80 \right|}{\sqrt{\frac{16 \cdot 18 (16 + 18 + 1)}{12}}} = 2,2$$

Натижадан кўриниб турибдики $W_{\text{эмп}} = 2,2 \leq 1,96$ қиймати солиштирилган гуруҳлар фарқининг ишончлилиги 95% ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, тажриба синов ва назорат гуруҳларининг ҳолати бир-биридан фарқ қилади. Демак, шундай хулоса қилиш мумкинки, «Мутахассислик» фанини электрон дарслик воситасида ўқитишда самарадорликка эришилади.

Мутахассислик фанларидан электрон дарсликларни таълим жараёнига қўллаш бўйича ўтказилган тажриба –синов ишлари натижалари асосланиб қуйидаги тавсиялар берилади:

1. Мутахассислик фанларни электрон дарсликлар воситаси билан ўқитишда ҳар бир машғулот таълим стандарти ва ўқув дастурларига мос ҳолда услубий ишланмалар билан компьютер хонасида ўтказилиши лозим.
2. Ўқитувчи машғулотни ўтказиш, компьютерларнинг вазифаси эса вақтни тежашга ва ишни янада самарали яъни кўп сондаги топшириқларни бажариш, натижаларни таҳлил қилиш, компьютернинг график имкониятларидан фойдаланиш каби имкониятлар берувчи кўмак беришдир.
3. Ўқитувчи оддий аудиторияларда машғулотларни ўтказишда ҳамма талабалар электрон дарсликлар ёки бошқа компьютерли қўлланмалар билан таъминланишини ҳисобга олиши керак. Компьютер синфларида талабаларнинг дарсдан ташқари мустақил ишлашлари учун дарс жадвалига «Мустақил машғулотлар куни» киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.
4. Назорат ишлари ва тест синовларини компьютер синфларида ўтказиш жуда қулай. Талабаларнинг компьютер ёрдамида масалаларни ечишга сарфлайдиган вақтини тежашни инобатга олган ҳолда, назорат ишларини гуруҳни 2 га бўлиб машғулотнинг

ярмида ўтказиш ва машғулоти гуруҳнинг биринчи бўлаги билан параллел олиб борган ҳолда ва 2-чи бўлаги билан назорат ишини ўтказиш мумкин. Компьютер эса назорат натижаларини бир зумда чиқаради. Шуниси муҳимки, ўқитувчининг ўзи назорат ишини танлаб керакли вариантлар сони билан мураккаблик даражасини аниқлайди.

5. Электрон дарсликларнинг қўлланилиши талабаларга уй вазифаларини бажаришга ва назорат тадбирлари ўтказишда индивидуал ёндашишга имкон беради. Шундай қилиб ҳар бир талаба топшириқларни ечишга қанчалик даражада қодир эканлигини сезади ва у муваффақиятлар сари интилади. Бу махсус фанларга нисбатан қизиқишни оширади ва ўқишни маъноли ва сифатли қилади.

Савол ва топшириқлар

1. Электрон дарсликлар воситасида таълим жараёнини ташкил этиш қандай амалга оширилади?
2. Электрон дарсликлар ўқувчиларни мустақил ишларини ва уй вазифаларини бажаришга қанақа имконият яратади?
3. Тажриба синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш қандай амалга оширилади?
4. Тажриба -синов ишлари натижаларига қандай математик ишлов берилади ва таҳлил қилинади?

МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ ТЕРМИНЛАР

ТАЪЛИМ -билим бериш, малака ва кўникма ҳосил қилиш жараёни бўлиб, кишини ҳаётга меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситасидир. Таълим жараёнида билим ўзлаштирилади ва тарбия амалга оширилади.

Таълимнинг моҳияти, мақсади ва мазмуни жамиятнинг маданий тараққиёти, фан-техникасининг ривожланганлиги, ишлаб чиқариш технологияларининг амалга жорий этиш даражаси кабилар билан белгиланади. Ижтимоий муносабатлар, умумий маълумотга бўлган талаб ва эҳтиёж, кишиларнинг касбий тайёргарлигига, таълим ҳақидаги ғояларга қараб кишилиқ жамиятининг турли давр (босқич)ларида таълимнинг моҳияти, мақсади, мазмуни, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш методлари ва воситалари ўзгариб, такомиллашиб боради.

ТАЪЛИМНИ БАҲОЛАШ - педагоглар томонидан баҳолаш ва таълим жараёнида эришилган натижаларни ўқувчиларнинг ўзлари баҳолашларини жорий этиш; четга оғиш аниқланганда уларнинг сабабларини аниқлаш, кўникмалар ва билимларда топилган камчиликларни тўлғазиш, режалаштирилган янги вазифаларни лойиҳалашни ҳам назарда тутати.

ТАЪЛИМ УСЛУБИ – ўқитувчи (педагог) билан ўқувчи (талаба)лар орасида билим бериш ва уни олиш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга солувчи педагогик тадбирлар.

ЎҚИТИШ – ўқитувчи ва таълим олувчининг биргаликдаги фаолияти ва бу жараёнда болаларнинг маълумот олиши, ўқув кўникма ва малакасини эгаллаши, тарбияланиб, ривожланиб бориши назарда тутилади.

ДИДАКТИКА – грекча *didaskien* сўзидан олинган бўлиб, ўқитаман, ўқишни ўргатаман маъноларини англатади. Шунга кўра дидактика – бу ўқитиш назариясидир. Дидактика ўқитиш жараёнининг шакллари, методлари, тамойиллари, мазмуни, вазифаси ва мақсадларини ишлаб чиқади.

ДИДАКТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ – таълим-тарбия муассасаси шароитда муаллимнинг раҳбарлиги остида амалга ошадиган ўқув жараёнидир. Дидактикада ана шу жараённинг қонуниятлари тадқиқ қилинади, ҳар хил типдаги таълим-тарбия муассасаларида у ёки бу даражада бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий асослари, ўқитиш воситалари ва методларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади.

МЕТОДИКА– Педагогиканиннг ўқитиш, қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижаларини назорат қилиб баҳолаш методи ҳамда воситаларини ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғидир. Ҳар бир ўқув фани ўқитиш соҳаси ўргатишнинг вазифалари, мазмуни, методлари ва ташкилий кўриниши ҳақидаги методика асосида қурилади.

Мақсадга етишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган тадбир ва чоралар мажмуини **УСУЛ** дейилади.

ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ - бу турли усуллар тизими бўлиб, ўқув-дидактик материаллардан фойдаланиш орқали белгиланган мақсадга эришиш учун назарий дарс ва амалий машғулотлар пайтида қўлланиладиган усуллар мажмуасидир.

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА – умумий педагогиканиннг бир соҳаси бўлиб, у тарбия, таълим, ўқитиш ҳақида қатор назарий ва амалий маълумотлар беради. Касбий педагогика саноат, ишлаб чиқариш ва меҳнат педагогикасининг масалалари билан шуғулланади.

КАСБ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ - бутун ўқитиш ва ўқиш жараёнини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизими усули бўлиб, у мақсадга эришишга йўналтирилган ҳолда инсонларнинг ўрганиш қобилияти ва улар ўртасида мулоқот тўғрисидаги тадқиқотлар натижасига ҳамда таълим жараёнини янада самарали ташкиллаштиришнинг жонли, жонсиз воситалари билан шуғулланишга асосланади.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ- ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳасида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган билим, амалий иш-ҳаракат усулларини шакллантириш қонуниятлари, қоидалари, шакл, метод ва воситалари ҳамда мазмуни ҳақидаги педагогиканиннг муҳим тармоғидир.

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ – жамият эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тарбияланувчига маълум бир касб-хунар ўргатишнинг маърифий жараёни.

ҚОБИЛИЯТ – кишига табиатдан берилган иқтидор лаёқат.

МЕТОД – ибораси (юнонча-methodos-тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатиб) воқеликни билиш, ўзлаштириш, ўзгартириш усуллари мажмуасидир. Метод аслида инсоннинг амалий фаолияти негизида вужудга келган. Метод – педагогик жараён элементи сифатида мазмун мақсадларга максимал мос келиши керак, ана шунда – тарбия, ўқиш, ўрганиш амалга ошади. Методнинг асосий вазифаси – қобилиятни ривожлантириш. Касбий фаолиятда методнинг асосий кўрсаткичи – унинг касбий фаолият воситаларига мослигидадир.

МЕТОДОЛОГИЯ – метод ва логия ибораларининг бирлигида билиш фаолияти усули, тузилиши воситалари ва мантикий тартиби ҳақидаги таълимот маъносини англатади. Демак, методология ҳар қандай фаолиятнинг зарурий ташкилий компоненти.

Методологик билимлар, энг аввало, муайян фаолият турларининг мазмуни ва изчиллигини ўзига қамраб олиб, одат ҳамда меъёрлар шаклида, иккинчидан, амалда бажариладиган фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқади. Ҳар иккала ҳолда ҳам билимнинг асосий вазифаси билиш жараёнини тартибли равишда амалга ошириш ёки бирор объектни амалий ўзгартиришдан иборат.

МАЪЛУМОТ - у икки маънода ишлатилиб, иккиси ҳам педагогикага тегишли.

1. Хабар – ўқиш жараёнини амалга оширувчи восита. Билимли кишининг унга талабгор бўлганларга билим бериши, етказиши. Маълум қилиш деб, тил ва кўргазмалар ёрдамида уни бошқаларга билдиришдир. 2. Билим даражаси. Ўқиш, билиш, яъни борлиқдаги объектив мавжуд қонуниятларни ҳис қилиш натижасида олинган билимлар йиғиндиси – паст маълумотли, ўрта ва юқори маълумотли ва ҳоказо.

МАЪРУЗА – билимни сўз билан ифодалаш услубларидан бири сифатида бериладиган билимларни оғзаки баён қилишни кўзда тутиб, ўз ҳажмининг катталиги, мантикий қурилиши, образли исботлаш ва умумлаштиришнинг мураккаблиги билан ҳикоядан ажралиб туради.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ - таълим ва тарбия жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий-муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараёни техникавий тафаккур асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ тушунчадир.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКОнинг таърифи бўйича, «**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ** – бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда қўллашда мажмули ёндашув усулидан фойдаланишдир».

ПЕДАГОГИК ТАМОЙИЛ (ПРИНЦИП)лар – ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатда бериладиган билим тури, ҳажми ва мазмуни, шунингдек ўқув куроллари ва тарбияланувчиларнинг руҳий хусусиятлари ва шулар ораларидаги зарурий боғлиқлик (қонуният)лардан келиб чиққан қоидалар.

ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА - таълим-тарбия берувчи томонидан маърифатнинг тамойиллари ва таълим-тарбия беришнинг муайян усул ва услубларини тўлиқ ўзлаштириш ҳамда уларни амалда қўллашдаги реал шарт-шароитларни, болалар жамоаси ва ҳар бир шахснинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда амалиётда татбиқ этишдир.

ПЕДАГОГИК МУХИТ – таълим-тарбия мақсадларига мувофиқ равишда тузилган шахслараро муносабатлар мажмуи.

ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ – бевосита таълим-тарбия билан боғлиқ мулоқот тури.

ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА – ўқитувчи томонидан маърифат фанининг тамойиллари ва таълим-тарбия беришнинг усул ва услубларини яхши ўзлаштириб уларга ижодий ёндашган ҳолда, нисбатан самаралироқ усул ёки услуб яратиш тушунилади.

ТАЪЛИМИЙ КЕНГЛИК – таълим жараёнлари амалга оширадиган, яъни ташқи атроф – муҳит билан ўзаро ҳаракат англанадиган ва амалга ошириладиган кенглик. Педагогик жараёнда таълимий кенгликнинг сон ва сифат жиҳатдан тавсифи асосан

педагогга, унинг ички маданияти, дунёқараши, қарашларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам педагогнинг профессионал тайёргарлиги нафақат аниқ мазмунни эгаллашга, балки, экологик маданият, маънавият, умумий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган тақдирда мақсадга мувофиқ бўлади. Ташқи ва ички таълимий кенглик касбий фаолиятнинг аҳамияти бугунги кун таълимининг энг долзарб муаммоларидандир.

Муайян илм соҳаси ёки тармоқ илми тадқиқотларни аниқ бир мажмуиға қаратиши шу илмнинг **ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ** дейилади.

Мажмуни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги функционал алоқадорлик маълум нарса ёки ҳодисанинг алоҳида жабҳаси ҳисобланиб, илм учун **ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ** вазифасини ўтайди.

УСЛУБИЁТ – педагогика соҳасидаги тарихан таркиб топган ва аниқланган атама, тушунча ва қонуниятлардан фойдаланиб, дидактика тамойилларига асосланган ҳолда таълим ва тарбия беришнинг усул ва услубиётини яратувчи ва уларни бошқаларга ўргатувчи илм-фан тармоғидир.

БИЛИМ- бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги уларнинг ички заруриятдан келиб чиққан боғлиқликдир. Уни қонуният деб ҳам юритилади. Чунки бу зарурий боғлиқлик нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқиб, бизнинг ихтиёримиздан ташқари ўзи мавжуд. Уни ўзгартириб бўлмайди. Билим кишидан кишига маълумот (ахборот) орқали ўтади.

КўНИКМА деганда одамнинг билим олиши, элементар тажриба ва малакага таяниб бирон ишни муваффақиятли бажариш имконияти тушунилади.

МАЛАКА- киши эгаллаган билимлари кўникма босқичидан ўтиб, доимий ҳаракат турига айланиши, маҳорат ҳосил қилиши.

Кўникма ва малакалар деганда бирор шахснинг муайян фаолиятни муваффақиятли бажариши учун шарт-шароитлар яратиб берувчи, ташқаридан кузатиш мумкин бўлган ҳаракатлари ва реакциялари тушунилади. Малакалар онгли равишда амалга оширилган фаолиятнинг таркибий қисмига кирувчи автоматик тарзда юз берадиган ҳаракатлардир.

МАҲОРАТ- ўзлаштирилган билимлар ва ҳаётий тажрибалар асосида барча амалий ҳаракатларни (шу жумладан дарс беришни) кам куч ва кам вақт сарфлаб бажариш.

БАҲОЛАШ- таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат бўлган жараёндир.

МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИКА - Давлат конституцияси, “Таълим тўғрисидаги қонун” ҳамда истикбол режаланиш дастурлари, жамиятнинг тарихий тараққиёт қонуниятлари ва жаҳондаги илғор педагогик технологиялар асосида тузилган таълим тарбия назарияси, усул ва услублар мажмуи тушунилади.

МАЪНАВИЯТ – бу шахснинг эгаллаган фойдали билимлари (билим туридан қатъий назар) унинг ҳаётида бир неча бор такрорланиши натижасида кўникма ва малака босқичларидан ўтиб, руҳига сингиб, унинг ҳаёт тарзига айланиб кетган ижобий ижтимоий сифатларидир.

ИЛМНИНГ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ – муайян илм соҳаси ёки тармоқ илми тадқиқотларини бир мажмуага қаратиш.

ИЛМНИНГ ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ – мажмуани ташкил қилувчи қисмлар орасидаги функционал алоқадорлик маълум нарса ёки ҳодисанинг алоҳида жабҳаси ҳисобланади.

Нарса ёки ҳодисага етишиш бўйича инсон томонидан мақсад қилиб қўйилган, аммо илмий асосланмаган бўлсада, мантиқан боғлиқ тадбирлар мажмуида **ТАХМИН (ГИПОТЕЗА)** дейилади.

Мақсадга етишиш тахмини мавжуд қонуниятларда асослаб берилган босқични концепция ёки илмий асосланган **ТАХМИН** дейилади.

Мақсадга етишиш тахмини мавжуд қонуниятларда асослаб берилган босқични **КОНЦЕПЦИЯ** ёки илмий асосланган тахмин дейилади.

Илмий асосланиб, маромига етказилган тахмин концепцияга айланади. Ҳар қандай илмий асосланган лойиҳани амалда синаб кўриш талаб қилинади. Мақсадга етишишнинг илмий асосланган лойиҳасини амалда синаб кўришни **ТАЖРИБА** дейилади.

НАЗАРИЯ деб тафаккурнинг барча босқичларидан ўтган ва амалиётда синаб кўрилиб маромига етказилган билимлар мажмуида айтилади.

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ - замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган манба ҳисобланади.

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ НАШРИ - таълим олувчилар томонидан билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни ижодий ва фаол эгаллашларини таъминлайдиган илмий амалий билим соҳасига мос равишдаги тизимлаштирилган ўқув материалга эга бўлган электрон нашр.

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА - ўқувчи ҳамда педагоглар учун ҳужжатлаштириш ва хавфсизликнинг хусусий тизими билан таъминланган, тўлиқ матнли электрон ахборотни ресурслар, телекоммуникация воситалари асосида жамлаш ва етказиш имкониятини таъминловчи дастурли мажмуадир.

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАСИ - дарсликни қисман ёки тўлиқ алмаштира оладиган ёки тўлдирадиган расмий тасдиқланган электрон ўқув нашри.

МУЛЬТИМЕДИАЛИ ВОСИТАЛАР - турли типдаги ахборотларни: матн, расм, схема, жадвал, диаграмма ва бошқаларни яратиш, сақлаш, ишлов бериш ва рақамлаштирилган кўринишида амалга оширишнинг компьютерли воситаси.

ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК (ЭД)-компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган

6. ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ ТЕРМИНЛАР

ТАЪЛИМ -билим бериш, малака ва кўникма ҳосил қилиш жараёни бўлиб, кишини ҳаётга меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситасидир. Таълим жараёнида билим ўзлаштирилади ва тарбия амалга оширилади.

Таълимнинг моҳияти, мақсади ва мазмуни жамиятнинг маданий тараққиёти, фан-техникасининг ривожланганлиги, ишлаб чиқариш технологияларининг амалга жорий этиш даражаси кабилар билан белгиланади. Ижтимоий муносабатлар, умумий маълумотга бўлган талаб ва эҳтиёж, кишиларнинг касбий тайёргарлигига, таълим ҳақидаги ғояларга қараб кишилиқ жамиятининг турли давр (босқич)ларида таълимнинг моҳияти, мақсади, мазмуни, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш методлари ва воситалари ўзгариб, такомиллашиб боради.

ТАЪЛИМНИ БАҲОЛАШ - педагоглар томонидан баҳолаш ва таълим жараёнида эришилган натижаларни талабаларнинг ўзлари баҳолашларини жорий этиш; четга оғиш аниқланганда уларнинг сабабларини аниқлаш, кўникмалар ва билимларда топилган камчиликларни тўлғазиш, режалаштирилган янги вазифаларни лойиҳалашни ҳам назарда тутати.

ТАЪЛИМ УСЛУБИ – ўқитувчи (педагог) билан талаба (талаба)лар орасида билим бериш ва уни олиш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга солувчи педагогик тадбирлар.

ЎҚИТИШ – ўқитувчи ва таълим олувчининг биргаликдаги фаолияти ва бу жараёнда болаларнинг маълумот олиши, ўқув кўникма ва малакасини эгаллаши, тарбияланиб, ривожланиб бориши назарда тутилади.

ДИДАКТИКА – грекча *didaskien* сўзидан олинган бўлиб, ўқитаман, ўқишни ўргатаман маъноларини англатади. Шунга кўра дидактика – бу ўқитиш назариясидир. Дидактика ўқитиш жараёнининг шакллари, методлари, тамойиллари, мазмуни, вазифаси ва мақсадларини ишлаб чиқади.

ДИДАКТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ – таълим-тарбия муассасаси шароитда муаллимнинг раҳбарлиги остида амалга ошадиган ўқув жараёнидир. Дидактикада ана шу жараённинг қонуниятлари тадқиқ қилинади, ҳар хил типдаги таълим-тарбия муассасаларида у ёки бу даражада бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий асослари, ўқитиш воситалари ва методларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади.

МЕТОДИКА– Педагогиканинг ўқитиш, қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижаларини назорат қилиб баҳолаш методи ҳамда воситаларини ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғидир. Ҳар бир ўқув фани ўқитиш соҳаси ўргатишнинг вазифалари, мазмуни, методлари ва ташкилий кўриниши ҳақидаги методика асосида қурилади.

Мақсадга етишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган тадбир ва чоралар мажмуини **МЕТОД** дейилади.

ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ - бу турли методлар тизими бўлиб, ўқув-дидактик материаллардан фойдаланиш орқали белгиланган мақсадга эришиш учун назарий дарс ва амалий машғулотлар пайтида қўлланиладиган методлар мажмуасидир.

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА – умумий педагогиканинг бир соҳаси бўлиб, у тарбия, таълим, ўқитиш ҳақида қатор назарий ва амалий маълумотлар беради. Касбий педагогика саноат, ишлаб чиқариш ва меҳнат педагогикасининг масалалари билан шуғулланади.

КАСБ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ - бутун ўқитиш ва ўқиш жараёнини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизими методи бўлиб, у мақсадга эришишга йўналтирилган ҳолда инсонларнинг ўрганиш қобилияти ва улар ўртасида мулоқот тўғрисидаги тадқиқотлар натижасига ҳамда таълим жараёнини янада самарали ташкиллаштиришнинг жонли, жонсиз воситалари билан шуғулланишга асосланади.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ- ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳасида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган билим, амалий иш-ҳаракат методларини шакллантириш қонуниятлари, қоидалари, шакл, метод ва воситалари ҳамда мазмуни ҳақидаги педагогиканинг муҳим тармоғидир.

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ – жамият эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда

тарбияланувчига маълум бир касб-хунар ўргатишнинг маърифий жараёни.

ҚОБИЛИЯТ – кишига табиатдан берилган иқтидор лаёқат.

МЕТОД – ибораси (юнонча-methodos-тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатиб) воқеликни билиш, ўзлаштириш, ўзгартириш методлари мажмуасидир. Метод аслида инсоннинг амалий фаолияти негизда вужудга келган. Метод – педагогик жараён элементи сифатида мазмун мақсадларга максимал мос келиши керак, ана шунда – тарбия, ўқиш, ўрганиш амалга ошади. Методнинг асосий вазифаси – қобилиятни ривожлантириш. Касбий фаолиятда методнинг асосий кўрсаткичи – унинг касбий фаолият воситаларига мослигидир.

МЕТОДОЛОГИЯ – метод ва логия ибораларининг бирлигида билиш фаолияти методи, тузилиши воситалари ва мантикий тартиби ҳақидаги таълимот маъносини англатади. Демак, методология ҳар қандай фаолиятнинг зарурий ташкилий компоненти.

Методологик билимлар, энг аввало, муайян фаолият турларининг мазмуни ва изчиллигини ўзига қамраб олиб, одат ҳамда меъёрлар шаклида, иккинчидан, амалда бажариладиган фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқади. Ҳар иккала ҳолда ҳам билимнинг асосий вазифаси билиш жараёнини тартибли равишда амалга ошириш ёки бирор объектни амалий ўзгартиришдан иборат.

МАЪЛУМОТ - у икки маънода ишлатилиб, иккиси ҳам педагогикага тегишли.

1. Хабар – ўқиш жараёнини амалга оширувчи восита. Билимли кишининг унга талабгор бўлганларга билим бериши, етказиши. Маълум қилиш деб, тил ва кўргазмалар ёрдамида уни бошқаларга билдиришдир. 2. Билим даражаси. Ўқиш, билиш, яъни борлиқдаги объектив мавжуд қонуниятларни ҳис қилиш натижасида олинган билимлар йиғиндиси – паст маълумотли, ўрта ва юқори маълумотли ва ҳоказо.

МАЪРУЗА – билимни сўз билан ифодалаш услубларидан бири сифатида бериладиган билимларни оғзаки баён қилишни кўзда тутиб, ўз ҳажмининг катталиги, мантикий қурилиши, образли исботлаш ва умумлаштиришнинг мураккаблиги билан ҳикоядан ажралиб туради.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ - таълим ва тарбия жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий-муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараёни техникавий тафаккур асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ тушунчадир.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКОнинг таърифи бўйича, «**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ** – бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда қўллашда мажмули ёндашув методидан фойдаланишдир».

ПЕДАГОГИК ТАМОЙИЛ (ПРИНЦИП)лар – ўқитувчи ва талаба орасидаги муносабатда бериладиган билим тури, ҳажми ва мазмуни, шунингдек ўқув куроллари ва тарбияланувчиларнинг руҳий хусусиятлари ва шулар ораларидаги зарурий боғлиқлик (қонуният)лардан келиб чиққан қоидалар.

ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА - таълим-тарбия берувчи томонидан маърифатнинг тамойиллари ва таълим-тарбия беришнинг муайян метод ва услубларини тўлиқ ўзлаштириш ҳамда уларни амалда қўллашдаги реал шарт-шароитларни, болалар жамоаси ва ҳар бир шахснинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда амалиётда татбиқ этишдир.

ПЕДАГОГИК МУХИТ – таълим-тарбия мақсадларига мувофиқ равишда тузилган шахслараро муносабатлар мажмуи.

ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ – бевосита таълим-тарбия билан боғлиқ мулоқот тури.

ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА – ўқитувчи томонидан маърифат фанининг тамойиллари ва таълим-тарбия беришнинг метод ва услубларини яхши ўзлаштириб уларга ижодий ёндашган ҳолда, нисбатан самаралироқ метод ёки услуб яратиш тушунилади.

ТАЪЛИМИЙ КЕНГЛИК – таълим жараёнлари амалга оширадиган, яъни ташқи атроф – муҳит билан ўзаро ҳаракат англанадиган ва амалга ошириладиган кенглик. Педагогик жараёнда таълимий кенгликнинг сон ва сифат жиҳатдан тавсифи асосан педагогга, унинг ички маданияти, дунёқараши, қарашларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам педагогнинг профессионал тайёргарлиги нафақат аниқ мазмунни эгаллашга, балки, экологик маданият, маънавият, умумий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган тақдирда мақсадга мувофиқ бўлади. Ташқи ва ички таълимий кенглик касбий фаолиятнинг аҳамияти бугунги кун таълимининг энг долзарб муаммоларидандир.

Муайян илм соҳаси ёки тармоқ илми тадқиқотларни аниқ бир мажмуиға қаратиши шу илмнинг **ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ** дейилади.

Мажмуни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги функционал алоқадорлик маълум нарса ёки ҳодисанинг алоҳида жабҳаси ҳисобланиб, илм учун **ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ** вазифасини ўтайди.

УСЛУБИЁТ – педагогика соҳасидаги тарихан таркиб топган ва аниқланган атама, тушунча ва қонуниятлардан фойдаланиб, дидактика тамойилларига асосланган ҳолда таълим ва тарбия беришнинг метод ва услубиётини яратувчи ва уларни бошқаларга ўргатувчи илм-фан тармоғидир.

БИЛИМ- бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги уларнинг ички заруриятидан келиб чиққан боғлиқликдир. Уни қонуният деб ҳам юритилади. Чунки бу зарурий боғлиқлик нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқиб, бизнинг ихтиёримиздан ташқари ўзи мавжуд. Уни ўзгартириб бўлмайди. Билим кишидан кишига маълумот (ахборот) орқали ўтади.

КўНИКМА деганда одамнинг билим олиши, элементар тажриба ва малакага таяниб бирон ишни муваффақиятли бажариш имконияти тушунилади.

МАЛАКА- киши эгаллаган билимлари кўникма босқичидан ўтиб, доимий ҳаракат турига айланиши, маҳорат ҳосил қилиши.

Кўникма ва малакалар деганда бирор шахснинг муайян фаолиятни муваффақиятли бажариши учун шарт-шароитлар яратиб берувчи, ташқаридан кузатиш мумкин бўлган ҳаракатлари ва реакциялари тушунилади. Малакалар онгли равишда амалга оширилган фаолиятнинг таркибий қисмига кирувчи автоматик тарзда юз берадиган ҳаракатлардир.

МАҲОРАТ- ўзлаштирилган билимлар ва ҳаётий тажрибалар асосида барча амалий ҳаракатларни (шу жумладан дарс беришни) кам куч ва кам вақт сарфлаб бажариш.

БАҲОЛАШ- таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат бўлган жараёндир.

МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИКА - Давлат конституцияси, “Таълим тўғрисидаги қонун” ҳамда истиқбол режаланиш дастурлари, жамиятнинг тарихий тараққиёт қонуниятлари ва жаҳондаги илғор педагогик технологиялар асосида тузилган таълим тарбия назарияси, метод ва услублар мажмуи тушунилади.

МАЪНАВИЯТ – бу шахснинг эгаллаган фойдали билимлари (билим туридан қатъий назар) унинг ҳаётида бир неча бор такрорланиши натижасида кўникма ва малака босқичларидан ўтиб, руҳига сингиб, унинг ҳаёт тарзига айланиб кетган ижобий ижтимоий сифатларидир.

ИЛМНИНГ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ – муайян илм соҳаси ёки тармоқ илми тадқиқотларини бир мажмуага қаратиш.

ИЛМНИНГ ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ – мажмуани ташкил қилувчи қисмлар орасидаги функционал алоқадорлик маълум нарсга ёки ҳодисанинг алоҳида жабҳаси ҳисобланади.

Нарсга ёки ҳодисага етишиш бўйича инсон томонидан мақсад қилиб қўйилган, аммо илмий асосланмаган бўлсада, мантиқан боғлиқ тадбирлар мажмуига **ТАХМИН (ГИПОТЕЗА)** дейилади.

Мақсадга етишиш тахмини мавжуд қонуниятларда асослаб берилган босқични концепция ёки илмий асосланган **ТАХМИН** дейилади.

Мақсадга етишиш тахмини мавжуд қонуниятларда асослаб берилган босқични **КОНЦЕПЦИЯ** ёки илмий асосланган тахмин дейилади.

Илмий асосланиб, маромига етказилган тахмин концепцияга айланади. Ҳар қандай илмий асосланган лойиҳани амалда синаб кўриш талаб қилинади. Мақсадга етишишнинг илмий асосланган лойиҳасини амалда синаб кўришни **ТАЖРИБА** дейилади.

НАЗАРИЯ деб тафаккурнинг барча босқичларидан ўтган ва амалиётда синаб кўрилиб маромига етказилган билимлар мажмуига айтилади.

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ - замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив методда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган манба ҳисобланади.

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ НАШРИ - таълим олувчилар томонидан билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни ижодий ва фаол эгаллашларини таъминлайдиган илмий амалий билим соҳасига мос равишдаги тизимлаштирилган ўқув материалга эга бўлган электрон нашр.

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА - талаба ҳамда педагоглар учун ҳужжатлаштириш ва хавфсизликнинг хусусий тизими билан таъминланган, тўлиқ матнли электрон ахборотни ресурслар, телекоммуникация воситалари асосида жамлаш ва етказиш имкониятини таъминловчи дастурли мажмуадир.

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАСИ - дарсликни қисман ёки тўлиқ алмаштира оладиган ёки тўлдирадиган расмий тасдиқланган электрон ўқув наشري.

МУЛЬТИМЕДИАЛИ ВОСИТАЛАР - турли типдаги ахборотларни: матн, расм, схема, жадвал, диаграмма ва бошқаларни яратиш, сақлаш, ишлов бериш ва рақамлаштирилган кўринишида амалга оширишнинг компьютерли воситаси.

ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК (ЭД)-компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган

7. ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

Ўқитувчининг бош вазифаси талабаларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат эканлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски амалда-тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

И.А.Каримов

Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади.

И.А.Каримов

Одамнинг улуғворлиги унинг бўйи билан ўлчанмаганидек, халқнинг улуғлиги ҳам, унинг сони билан ўлчанмайди, ягона ўлчови-унинг ақлий камолоти ва ахлоқий баркамоллигидир.

В.Гюго

Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб бериб қўяқолади, яхши ўқитувчи эса, ҳақиқатни топишга ўргатади.

А.Дистерверг

Тафаккур ва хотира ўзаро боғлиқ, чунки тафаккур ўтмишдаги ҳаётий тажрибага асосланади.

Норман

Биз олдин мияни тўйдирайлик, сўнгра у қоринни тўйғзади.

Япон мақоли.

Мушоҳада юритмай туриб, қанча кўп ўқисангиз, шунча кўп билаётганга ўхшайверасиз, агар ўқиётганда қанчалик кўп мушоҳада юритсангиз, шу қадар оз нарса билишингизни аниқроқ ҳис этасиз.

Ф. Вольтер

Китоб одамни - билагон, суҳбат – топқир қилади, ёзиб олиш одати эса уни аниқликка ўргатади.

Ф. Бекон

Илму устод китоб ҳурмати – ҳаммасидан зарур бу боб ҳурмати.
Ким эсдан чиқарса бу уч ҳурматин,
Чекар ҳаётида камлик зиллатин.

Камолиддин Биноий

Агар ёлғиз эсанг, ҳамдам китобдур,
Билим субҳидаги нур ҳам китобдир.

Абдурахмон Жомий

Китобни эъзозлаш керак, тафаккурнинг бу қасрига эҳтиром билан кирмоқ лозим.
А. Герцен

Китобнинг моҳияти мангудир... Бу моҳият – тафаккурни абадийлаштиради.
Л.Н Толстой

Ўзимдаги барча яхши фазилатлар учун китобдан миннатдорман.
Максим Горький

Қандай китоб ўқиётганингни айтсанг, сенинг кимлигингни айтиб бераман.
А.В. Луначарский.

Китоб ўқишни одат қилмаган оила – маънавий қашшоқ оиладир.
П.А. Павленко

Китоблар инсоният фикри дурдоналарини тўплаб авлодларга етказди.
Ойбек

Китоб бу инсон орқали кўриладиган дунёдир.
И.Э. Бобел

Китоб инсонга қанот бағишлайди.
Ф. В. Гладков

Китоб сени ҳали сен кўрмаган дунёга олиб боради, сен эшитмаган сўзлар айтади.
Герцен

Китоблар эҳтироссиз, бироқ садоқатли дўстдир.
Гюго

Китоб бутун ҳаётни қамраб олади.
Бальзак

Китоб бу ҳаётдир, ундаги жараёнлар – тарих жараёнларидир.
М.Н. Кураев

Менинг ақлим китоблардан ғоялар манбаини топди.
Циалковский

Китобим, барчадан бойим ўзингсан,
Тунимни ёритар Ойим ўзингсан.
Баданим илмга ташналаб турса,
Суғориб турувчи сойим ўзингсан.
Муҳиббий

Мен олимларга, илоҳиётчиларга, файласуфларга ва тарихчиларга ҳурмат –
эҳтиром кўрсатдим. Мен уларни ҳурмат қилдим ва эъзозладим.
Амир Темур

Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур.

Махмудхужа Бехбудий

Мозийга қайтиб иш кўриш хайрликдир.

Абдулла Кодирий

Ишга яраб қолса ишинг бир муддат, яна оширмоққа айлагил шиддат.

Мирзо Улугбек

Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай.

Имом ал-Бухорий

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар билим қайда бўлса, буюклик бўлар.

Юсуф Хос Хожиб

Фақат бир эзгулик бор – билим ва фақат бир ёмонлик бор – жаҳолат.

Сукрот

Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар.

Ҳадис

Мозий истиқболнинг тарозусидур, ҳар ким ўлчасун-да билсун.

Махмудхўжа Бехбудий

Вакт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинагагина кўтариладилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради.

Абу Райхон Беруний

Цивилизация нима дегани? Бу олға кетаётган инсон ҳар қадамда юзага келтираётган доимий кашфиётлардир: тараққиёт сўзининг ўзи ҳам шундан келиб чиққан.

Виктор Гюго

Бир кунлик адолат – юз кунлик тоат – ибодатдан афзал.

Амир Темури

Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик – зулмкорлик ва ноқобил одамга тарбия ҳайфдир. Тарбиянгни аяб унисини нобуд қилма, тарбиянгни бунисига зое кетказма.

Алишер Навоий

Илмдан бир шуъла дилга тушган он, шундан билурсанким илм бепоён.

Фирдавсий

Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга, машққа.

Арасту

Камолотга эришиш учун, аввало қалб покизалиги ҳақида ўйлаш керак. Қалб покизалигига эса юрак ҳақиқатни излаганда ва Рух орифликка интилган тақдирдагина эришилади. Буларнинг барчаси ҳақиқий билимга боғлиқдир.

Конфуций

Ҳаракат заиф бўлган жойда, кучли билим фойдасиздир. Ҳаракатсиз билим – ипсиз камон ўқидир.

Аз-Замахшарий

Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим.

Абу Наср Форобий

Эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади.

Конфуций

Аввалига биз болаларимизга ўргатамиз. Сўнгра ўзимиз улардан ўрганамиз. Кимки буни хоҳламас экан, ўз давридан орқада қолади.

Я.Райнис

Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллантириш устахонасидир, агар келажакни қўлдан чиқаришни истамасанг, мактабни қўлда мустаҳкам тутмоғинг лозим.

А.Барбюс

Мактаб – дунё иморатларининг энг муқаддаси ва кадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари билан ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққийи ривожига ижтиҳод қилурлар.

Махмудхужа Бехбудий

Чинакам оқилона таълим онгимизни ҳам, хулқимизни ҳам ўзгартиради.

Мишел Монтен

Билим ва қудрат – иккови эгизак.

Ф.Бекон

Илм бир чирокдурким, сени роҳат ва фароғатга ҳеч бир захматсиз етказди.

Абу Лайс Ас-Самарқандий

Инсонни инсон қилиб етиштирувчи нарса – тарбиядир.

Демокрит

Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир.

Стефан Цвейг

Болаликка буюк ҳурмат, эҳтиром билан қараш лозим.

Ювенал

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган муқаддас бир вазифадур.

Абдулла Авлоний

Тараққиётнинг умумий қўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади.

Э.Лабуле

Агар мақсадсиз бўлсанг ҳеч нарса қилолмайсан, мақсадинг катта бўлмаса буюк иш қилолмайсан.

Дени Дидро

Улуғ ақл эгалари ўз олдиларига мақсад қўядилар, қолган одамлар ўз истаклари ортидан эргашадилар.

Вошингтон Ирвинг

Ҳаёт йўлида биринчи масала – мактаб масаласидир.

Абдурауф Фитрат

Илм кўпга етказар, ҳунар эса кўкка.

Ўзбек халқ мақоли

Ёмонлик – бутун нуқсонлар мажмуидир. Дунёнинг ишлари сиёсатсиз тартибга тушмайди. Агар таълим тарбия ва жазо тўғрисида қонун-қоида бўлмаса, мамлакат ишлари бузилади.

Хусайн Воиз Кошифий.

Ҳамма қобилиятларнинг сарвари фикрдир.

Уилям Метийуз

Илм намоёндаларига бахиллик қилма, зеро илм хазинадирки, ундан қанча фойдалансанг ҳам бойликдан фаркли ўлароқ, барибир кўпайиб бораверади.

Мажид Хавофий

Билимга элтувчи ягона йўл, бу фаолиятдир.

Бернард Шоу

Маданий жамият шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, ҳар Ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар.

Абу Наср Форобий

Афлотундан сўрадилар: ўқиш-ўрганиш тоқайгача иззат ва ҳурматда бўлгуси? У жавоб қилади: жоҳиллик нуқсон деб ҳисоблангунга қадар.

Жалолиддин Давоний

Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар.

Дени Дидро

Ўртамиёна одам вақтни тез ўтказиш пайида бўлади, истейдод эгаси эса ундан фойдаланиб қолишга ўринади.

А.Шопенгауэр

Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур.

Аз-Замахшарий

Инсоннинг қиммати эмас сийму зар. Инсоннинг қиммати илм ҳам ҳунар.

Бедил

Одам болаликдан яхшилик ва гўзаллик куртакларисиз ҳаётга кадам қўймаслиги керак, авлодларни ҳам яхшилик ва гўзаллик куртакларисиз ҳаётга йўллаб бўлмайди.

Фёдор Достоевский

Халқ учун нондан сўнг муҳими мактабдир.

Жорж Дантон

Кимки ўрганишни уят, ор дема, Сувдан дур топади, тошдан лаъл, олмос.

Низомий Ганжавий

Тарбия ишида ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнига катта ўрин берилмоғи лозим. Инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина тараққий этган.

Г.Спенсер

Ким ҳунарни деса, у доно бўлур, нодонлар қудрат деб бойликни билур.

Абдурахмон Жомий

Олтин ва кумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки эс-хуши ва касб-ҳунари бўлмаган киши камбағалдир.

Мажид Ҳавофий

Ҳунар – ҳунардан унар.

Ўзбек халқ мақоли

Ўқувчини меҳнат қилишга ўргат, уни нафақат меҳнатни севишга, у билан шундай уйғунлашишга кўниктиргинки, токи меҳнат унинг вужудига сингиб кетсин, уни шунга ўргатки, унинг учун ўз кучи билан бирон бир нарсани билиб ололмаслик ақлга сиғмайдиган ҳолат ҳисоблансин.

Дистерверг.

Тараққиёт тасодиф эмас, балки заруриятдир.

Виктор Гюко

Ҳар қандай одамга унинг қилган ишларига қараб баҳо бериш керак.

Сервантес

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир.

Абдулла Авлони

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. – «Ўзбекистон». 1999.
2. Батишев С.Я.. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. М.: 1997.
3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Касб таълим услубияти. Ўқув қўлланма. - «Молия».- 2006.
4. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.- «Фан», 2004.
5. Р.Мавлонова Р., Тўраева О., Холикбердиев К. «Педагогика» «Ўқитувчи» - 2001.
6. Ulrich Kline. Projekt – und tron sferorientierte Ausbildung – PETRA (Лойихаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятга қўллашга қаратилган таълим). Printed in Germany.
7. Frank Vengkefer, Berufliche Bildung und Consulting GmbH, («Касбий педагогика» махсус соҳасининг муҳим масалалар асосида Франк Венгкефернинг концепцияси), D-13189 Berlin, 2002.
8. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт “Маънавият асослари” дарси асосида ишланган услубий қўлланма. “Абу Али ибн Сино”. 2001.
9. Б.Зиёмухаммадов, Ш.Абдуллаева. Педагогика. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2000.
10. Нишонов А, Хайдаров Б. ва бошқалар. Баҳолаш методлари. «Осиё тараққиёт банки». 2003.
11. Н.Х.Авлиёкулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. "Муаллиф" .- 2001.
12. Ходжиев М.Т., Олимов Қ. Т. Электрон дарсликларни яратиш технологияси ва сифатини баҳолаш методикаси.- «Фан», 2005.
13. Бородина Н.В., Самойлова Е.С. Модульные технологии в профессиональном образовании. Учеб. пособие. Екатеринбург.- 1998.
14. Селевко С.К. Современные образовательные технологии. М. Изд. «Народное образование», 1998.
15. “Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш, ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом” Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 25 феврал 2005 йил 34 сонли буйруғи.
16. Нуриддинов Б.С., Абдуқуддусов О.А. Касб- таълим ўқитувчилари тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари. Монография. 2001.
17. Олимов Қ.Т. Проблемы создания учебников специальных дисциплин нового поколения в сфере среднего специального и профессионального образования..Монография.-Ташкент: Фан, 2004.
18. Олимов Қ.Т., Авлиёкулов Н.Х., Рустамов Р.М. Касбий фанларни ўқитишнинг модул тизими // Касб таълими. – 2003.-№2. – Б.18.
19. Олимов Қ.Т.,Халимов Э.З.,Нигматиллаева З. Касбий фанлардан ўқув мақсадлари ва мазмунларини белгилаш // Илмий тадқиқотлар ахборотномаси.-2003.-№2.Б. 35-36.
20. Олимов Қ.Т., Назарова Н.Н., Шукурова Б.Т. Талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари // Таълим муаммолари.-2003.-№1.- Б. 61-62.
21. Олимов Қ.Т. Учебно-методическое обеспечение специальных дисциплин // Узлуксиз таълим. 2004.- № 3. Б. 68-75.
22. Олимов Қ.Т. Электрон дарсликлар яратишнинг услубий асослари.// Касб-хунар таълими.- 2004.- № 1.-Б. 69-72.

23. Олимов Қ.Т. Модулли технология асосида ўқув адабиётларини яратиш // Касб-хунаар таълими.-2004.-№6-27 б
24. Олимов Қ.Т., Мирзахмедов.Б.М. Касб-хунаар таълими тизимида махсус фанлардан ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш муоммолари. // Узлуксиз таълим.-2004.- №5.-Б. 22-26.
25. Олимов Қ. Т. Махсус фанлардан амалий машғулотларни ўтказишнинг илғор усуллари // Таълим муаммолари.- 2003.- №2. Б.124-126

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1– БОБ. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING УМУМИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Мутахассислик фанларининг ўзига хос хусусиятлари	5
1.6. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикасида қўлланиладиган илмий тадқиқот методлари	8
1.3. Мутахассислик фанларини ўқитиш тамойиллари.	15
1.4. Мутахассислик фанларининг ўқув услубий таъминоти	21
1.5. Мутахассислик фанларини ўқитиш методлари.	
1.5.1. Оғзаки, кўргазмали ва амалий методлар	30
1.5.3. Ижодий изланиш методлари	33
1.5.4. Муаммоли ўқитиш методи.	34
1.5.4. Дастурлаштирилган ўқитиш методи	37
1.5.5. Модулли ўқитиш методи	38
2– БОБ. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ	42
2. 1. Ўқитиш жараёнини ташкил этишда дастлабки тайёргарлик	45
2.3. Мутахассислик фанларнинг ўқув мақсадини ва мазмунини белгилаш	52
2.4. Ўқитиш воситалари ва дидактик материалларни тайёрлаш	58
2.4. Назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш	64
2.5. Назарий билим ва амалий кўникмаларни баҳолаш.	67
2.7. Мутахассислик фанларидан мустақил ишларни ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш	76
3-БОБ. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ФАОЛ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	
3.2. Таълимни фаоллаштиришнинг аҳамияти	82
3.3. Мунозара, фикрлашга мажбурлаш, ишчанлик ёки ролли ўйинлар, гуруҳий ишлаш усуллари. Мунозара	87
3.3. Йўналтирувчи матн усули	89
3.4. Лойиха усули	92
3.5. Муаммоли ўқитиш услуги.	95
3.6. Модулли ўқитиш методи	98

3.7. Дастурлаштирилган ўқитиш методи.	100
3.8. Мутахассислик фанларини ўқишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш	101
4-БОБ. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИДАН ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.	
4.1. Модулли технология асосида ўқув адабиётларни яратиш имкониятлари	107
4.2. Мутахассислик фанларидан электрон дарсликларни яратиш технологияси	115
5- БОБ. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ.	
5.1. Мутахассислик фанларини модулли методика асосида ўқитиш бўйича тажриба синов ишлари	
5.1.1. Тажриба синов ишларини ташкил этиш	124
5.1.2. Тажриба-синов ишларининг бориши ва олинган натижаларни таҳлил қилиш.	126
5.2. Мутахассислик фанлардан электрон дарсликларнинг педагогик самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба синовларини ташкил этиш ва ўтказиш	127
Мутахассислик фанларини ўқитиш методикасида қўлланиладиган асосий терминлар	137
Фойдаланилган адабиётлар ва илмий-услубий ишлар рўйхати	144

Қ.Т.ОЛИМОВ, Б. М. МИРЗАХМЕДОВ, А.Х.ҒАФФОРОВ

МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Ўзб. Рес. О ва ЎМТВ томонидан Олий таълим муассасалари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

Тошкент «Фан ва технологиялар маркази» - 2006

Босишга _____ да рухсат этилди. Бичими 60 x 84 1/16 «Таумс» гарнитурида ofes босма усулида босилди. Шартли б.т. 9,1. Нашр т. 9.25 жами 1000 нусха ____ рақамли буюртмада саҳифаланиб чоп этилди.

Тошкент, Олмазор кўчаси 171

1a)	16,1,14,3,12,5,10,7
1б)	8,9,6,11,4,13,2,15
2a)	32,17,30,19,28,21,26,23
2б)	24,25,22,27,20,29,18,31
3a)	48,33,46,35,44,37,42,39
3б)	40,41,38,43,36,45,34,47
4a)	64,49,62,51,60,53,58,55
4б)	56,57,54,59,52,61,50,63
5a)	80,65,78,67,76,69,74,71
5б)	72,73,70,75,68,77,66,79
6a)	96,81,94,83,92,85,90,87
6б)	88,89,86,91,84,93,82,95
7a)	112,97,110,99,108,101,106,103
7б)	104,105,102,107,100,109,98,111
8a)	128,113,126,115,124,117,122,119
8б)	120,121,118,123,116,125,114,127
9a)	144,129,142,131,140,133,138,135
9б)	136,137,134,139,132,141,130,143
10a)	160,145,158,147,156,149,154,151
10б)	152,153,150,155,148,157,146,159
11a)	176,161,174,163,172,165,170,167
11б)	168,169,166,171,164,173,162,175
12a)	192,177,190,179,188,181,186,183

126)	184,185,182,187,180,189,178,191
13a)	200,193,198,195
136)	196,197,194,199